

Турли хил саволларга жавоблар



Муаллиф

Саҳвий

2 қисм

Нашр этилган сана

2022 йил

Кириш:

Бисмиллоҳир роҳманир роҳим

Бу иккинчи тўпламга ҳам қирқта савол ва уларга менинг берган, ёзма жавобларим жамланган.

Демак, бу китобда турли вақтларда, ўзбек тилидаги гапирувчи мусулмонлардан, ижтимоий тармоқлар орқалик, менга берилган турли хил саволлар ва менинг жавобларим ўрин олган. Бу саволларга баъзида, аудио шаклда келганлиги учун, уларни мазмунини оққа кўчириб, унга берилган жавоблар тақдим қилинди. Баъзи, саволлар, ёзма равишда берилгани учун, уларни имло хатоларини тузатиб, қисқа мазмунини ва унга берилган жавобни тақдим қилдим. Бу жавобларда мен, аксар ҳолларда араб шайхларнинг фатволаридан фойдаландим. Лекин, сиёсий ижтимоий саволларга, жавоблар ва шу савол жавобларга тегишли умумий хулосалар, менга тегишлидир.

Ўтган йилларда менга берилган саволларга жавобларни ҳам, биринчи китобга кирмай қолганларини, топиб ушбу китобга киритдим. Улар ҳажми катта мақола шаклида бўлиб, турли хатларга ва саволларга жавобдир. Гарчи, бугун бу каби, диний мавзудаги саволлар ва жавоблар интернетда, тўлиб тошиб ётсада, бу саволлар менга берилган учун, мен уларга жавоблар юборганим учун, буларнинг муаллифи сифатида, менга тегишли жиҳати борлиги учун, менинг илмий ижодий меросим сифатида, шу тўпламга киритдим.

Саволлар турли хил одамлар тарафидан ва турли замонда менга берилган, фатволар турли уламоларнинг, турли вақтда, бошқаларга берган фатволаридир. Мен булар ичидан, шу саволга тегишли жойини топиб, уларни ўзбек тилига ўгириб, менга берилган саволларга жавоб тариқасида, тақдим қилганман. Савол берувчилар шахсини аксар ҳолларда хавфсизлик нуқтаи назаридан кўрсатмадим.

Жавобларнинг фатволари, агар бўлса, қайси шайхларга тегишли эканлиги кўрсатилди. Аксар ижтимоий сиёсий саволларга жавоблар, менинг шахсий қарашларимдан келиб чиқиб берилган. Мен шаръий ҳукмларни, насс билан келганида, кимнинг мазҳаби эканини, суриштирмасдан қабул қиламан. Демак, бу жавоблар муайян мазҳабга алоқаси йўқ ва айни дамда, қайсидир мазҳабга дахлдор ҳам, бўлиши мумкин!

Мен бирорта мазҳабда эмасман, ва фатволарни мазҳабга қараб, танлаб олмаганман. Лекин, баъзи саволларга жавобда, мазҳабдаги ҳукмларни ҳам, келтириб кетганман. Умуман бу саволларга жавоблар, мазҳабдагилар ҳам, бемазҳаблар ҳам, фойланадиган асосда берилгандир. Аллоҳу таоло, бу китобни ҳам, ўқувчиларга ва муаллифига ҳам, дунё ва охиратда манфаатлик қилсин! Нуқсон у хатоларини авф қилсин! Омин!

Саҳвий

10.02. 2022

1. Савол:

Шу нарсани тарқатишлик тарқатиш керак деб, айтилган экан?!Шу тўғрими?

Assāloomu Aleykum və
rāxmātullohu və bārākātuh
birodārlār 2022-yil 2-āpreldān Biz
kutgān muborāk Rāmāzon oylāri
kirib kelār ekān Birodārlār
Pāyg'āmbārimiz Muhāmmād s.ā.v
āytgānlār kim-ki Rāmāzon hāqidāgi
hush hābārnī tārqātsā , kimgādir
eslātsā shungā -- Jāhānnām o'ti
hārom qilinār ekān !!! Shundāy ekān
sz hām kimgā dur eslāting .!!!

الحمد لله، والصلاة والسلام على نبينا محمد، وعلى آله وصحبه، ومن والاه، أما بعد

Рамазонни келиши олдидан бунақа хушхабар тарқатиш керак, деган, ҳадис йўқ. Бу ерда иккита хато бор. Бири, динда йўқ, бидъат амални қилишлик бор. Иккинчиси, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ёлғон тўқишлик бўлаяпди. Буниси катта хатардир.

وفي حديث ابن عباس عند الترمذي، وحسنه: اتَّقُوا الْحَدِيثَ عَنِّي إِلَّا مَا عَلِمْتُمْ، فَمَنْ كَذَبَ عَلَيَّ مُتَعَمِّدًا فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ.

Менинг айтган ҳадисларимга эҳтиёт бўлинглар, ким менга қасддан ёлғон тўқиса, жойини жаҳаннамдан танлаб олаверсин.

Термизий ривояти.

في حديث أبي هريرة، قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: مَنْ تَقَوَّلَ عَلَيَّ مَا لَمْ أَقُلْ، فَلْيَتَّبِعُوا مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ.
رواه ابن ماجه، وحسنه الألباني، وصححه

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтдилар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Кимки, мен айтмаган гапни айтди деб, ёлғон тўқиса, жойини жаҳаннамдан танлаб олаверсин.

Ибн Можжа ривояти

Албоний саҳиҳ деган.

Шунинг учун иккала нарсадан ҳам эҳтиёт бўлишлик керак. Рамазондан олдин, бу хабарни тарқатиш керакмас. Ва бунақа нарсаларни тарқатишлик мумкинмас. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга ёлғон тўқишлик керакмас. Валлоҳу аълам.

Саҳвий

02.01.2022

2. Савол:

Assalomu alaykum v v b Ustoz yahshimisiz

Manabu hadis haqida nima deysiz?

Jamshid D,

НАМОЗ САБОҚЛАРИ



Воил ибн Хужр розияллоху анхудан ривоят қилинади: **“Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламни намозда ўнг қўлларини чап қўллари устига киндик остига қўйганларини кўрдим”** (Имом Ибн Абу Шайба саҳиҳ санад билан ривоят қилган).

[diniysavollar](#) [diniysavollar](#) [fatvouz](#) [fatvouz](#)

Валекум ассалом

Бу масалада уламолар турли хил гаплар айтганлар.

وجاء في رواية وائل بن حجر عند ابن خزيمة: أنه يضعهما على صدره

Бу ҳадисда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам кўкраги устида қўлини тутганлиги айtilган

وكذا عند أحمد من حديث قبيصة بن هلب الطائي عن أبيه: أن النبي ﷺ كان يضع يديه على صدره حال كونه قائماً في الصلاة

Бу ҳадисда ҳам Пайғамбар алайҳиссалом намозда қўлларини кўкраги устида ушлар эдилар дейилган

وهكذا جاء من حديث طاوس مرسلاً عن النبي ﷺ بإسناد جيد وضع اليمين على الشمال على الصدر

Бу ҳадисда ҳам юқоридаги каби, мазмунда айtilган

فَعَنْ وَائِلِ بْنِ حُجْرٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - أَنَّهُ «رَأَى النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - رَفَعَ يَدَيْهِ حِينَ دَخَلَ فِي الصَّلَاةِ وَكَبَّرَ، ثُمَّ التَّحَفَ بِثَوْبِهِ، ثُمَّ وَضَعَ الْيَمِينَ عَلَى الْيُسْرَى، فَلَمَّا أَرَادَ أَنْ يَرْكَعَ أَخْرَجَ يَدَيْهِ، ثُمَّ رَفَعَهُمَا وَكَبَّرَ فَرَكَعَ، فَلَمَّا قَالَ: سَمِعَ اللَّهُ لِمَنْ حَمِدَهُ رَفَعَ يَدَيْهِ، فَلَمَّا سَجَدَ سَجْدَ بَيْنَ كَفَيْهِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ، وَمُسْلِمٌ، وَفِي رِوَايَةٍ لِأَحْمَدَ

Бу ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом намозда ўнг қўлларини чап қўлни устига қўйганлари айtilган ва рукуъга кетишда қўлини кўтариб, Аллоҳу акбар деб тасбиҳ айтиб, кейин рукуъ қилганлар ва рукуъдан қайтишда, яна икки қўлини кўтариб, такбир айтиб, кейин, саждага кетганлари ва саждада икки қўли орасига сажда қилганлари айtilган.

Имоми Ахмад ривояти

Қўлни қаерга қўйиш устида мазҳаблар орасида, ихтилофлар бор.

- فقال كثيرون: يُسَنُّ أَنْ يَكُونَ وَضْعُهُمَا تَحْتَ الصَّدْرِ وَفَوْقَ السُّرَّةِ. اعْتِمَادًا عَلَى النُّصُوصِ الثَّلَاثَةِ الْأُولَى، وَهُوَ قَوْلُ سَعِيدِ بْنِ جَبْرِ، وَعَلَيْهِ أَحْمَدُ فِي رِوَايَةِ عَنْهُ وَمَالِكٌ فِي رِوَايَتِهِ الَّتِي قَالَ فِيهَا بِمَشْرُوعِيَّةٍ وَضَعَ الْيَدَيْنِ لَا إِرْسَالَهُمَا. وَعَلَيْهِ الشَّافِعِيُّ أَيْضًا. قَالَ فِي شَرْحِ الْمَنْهَاجِ: وَيُسَنُّ جَعْلُ يَدَيْهِ تَحْتَ صَدْرِهِ وَفَوْقَ سُرَّتِهِ فِي قِيَامِهِ، لَمَّا صَحَّ مِنْ فَعْلِهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ -، وَحِكْمَةٌ جَعْلُهَا تَحْتَ صَدْرِهِ أَنْ يَكُونَ فَوْقَ أَشْرَفِ الْأَعْضَاءِ وَهُوَ الْقَلْبُ، فَإِنَّهُ تَحْتَ الصَّدْرِ مِمَّا يَلِي الْجَانِبَ الْأَيْسَرَ. وَالْعَادَةُ أَنْ مِنْ احْتِفَظَ عَلَى شَيْءٍ جَعَلَ يَدَيْهِ عَلَيْهِ.

Бу ерда киндикни устига, кўракни остига қўйишлиги айtilган. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шундай қилганликлари саҳиҳ дейилади.

- وقال جماعة: يُسَنُّ وَضْعُهُمَا تَحْتَ السُّرَّةِ، اسْتِنَادًا إِلَى الْأَثَرِ الرَّابِعِ الْمَرْوِيِّ عَنْ عَلِيٍّ. وَقَدْ عَلِمْتُ أَنَّهُ ضَعِيفٌ، وَعَلَيْهِ أَبُو حَنِيفَةَ وَسُفْيَانُ الثَّوْرِيُّ، وَإِسْحَاقُ بْنُ رَاهَوِيَةَ وَأَبُو إِسْحَاقَ الْمُرُوزِيُّ مِنْ أَصْحَابِ الشَّافِعِيِّ. وَعَلَيْهِ أَحْمَدُ فِي رِوَايَةِ ثَانِيَةِ عَنْهُ

Бу ерда Али Разияллоҳу анҳудан келган асар ривоятни асос қилиб, киндикни остига қўйишлик айtilган. Абу Ҳанифа ва Суёни Саврий шуни ихтиёр қилган. Шофийлардан Исҳоқ ибн Марзавий ва Абу Исҳоқлар шуни ихтиёр қилганлар. Бу ривоят заиф дейилган.

قالوا: إن وضع اليدين على الصدر مُنافٍ للخشوع المأمور به في الصلاة، وَرَدَّ قَوْلُهُمْ هَذَا بِأَنَّ الْمَنَافَاةَ لِلْخُشُوعِ مَمْنُوعَةٌ. بَلْ إِنْ وَضَعَهُمَا عَلَى الصَّدْرِ هُوَ الْمُسَاعَدُ عَلَى الْخُشُوعِ قَالَ الْحَافِظُ: قَالَ الْعُلَمَاءُ: الْحِكْمَةُ مِنْ هَذِهِ الْهَيْئَةِ أَنَّهَا صِفَةُ السَّائِلِ الذَّلِيلِ، وَهُوَ أَمْنَعُ لِلْعَبَثِ وَأَقْرَبُ إِلَى الْخُشُوعِ. (ج) كَمَا احْتَجَّوْا أَيْضًا عَلَى أَنْ إِرْسَالَ الْيَدَيْنِ سُنَّةٌ بِأَنَّ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - عَلَّمَ الْمَسِيءَ صَلَاتَهُ كَيْفَ يُصَلِّي، وَلَمْ يَذْكُرْ وَضْعَ الْيَمِينِ عَلَى الشَّمَالِ. كَذَا حَكَاهُ ابْنُ سَيِّدٍ النَّاسِ عَنْهُمْ

Бу ерда уламолар, икки қўлни кўракни устига қўйишлиги айtilган. Қўлни кўрак устига қўйиш, хушуъни зиёда қилади дейишган.

أن أرجح الأقوال هو استحباب قبض اليد اليمنى على راسغ اليد اليسرى، ووضعهما على أسفل الصدر فوق السرة، ويجوز إرسالهما عند السكون، وذلك هو قول الشافعية.

Имоми Шофий айтади: Қўлни икки томонга тушириб турса ҳам бўлади. Ёки, киндик остига қўйса ҳам бўлади. Фарқи йўқ дейди.

قال ابن قدامة، ولا يجوز التعصب لرأي من الآراء، والخلاف والتنازع في هذه الهيئة البسيطة مع عدم الاهتمام بالخشوع الذي هو روح الصلاة والأساس الأول في قبولها عند الله، هو ظاهرة مَرَضِيَّة لا صَحِيَّة. والإسلام قد نَهَى عن الجدل وبخاصة في هذه الهيئات البسيطة.

Ибн Қуддома айтади: булардан ҳар бирини ихтиёр қилиш мумкин. Бу ерда биттасига таассуб қилишга ҳожат йўқ, дейди.

أما الاعتماد المنهي عنه فهو وضع اليد على الأرض والاعتماد عليها في حالة الجلوس، لما رواه الحاكم في المستدرک والبيهقي في سننه عن ابن عمر رضي الله عنهما، أن النبي صلى الله عليه وسلم نهى رجلاً وهو جالس معتمد على يده اليسرى في الصلاة، فقال: إنها صلاة اليهود. قال الذهبي في التلخيص: على شرطهما، يعني الشيخين البخاري ومسلم

Ташахҳудда ўтирганда, чап қўлини ерга қўйиб, суяниб ўтирган одамни, Пайғамбар алайҳиссалм қайтарганлар, бу яҳудларнинг намози деганлар. Демак, ташахҳудда , икки томонга суянмасдан ўтириш керак.

وقال في "صفة صلاة النبي - صلى الله عليه وسلم" (ص: 69): "وضعهما على الصدر هو الذي ثبت في السنة، وخلافه إما ضعيف أو لا أصل له"

Албоний «Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам сифати» номлик рисоласида, қўлни кўкрак устига қўйлик суннат ва ундан бошқа ривоятларнинг асли йўқ, ёки заиф деганлар.

ما روى ابن خزيمة في "صحيحه" عن وائل بن حجر -رضي الله عنه- قال: "صليت مع رسول الله -صلى الله عليه وسلم- ووضع يده اليمنى على يده اليسرى على صدره"

Ибн Ҳузайма Воил ибн Ҳижрдан ривоят қилган у айтади: мен Наби саллоллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқидим. Ўнг қўлини чап қўли устига қўйиб, кўкраклари устига қўйдилар, дейди.

وهذا الحديث قال عنه الألباني رحمه الله في تعليقه على صحيح ابن خزيمة: "إسناده ضعيف

Албоний бу ҳадисни заиф деган.

وقال المباركفوري: "فالحاصل أن حديث وائل بن حجر صحيح، قابل للاحتجاج والاستدلال به على وضع اليدين على الصدر في الصلاة، تام صحيح

Муборакфурий бу ҳадисни саҳиҳ деган.

.....

**Alloh rozi bulsin aka Tashakkur
qoniqarlik javobingiz ustoz Alloh ilmingizni ziyoda qilsin amin**

Саҳвий

14.01.2022

3 Савол:

Ассалому алайка биродар оллох иймонингизни зиёда килсин.

Сизга бир савол билан мурожаат килмокчиман. агар макул келса сизга, жавоб беринг. Булмаса йук. Сизни унчалик билмайман. аммо узокдан эшитганман. шарият дан хабардор инсонсиз. Айтингларчи СИЗ олимлар қачонгача, биз аввом умматни ухлатиб келасизлар?. Агар пайғамбар йулида булсаларинг, умматни олдинга ўсишга олиб чиқинглар. Ислому душманларига бу қилайдиган хизматларинг, роса кул келяпти. Вактни беҳуда кетказманглар. Халапда Алеппада Идлибда бутун дунёда, мусулмонлар қириляпти. Мана сизларни олдиларингдаги катта муаммо. Эрта Аллох олдида, ҳаммаси учун жавоб берасилар.

Hafizulloh Ansor

Валекум ассалом!

Ҳафизуллоҳ биродар аввало уммат ғамида ёзилган бу мактуб учун, ташаккуримни билдираман. Кейин сизга шуни маълум қиламанки, мен ислом олими ёки шайхлигига даъвогар шахс эмасман. Бир мусулмон сифатида, ўзим билганимча озми кўпми, ибодатимни қилиб юрган одамман.

Сиз кўтарган муаммога келсак, дарҳақиқат, бугун Ислом оламида кўп жойларда қонлар тўкиляпти. Бунга ислом олимларидан ташқари, ўнлаб ва юзлаб куч қудрат эгалари ҳам, масъулдирлар. Бу урушларда динийдан кўра, дунёвий сиёсий сабаблар кўп деб ўйлайман. Ташқи душмандан кўра, ислом оламидаги ички парчаланиш, умматга каттароқ зарар бераяпти. Қаранг, ўша урушларда аксар ҳолларда, уришаётганлар ва қурбон бўлаётганлар мусулмонлардир.

Сабаби, турли туман гуруҳга ажралганмиз. Ҳамма гуруҳни ўз шайхи ва мужтаҳидлари бор. Сиз Суриядаги муаммоларни кўтарибсиз. Аслида эса, Ўзбекистонлик шахслар учун, масъулият, аввало, ўзидан, ўз оиласидан, ўз маҳалласи ва шаҳари ва вилоятидан ва кейин, бутун диёрдан бўлади. Бизда ўзимизнинг муаммолар етиб ортадиган бир пайтда, ўзимиз қодир бўлмаган ҳолда, бошқа диёрдаги мусулмонларга, ёрдам беришни ўйлаяпмиз.

Бу нарса албатта яхши бўларди, агар биз ўз муаммоларимизни тугатиб, кейин уларга ёрдамга шошилсак. Бизда ҳали ўзимизни ўнглашга, на имкон ва на қудрат йўқ ҳолда, бошқаларни муаммосига шерик бўлишга уринаяпмиз. Оқибатда эса, на у ерда ва на ватанда, бир ишни қойил қилолмаяпмиз. Масъулият, шахсга ва жамоага ҳам, тоқат даражасида бўлади. Аввал ўзимиздан бошлаш керак.

Сизга саломатлик тилаб,

Саҳвий

2017 йил

4. Савол

Мен оптимистман ва келажакка яхши умид билан қарайман. Мени диндор дўстим бор. У мени доим қўрқитишга уринади. Келажакда ёмонлик бўлишини гапиреди. Дин пессимистликка тарғиб қиладими? Сиз ўзиз келажакдан умид қиласизми?

Энди, аслида бу ерда бири биридан алоҳида иккита савол бор экан.

1 савол, Дин пессимистликка тарғиб қиладими?

2. савол, Сиз ўзиз келажакдан умид қиласизми?

Мен бу иккала саволга умумий қилиб битта жавоб бераман.

Динимизда, оптимист пессимист деган тушунчалар йўқ. Лекин, Аллоҳга имон келтирган мўминлар, Аллоҳни меҳрибон ва раҳмлик Зот деб танишади. Ва Унгагина ибодат қилиб, Ундангина ёрдам сўрашади. Гуноҳларини Аллоҳ мағфират қилишига умид қилишади. Раҳмати билан жаннатига киргизишига, умид қилишади. Бу ўша сиз айтган оптимистга яқин дейиш мумкин. Лекин, бу оптимист деган туруқ тушунча эмас. Бу Оламни Яратувчисини борлигига бўлган ишонч ва шундан келиб чиққан, умидворлик туйғусидир. Даҳрийларнинг оптимист деган тоифасига келсак, улар келажакдан абстракт нарсадан умид қилишади. Келажак деган конкрет нарса йўқ. Келажак деган бирорта моддий нарса йўқ. Улар йўқликдан умид қилишади халос. Бу асоссиз тушунчадир. Ўзини ўзи алдашдир. Бу тушунчанинг қуруқ ўзи, улар қалбини хотиржам қилмайди. Имонсиз одамда, умидворлик бўлиши ҳам, имконсиздир. Ёки, сохта умидворликдир. Бутга сиғинадиган имушрик киши, шу тошни унга ёрдам беришини умид қилгани қанчалик аҳмоқлик бўлса, даҳрий одамни оптимистлиги ҳам, шундан бошқа нарсамас.

Бизлар Аллоҳга имон келтирамиз. Қуръони каримда Аллоҳ бизга умид қилишга буюради. Унинг раҳматидан умидни узмасликка буюради. Дунёдаги қийинчиликларга сабр қилишга буюради.

Бу масалада кўплаб, ривоятлар келган. Кўп оятлардан умидбахш маънолар топишган. Қуйида шулардан баъзиларини ҳавола қиламан.

عن ابن عباس -رضي الله عنهما- قال: «أرجى آية في القرآن: {إِنَّا قَدْ أُوحِيَ إِلَيْنَا أَنَّ الْعَذَابَ عَلَى مَنْ كَذَّبَ وَتَوَلَّى

Абдуллоҳ Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо айтган эканлар: Мен учун қуръондаги энг умидбахш оят, (Мусо ва Ҳорун алайҳисалом Фиръавнни олдида бориб, айтишган оятдир.)

"Дарҳақиқат, бизга ваҳй қилиндики: (Аллоҳнинг) азоби (ваҳйни) ёлғонга чиқарган ва юз ўгирган кимса устидадир"

Тоҳо сураси 48 оят.

Яъни, тасдиқ қилган ва бўйсунганларга азоб бўлмайди деган, умид бор. Демак, бу оят мўминлар учун, азобдан нажот топишига бўлган бир хушxabардир.

Вайни дамда, бу оятда, имон келтирмаганларга азоб бўлиши ҳам хабар қилинмоқда. Оптимистлар бунга эътибор қилишлари лозим.

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ ۚ وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَالًا بَعِيدًا
Нисо сураси 48 оят

Бу оятда, Аллоҳ ширк келтирувчиларни кечирмаслигини эълон қилган. Демак, ширкдан саломат бўлган ва кўп гуноҳ қилган кишилар, умидини узмасликлари керакки, ширк бўлмаса, бошқа гуноҳлари кечирилиши мукин?! (Одамлар ҳаққидан бўлган гуноҳлар кечирилмааслиги ҳам айтилади)

Бошқа бир оятда:

قُلْ لِّلْعِبَادِ الَّذِينَ أَسْرَفُوا عَلَىٰ أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِن رَّحْمَةِ اللَّهِ ۚ إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا ۚ إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ
Зумар сураси 53 оят

Эй Муҳаммад, ўз жонларига зулм қилган бандаларимга айтинг: “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират қилур. Албатта, Унинг ўзи мағфиратли ва раҳмлидир. дейилади.

Бу оят, ҳам мўминларга умид бағишловчи оятлардандир. Банда мағфиратдан умидини, ҳеч қачон узмаслиги керак!

Мен келажакдан эмас, Аллоҳдан умид қиламан. Мағфират қилишлигини, раҳмати билан жаннатига дохил қилишлигини, ва азобидан омонда сақлашлигини ва Ўзи дунё ва охирадаги ишларимга мададкор бўлишлигини умид қиламан! Бу умид қилишликка шу динимиз буюради. Бу ҳар бир мўмин учун вожиб амалдир. Пессимист дегани, Ислом истилоҳида кофир деганидир. Чунки, кофирларда Аллоҳдан мағфират умиди йўқдир!

Мўминларда эса, бу умид доимо бўлади. Ҳар қандай гуноҳкор мўмин ҳам, ширкдан саломат бўлса, мағфиратдан умидвор бўлишга ҳақлидир. Мушрик ҳам, тириклигида тавба қилса, унга ҳам мағфират ваъда қилинган. Шунинг учун, бу дунёда мўминлардан кўра, оптимист одам йўқ. Янада аниқроғи, оптимистлар мўминларчалик умидворроқ эмаслар. Валлоҳу аълам!

Аллоҳ ҳамма мўминларни мағфират қилсин! Адашганларни ҳидоятига бошласин! Омин!

Саҳвий

04. 01. 2022

5. Савол

Бир кишининг Тошкентда, шоколад ишлаб чиқарадиган фабрикаси бор. Бу киши икки одамдан ўн минг доллардан, йигирма минг доллар олган. Ўзининг сармоясини айтмаган. У буларга ишлаб чиқилган шоколаднинг, ҳар килосига беш юз сўмдан пул бераман, деган. Фабрика эгаси, бир аҳли илмдан сўрашса, ўзинг рози бўлиб берсанг, бўлаверади, дебди. Кейин, бу сармоядорлар бошқа бир аҳли илмдан сўрашса, у айтибдики, сизлар ўша йигирма мингдан қанча шоколад ишлаб чиқарса, шуни килосига беш юз сўмдан оласизлар. У кишини ўзини сармояси ҳам қўшилган бўлса, сизлар ундан олишга ҳақлимассизлар, дебди. Қолганини у олади. Ёки, шу фойдани элликка эллик қиласизлар дебди. У одам сармоясини айтмаяпди экан. Агар улар пулни берсалар, у одам ўзи рози бўлиб, ҳар килосига беш юз сўмдан берса, шу бўладими? Ҳаром бўлмайдими? Ўшани сўраб бергин дейишганди.

Чунки, икки аҳли илм, икки хил гап айтган. Биттаси айтган йигирма минг доллар пулни берасизлар, шуни фойдасидан учдан бирини беради, дебди. Наригиси айтибдики, агар ўзи рози бўлиб беш юз сўмдан берса, бўлаверади, дебди. Шунга сиз нима дейсиз?!

Саволда биров аниқлик киритиш керак бўлган жойлари бор. Масалан, у пулни қарзга олган бўлса, унда шу пулни қайтаради. Агар пулни савдода сармоя қилишга олса, унда фойда ва зарарга, томонлар тенг шерик бўлади. Бу музораба шаклида олинган пул бўлса, ишлаб чиқарувчи нега сармоясини айтмаган? Агар ишлаб чиқарувчи, ўзининг сармоясини булардан алоҳида қилиб, ишлаб чиқарса, ва буларни пулини музорабага киритса, унда ўзиникига қўшмасдан ишлатиши керак бўлади.

Агар у киши, ўзининг пулини, буларни пулидан алоҳида ишлатиб, буларнинг пулини ўзигагина, ўзиникини алоҳида қилиб, музораба қилган бўлса, унда сармоя киритган кишилар, ишлаб чиқаришда иштирок этмасалар, фойда ва зарарда тенг шерик ёки, учдан бирига, тўртдан бирига, шерик бўлмасалар, музорабаъ шarti бузилади. Агар улар савдода иштирок этмасалар, фақат бир томон иштирок этса, фойда ва зарарда тенг шерик бўлолмайдилар. Агар икки киши тенг пул тикса, тенг меҳнат килса, фойда ва зарарда ҳам тенг бўлса, шуниси тўғри бўлади. Агар бир киши пул тикса, униси меҳнат килса, унда ҳам фойда ва зарарда, тенг шерик бўлади.

حكم المضاربة في التجارة

السؤال: السؤال الرابع: هل يمكن أن أعطي شخصاً مالياً ليتاجر به ويعمل فيه لوحده والفائدة تقسم بيننا، نرجو توضيح ذلك من ناحية الحلال والحرام بالنسبة لي أنا الذي لم أشاركه في العمل أفيدونا أفادكم الله؟

الجواب: هذه الشركة يقال لها: المضاربة، وقد فعلها أصحاب النبي ﷺ، وهي جائزة بإجماع المسلمين ليس فيها نزاع يجوز للإنسان أن يدفع مالا لآخر يعمل فيه يتجر فيه بأنواع التجارة ويكون الربح بينهما، أو يكون الربع للمالك والثلاثة الأرباع للعامل أو العكس على ما اتفقا عليه لكن يكون بجزء مشاع معلوم، فهذا لا حرج فيه أنصافاً أو أثلاثاً أو أرباعاً أو غير ذلك، المعنى: بالجزء المشاع المعلوم لكن لا يجوز أن يقول: اعمل فيها على أنه يكون لك مائة ريال كل شهر أو خمسين ريال كل شهر أو ألف ريال لا، لابد يكون لك الربع لك الثلث لك النصف لك السدس والباقي لي، أو يقول: لي أنا أيها المالك صاحب المال لي السدس لي الخمس والباقي لك أيها العامل كل هذا لا بأس به أو الربح بيننا لا بأس، نعم

Ибн Бозга шундай савол берилган. Мен бировга сармоя учун пул берсам, ўзим иштирок этмасам. У пулни ишлатса, мен фойдасига шерик бўлсам мумкинми? Деган.

У киши жавоб берганлар: Бу мумкин ва ўзаро келишув асосида бўлади. Лекин, сармоя эгаси пулни берганида, фойда ва зарарни ярмига ёки, тўртдан бирига, ёки, олтидан бирига шерикман дейди. Ёки, пулни олган одам сен, шунча қисмига шериксан, дейди. Яъни, бу ерда фойдани маълум қисмини келишиш керак. Сен пулни ишлат ва менга ҳар ойда минг сўм бериб тур, деса бу рибо бўлади. Булар маълум миқдорга келишиши керак, деган мазмунда жавоб берганлар.

Демак, сен айтган одам, конкрет килосига беш юз сўм бераман, деган. Бу ерда миқдор аниқмас. бу жоизмас, валлоху аълам. Яна, фойдадан шу миқдорни бераман деган. Зарарни миқдори ҳам аниқмас. (Аслида, фойда миқдори билан зарар миқдори ҳам бир хил бўлиши керак) Бу келишув жуда тушунарсиз ва музораба шартлари топилмаган келишув бўлган.

Хуллас, ўша учдан бирини оласан деганнинг, гапи тўғри, Валлоху аълам! Агар зарарда ҳам шунга келишган бўлсалар. Музорабани шартларига кўра, ёзма равишда, икки киши гувоҳлигида қилиниши керак. Мабодо, томонлардан бири вафот этиб қолса, музораба тўхтайдди. Шунда, орани ечадиган шахсни тайинлаш ва у молларни эгасига қайтариши керак. Томонлар зарар кўрмасдан ва зарар бермасдан, тугатишни ҳам ўйлаб қўйсинлар. Зарарда ҳам шу фойда миқдорида шерик бўлсинлар. Ахдга икки томон ҳам, вафо қилсинлар. Чунки, молни ҳалол топиш ва ҳалолга сарфлаш фарздор.

عن أبي بَرزَةَ نَضْلَةُ بن عبید الأسلمي -رضي الله عنه- مرفوعاً: «لا تَزُولُ قَدَمَا قَدَّمَ عِنْدَ يَوْمِ الْقِيَامَةِ حَتَّى يُسْأَلَ عَنْ عُمْرِهِ فِيمَ أَفْنَاهُ؟ وَعَنْ «عَلِمَهُ فِيمَ فَعَلَ فِيهِ؟ وَعَنْ مَالِهِ مِنْ أَيْنَ اكْتَسَبَهُ؟ وَفِيمَ أَنْفَقَهُ؟ وَعَنْ جَسَمِهِ فِيمَ أَبْلَاهُ؟

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Қиёматда банданинг қадами жилмайди то тўрта нарсага жавоб бермагунча:

1. Умрини нимага сарф қилганига,
2. Илмига қандай амал қилганига,
3. Молини қаердан топган ва қаерга сарфлаганига,
4. Жисмини қаерга ишлатганига.

Имоми Термизий ривояти

12 декабр 2021 йил

6. Савол

Интернет гуруҳдан берилган савол.

Olloh qayerda degan savolga javob berin

Shayh Samarqandi osmondami osmonda emasmi bilmiman degan odam kofir boladi deb yuborayapti matrudiylar isbot qilib bolmaydideyapti.

Kryin Olloh qayerda degan savolga umuman javob topa olmado bazlar osmonda bazlar zamon makon taraf isbotlab bolmaydi deyapti.

Masaln men umuman men bilmayman desamchi Olloh bor va yagona desam qayerda dekanligini men nilmayman desam imonim zayif bolib qoladmi meni.

Мен бу саволга жавоб бериб, чарчадим.

У сизни саволдаги, Самарқандий айтган гапни, аслида Абу Ҳанифа айтганлар.

Имоми Абу Ҳанифа айтган эканларки: Кимки, Аллоҳ осмондами ердами, билмайман деса, кофир бўлади. Чунки, Аллоҳу таоло айтгандир:

Раҳмон ўз Аршининг устидадир.

(Тоҳо сураси 5 оят)

Мотуридийлар тоифаси Абу Ҳанифа мазҳабидамиз деб, иддао қилишади. Улар Аллоҳни ломакон, макони йўқ, дейишади. Абу Ҳанифа, бу масалада, ундай фикрда бўлмаган. У киши учта нарсани Аллоҳнинг олийлигига ҳужжат деб, келтирган.

قال الإمام أبو حنيفة استدل بعلم الله تعالى
من قال: لا أعرف الله أفي السماء أم في الأرض فقد كفر، قال الله تعالى: الرَّحْمَنُ عَلَى الْعَرْشِ اسْتَوَى "

كما ترى الإمام أبا حنيفة استدل بعلم الله تعالى بحجج ثلاث:
الأولى: الحجة النقلية فذكر آية من كتاب الله تعالى كما ذكر حديث الجارية وهذا دليل على أنه كان يستدل بخبر الواحد في باب العقيدة، وفي ذلك عبرة للماتريديّة

الثانية: الحجة العقلية: وهي قوله: "لأن الأسفل ليس من الربوبية والألوهية في شيء. وهذا يتضمن الفرق بين توحيد الربوبية وبين توحيد الألوهية أيضاً

"الثالثة: الحجة الفطرية: وهي قوله: "والله يدعى من أعلى لا من أسفل
وكلام أبي حنيفة في جميع ذلك صريح غاية الصراحة لا يحتمل التأويل بوجه ما

1. Хужжат оят ва ҳадислар.
2. Хужжат, пастдаги нарасада, Рубубийят ва Улуҳийят сифати бўлмайди. Аллоҳда бор. Демак, у Олийдир деган.
3. Хужжат инсон фитратидир. Инсон ўзидан олий Зотга дуо қилади. Ўзидан пастдагига эмас.

Бу мавзуда турли хил гаплар бор. Мутакаллимлар пайдо бўлганидан бошлаб, то шу кунгача, шу масалада талашиб тортишиб келмоқдалар. Бу мавзуни ҳал қилиш имкони йўқ. Демак, тортишишга ҳам ҳожат йўқ. Чунки, минг йилдан бери тугамаган нарсани, бундан кейин ҳам, тугатиш мумкин эмасда. Зоҳирига имон келтириб, кайфиятини Аллоҳга ҳавола қилиш керак, тамом! Ақлга мослаш шартмас, ҳамма нарсани.

Биз оят ва ҳадисларни зоҳирига қараб, қабул қилиб, тасдиқ қиламиз. Кайфиятига киришмаймиз.

ءَأَمِنْتُمْ مِّنْ فِي السَّمَاءِ أَن يَخْسِفَ بِكُمْ الْأَرْضَ فَإِذَا هِيَ تَمُورُ
Мулк сураси 16 оят

Осмондаги зот сизларни ерга юттириб юборишидан, омонда бўлдингизми?

وقد سأل النبي صلى الله عليه وآله وسلم جارية فقال لها: «أين الله؟» فأشارت بأصبعها إلى السماء، فقال النبي صلى الله عليه وآله وسلم لصاحبها: «أعتقها فإنها مؤمنة» رواه مسلم، وليس في ذلك إثبات المكان لله، وإنما ذلك لأن السماء قبلة الدعاء؛ لأن جهة العلو هي أشرف الجهات، لا أن الله محصور فيها، حاشاه سبحانه وتعالى عن ذلك علوا كبيرا

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бир чўри аёлга, Аллоҳ қаерда? Дедилар. У аёл, осмонда, деб жавоб берди. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам бу аёл мўъмина экан. Уни озод қилавер, дедилар. (Бир мусулмон қулни, озод қилиши лозим бўлган одамга) Имоми Муслим ривояти. Бу ҳадисни шундай шарҳлашган.

Бу дегани Аллоҳга маконни исбот қилишлик эмас. Осмон дуонинг қибласидир. Олийликка далолатдир. Жиҳатларнинг олийсидир. (олти тарафнинг энг шарафлисидир) Аллоҳу таоло осмонлардан юқоридадир, олийдир.

Мана шулар бир кишининг мўъмин бўлишига кифоя қилади. Буни тагига кириб, кавлашга на ҳожат?! Шунга имон келтириб, қўйиш, имоннинг афзалидир. Валлоҳу аълам!

Бу гуруҳдагилардан илтимос, менга бу мавзуда, бошқа савол берманглار.

Саҳвий

23.01.2022

7. Савол

Мавлуд ўтказишга нима дейсиз?

Мавлуд ҳақида кўп уламоларнинг, бидъат деган, сўзлари бор. Мен бундан ортиқ гап, айтолмайман. Бизнинг диёримизда, мазҳаб номидан жуда кўплаб, бидъат амаллар қилинган ва қилинмоқда. Мавлуд ўтказишлик бидъатдир. Бидъатларни эмас, суннат амалларни қилинглари Бундан бошқа турли бидъат маросимлари бор. Баъзи, сарой мулгалари, буларни мумкин деб, фатво беришган!

Огоҳ бўлингларики, ҳақ йўлдаги уламолар иттифоқи билан, Мавлуд маросими ўтказишлик бидъатдир! Бидъат амал учун савоб умид қилиш, жаҳолатдир! Бидъатдан узоқ бўлишлик, савоб умид қилинадиган амалдир! Динфурушлар авомни залолатга чорлашяпти. Худдики, улардан олдинги динфурушлар чорлаган каби. Булардан ҳазар қилинглари!

Рабиул аввал ойига тегишли хос бир амал йўқ. Кимки, ўзича ўйлаб янгилик чиқарса, у рад қилинади. Пайғамбар алайҳиссалом 11 ҳижрий сана, Робийул аввал ойининг 12 куни, душанба куни вафот этдилар. Туғилган кунлари аниқ эмас.

Аллома Ибн Бозга, Мусулмонлар мавлуд устида ихтилоф қилиб, жанжаллашишлари жоизми? деб, савол берилганда,

هل يحل للمسلمين أن يحتفلوا بالمولد النبوي؟
القرون المفضلة؛ فلم أنه بدعة وقد قال ﷺ: من أحدث في أمرنا هذا ما ليس منه فهو رد متفق على صحته، وفي رواية لمسلم

Билгилки, у бидъатдир! Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Ким бизнинг бу ишимизда, ундан бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад қилинади. деб жавоб берганлар.

Саҳвий

08.10.20

8. Савол

Рамазонда мусофирга рўзани очиши мумкинлигини биламан. Аммо, самолётда учсам, уйимга пешиндан ўтиб кириб бораман. Шу куни рўза тутмаганман. Бошқа давлатда мусофирлигим учун. Энди пешиндан кейин, ўзимни шаҳаримда ва уйимда бўламан. Шу куни уйга бориб овқатлансам бўладими? Чунки, бошида ният бўлмаган эди.

Бу каби саволларга, кўп марта дуч келганман.

Мен бу масалада сизга, аллома Ибн Бозни жавобини ҳавола қиламан.

لصائم في رمضان، إذا قدم بلده، في أثناء النهار يلزمه الإمساك على الصحيح؛ لأنه زال السفر، فيلزمه أن يمسك إلى غروب الشمس، ولا يعتد بهذا اليوم يقضيه لكن يمسك، وهكذا الحائض والنفساء إذا طهرت في أثناء النهار تمسك.. تغتسل وتمسك وتقضي ذلك اليوم؛ لأن الصوم فريضة، فليس له أن يفطر إلا بعذر شرعي، كالمرض والسفر، ما دام موجوداً في البلد الذي.. أو بلده، فإنه يلزمه الإمساك إذا قدم وهكذا في جميع الأيام حتى يكمل رمضان، يصوم كما يصوم المسلمون، وليس له أن يفطر إلا بعذر شرعي كالمرض والسفر، وعليه ومن كان مريضاً أو على سفر فعدة من أيام أخر [البقرة:185]، واليوم الذي: القضاء لما أفطره في السفر أو في المرض، كما قال الله قدم فيه إلى بلده يعتبر حينئذ مقيماً، فعليه أن يمسك، إذا قدم الضحى أو الظهر يمسك إلى بقية النهار... غروب الشمس، وهذا اليوم الذي أفطر بعضه لا يعتد به بل يقضيه، وهكذا الحائض والنفساء كما تقدم إذا طهرت تمسك، وهكذا المريض إذا عافاه الله في أول النهار، أو في أثناء النهار يمسك حتى يكمل، ولا يعتد بهذا اليوم يقضيه. نعم

Агар наҳорда уйинга келган бўлсанг, рўзани тутгил. Шундан бошлаб, то кун ботгунга қадар тутгин. Бу кунни қазосини қайта тутмайсан. Ҳайзи келишдан тўхтаган аёл ва нифос қони келишдан тўхтаган аёллар ҳукми ҳам шундайдир. Кун бўйи тозалансалар, ғусл қилиб, рўзани тутишади. Шу кунга рўзани тутган ҳисобланади.

Чунки, рўза фарздир. Рўзада еб ичиш мумкинмас магар узрли одамга мумкин. Узрли одамлар касаллар ва сафардаги одамлардир. Агар мусофир ўз шаҳарида ҳозир бўлса, унга рўзани тутмоғи лозимдир. Бу рамазоннинг ҳамма кунига тегишлидир. Узрсиз рўзани очиш мумкинмас.

Аллоҳу таоло айтган:

قَالَ اللَّهُ : وَمَنْ كَانَ مَرِيضًا أَوْ عَلَى سَفَرٍ فَعِدَّةٌ مِنْ أَيَّامٍ أُخَرَ
Бақара сураси 185 оят

Мусофир ватанига келганидан бошлаб, муқим ҳисобланади. Унга қачон уйга келса, тутиши лозимдир. Эрталабми, пешиндами қачон келсада, рўза тутиши керак. Шу куни тутган деб, ҳисобланади. Касали тузалган беморлар ва ҳайзу нифосдан покланган аёллар ҳам, шу ҳукмда. Шу куни кечгача тутди ва бир кун тутганга ҳисобланади.

Демак, Ибн Бозни бу саволга жавоби шудир.

Хулоса: Касали тузалмайдиган одам, шу касали рўза тутишга узрли бўлса, у рўза тутмайди ва фидя тўлайди. Фидя миқдори бир кунига бир мискинни, бир кунлик таомидир. Ўттиз кунлик рўзага ўттизта мискинни таомлантириши керак. Бу рўзасига каффорат бўлади. Агар қандайдир бошқа касали бор одам, шу туфайли рўза тутолмаган бўлса, Рамазонда шу касал одам, кундуз куни тузалса, шу тузалган соатидан бошлаб, кечгача рўза тутди.

Юқоридаги фатвога кўра, бу бир кунга ўтади. Мусофир киши масаласида, уйига 60 км. дан яқин масофа қолганидан бошлаб тутди. Баъзилар, мусофирлик учун турли миқдорларни айтганлар. Ҳанафийларда 90 км. деган қавллар ҳам бор. Шу масофа ичида, намозини тўлиқ ўқийди. Рўзани тутди. Ундан ташқарида бўлса, рўза тутмасликка узри бор бўлади ва намозни қаср ўқийди. Шу масофа ичида бўлса, Рўза тутиб бошлайди. Ва шу бир кунга ҳисобланади. Валлоҳу аълам. Ҳайзлик аёлни ҳайзи тўхтаса, шу пайт ғусл қилиб, рўзани тутди кечгача, шу бир кунга ўтади. Касал одам тузалса ҳам шундай. Валлоҳу аълам.

Саҳвий

02. 12. 2021

9. Савол

Қозоғистонда кўп кишилар борки, ёшлари катта, улар никоҳ ўқитмасдан уйланиб яшаганлар. Болалари ва неваралари ҳам бор. Давлат расмий никоҳидан ўтишган халос. Исломий никоҳ ўқитмаганлар. Шуларга никоҳ ўқиб қўйишлик керакми? Ёки, ўша расмий никоҳи бўйича яшаб кетаверадиларми?!

عن ابن عباس رضي الله عنهما قال: " كان المشركون على منزلتين من النبي ﷺ والمؤمنين، وكانوا مشركي أهل الحرب يقاتلهم ويقاتلونهم، ومشركي أهل عهد لا يقاتلهم ولا يقاتلونهم، وكان إذا هاجرت امرأة من أهل الحرب لم تخطب حتى تحيض وتطهر، فإذا طهرت حل لها النكاح، فإن هاجر زوجها قبل أن تنكح ردت إليه " أخرجه البخاري

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилиб айтадилар: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам замонида мушриклар икки тоифага ажраларди. Аҳли ҳарб бўлган мушриклар, Уларга қарши уруш қилинарди ва улар ҳам мусулмонларга қарши урушишарди. Аҳли Аҳд бўлган мушриклар, уларга қарши уруш қилинмасди ва улар ҳам мусулмонларга қарши урушмасди. Ҳарб аҳлидага мушриклардан бўлган аёллар келиб, имон келтирсалар, то ҳайз кўриб покланмагунча, унга совчи қўйилмасди. Поклангач, унга никоҳланиш ҳалол бўларди. Агар никоҳланишдан олдин эри келиб, мусулмон бўлса, уни эрига қайтариларди. Бухорий ривояти.

Хулоса: Мушриклар имонга келганида, эр хотин биргаликда имон келтирсалар, ёки, идда муддати тугамасдан олдин эри ҳам, имонга келса, Пайғамбар алайҳиссалом қайта никоҳ ўқимаганлар Чунки, уларнинг ёши катта бўлган Болалари бўлган. Ўша жоҳилийятдаги никоҳи ҳисобга ўтган. Лекин, биттаси имон келтириб, бошқаси мушриклигида қолса, улар ораси ажратилган. Аммо, аёли имон келтириб, эри мушриклигида қолган бўлсаю, аёлнинг иддаси чиқмасидан эри ҳам, имон келтирса, буларнинг ҳам никоҳи бузилмаган. Янгидан никоҳ ўқитилмаган.

وعن ابن شهاب أنه قال: كان بين إسلام صفوان وبين إسلام امرأته نحو من شهرين ولم يبلغنا أن امرأة هاجرت إلى الله ورسوله وزوجها كافر مقيم بدار الكفر إلا فرقت هجرتها بينها وبين زوجها إلا أن يقدم زوجها مهاجراً قبل أن تنقضي عدتها موطأ الإمام مالك حديث رقم

Ибн Шихоб айтади: Сафвон ибн Умайянинг хотини имон келтирганидан то унинг ўзи имонга келгунча ўтган муддат, икки ойча эди. Демак, идда муддати тугамасдан имонга келса, шу эски никоҳида қолишлари мумкин. Имоми Молик Муватто тўпламида зикр қилган.

عن ابن شهاب أن أم حكيم بنت الحارث بن هشام وكانت تحت عكرمة بن أبي جهل، فأسلمت يوم الفتح وهرب زوجها عكرمة بن أبي جهل من الإسلام حتى قدم اليمن، فارتحلت أم حكيم حتى قدمت عليه باليمن، فدعته إلى الإسلام فأسلم، وقدم على رسول الله ﷺ عام الفتح، فلما رآه رسول الله ﷺ وثب إليه فرحاً وما عليه رداء حتى بايعه فثبنا على نكاحهما ذلك (موطأ الإمام مالك حديث رقم (١١٨٣))

Ибн Шихоб айтади: Умму Ҳаким бинти Ҳориса Икрима ибн Абу Жаҳлни хотини эди. Аёли Фатҳ куни мусулмон бўлди. Эри Яманга қочиб кетди. Хотини эрини олдига бориб, эрини Исломга даъват қилди. У Фатҳ йили қайтиб келди ва Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам уни хурсанд бўлиб кутиб олдилар. У келиб байъат берганида устларида ридолари йўқ эди. Уларнинг ўша эски, никоҳларини ўз кучида қолдирдилар. Имоми Молик Муватто тўпламида зикр қилган.

عن عبد الله بن شبرمة أنه قال: كان الناس على عهد رسول الله ﷺ، يسلم الرجل قبل المرأة، والمرأة قبل الرجل، فأيهما أسلم قبل [٣] انقضاء عدة المرأة فهي امرأته، وإن أسلم بعد العدة فلا نكاح بينهما ([٢٥])

Абдуллоҳ ибн Шабрама айтади: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам даврида эри хотинидан олдин мусулмон бўларди. Баъзида хотини эридан олдин мусулмон бўларди. Идда муддати тугамасдан иккаласи ҳам мусулмон бўлишса, аёл уни аёли бўларди. Иддасидан тагагач мусулмон бўлса, улар орасида никоҳ йўқ ҳисобланарди. 9Яъни, истаса шу эрига қайта никоҳланади. Истаса, бошқа бировга эрга тегиб кетади.)

Баъзи ривоятларда, идда муддати тугаб кетганидан кейин ҳам, шу эрига қайтарилгани ривоят қилинади.

وَأما أدلتهم على أن الفرقة بعد الدخول تتوقف على انقضاء العدة فمنها

عن ابن شهاب أنه بلغه أن نساءً كنَّ في عهد رسول الله ﷺ بأرضهن وهن غير مهاجرات، أزواجهن حين أسلمن كفار، منهن بنت [١] الوليد بن المغيرة وكانت تحت صفوان بن أمية فأسلمت يوم الفتح وهرب صفوان بن أمية من الإسلام... فذكر القصة بطولها إلى أن قال ثم خرج صفوان مع رسول الله ﷺ وهو كافر فشهد حنيناً والطائف وهو كافر وامراته مسلمة ولم يفرق رسول الله ﷺ بينه وبين امراته حتى (أسلم صفوان واستقرت عنده امراته بذلك النكاح [٢٤]).

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам замонида аёллар исломга кирар ва эрлари мушриклигича қоларди. Бинти Валид ибн Муғира шулардан бири эди. У Сафвон ибн Умайянинг хотини эди. Бинти Валид Макка фатҳи куни имон келтирганди. Эри, Сафвон ибн Умайя ҳали, Исломга қарши жанг қилиб юрарди. Сафвон ибн Умайя Тоиф ва Ҳунайн жангида ҳам, мусулмонларга қарши урушганди. (Ҳунайн жанги Макка Фатҳидан кейин бўлган.)

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам уни ва хотинини орасини ажратмадилар, то Сафвон ибн Умайя мусулмон бўлиб келмагунча. Мусулмон бўлгач, аёлини ўша эски никоҳи билан унинг олдида қолдирдилар.

وجه الاستدلال أن قوله: (فإن هاجر زوجها قبل أن تتكح ردت إليه) يدل على أن الزوجة ترد إليه وإن طال الزمن لأنه أطلق في هذا الحديث، فتح الباري (٩/٤٢٤).

“عن ابن عباس رضي الله عنهما: ” أن النبي ﷺ رد ابنته زينب على زوجها أبي العاص بن الربيع بالنكاح الأول ولم يحدث شيئاً [٢]

Абдуллоҳ Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қилиб айтадилар: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қизлари Зайнабни, эри Абул Ос ибн Рабиъга эски никоҳи билан қайтариб бердилар. (мусулмон бўлгач)

وفي لفظ: ” رد ابنته زينب على أبي العاص وكان إسلامها قبل إسلامه بست سنين على النكاح الأول، ولم يحدث شهادة ولا صداقاً “. قال الترمذي فيه: ” لم يحدث نكاحاً ” وليس بإسناده بأس، سنن أبي داود (٢٢٤٠)، سنن الترمذي (١١٥١)، سنن ابن ماجه (٢٠٠٩)، مسند الإمام أحمد (١/٢١٧)، وصححه الألباني في الإرواء (٦/٣٣٩).

Бошқа ривоятда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам қизлари Зайнабни, эри Абул Ос ибн Рабиъга, мусулмон бўланидан кейин, эски никоҳи билан қайтариб бердилар. Шунда Зайнаб имон келтирганига олти йил бўлганди. Қайта никоҳ ўқимадилар ва маҳр бермасдан гувоҳ чақирмасдан қайтариб бердилар. Термизий никоҳини янгиламадилар дейди. Бу ҳадисни Абу Довуд, Ибн можжа, Турмизий, Имоми Аҳмад ривоят қилган. Албоний саҳиҳ деган.

Хулоса: Ўша саволда айтилган одамларни, ўша замонда жоҳил яъни, динсиз деб, тушунсак, энди имонга келган бўлсалар, эр хотин бирга имонга кирса, юқоридаги далилларга асосан, никоҳи қайта ўқилмаслиги жоиз, Валлоҳу аълам. Агар биттаси кириб, бошқа кирмаса, унда улар бирга яшаши мумкинмас. Биргаликда динга кирсалар, яшаб кетадилар Лекин, бу ёғида, диндан чиқарадиган ишлар қилмасликлари лозим бўлади. Чунки, биттаси диндан чиқса, иккинчиси унга ҳаром бўлади. Никоҳи бузилади, Валлоҳу аълам!

Саҳвий

06.04.2022

10. Савол

Одамни ўлганидан кейин, ёқиб юборишлик мумкинми?

Меҳнат муҳожирининг саволидан.

Ислом Динида инсон тиригида ҳам, ўлганидан кейин ҳам, Азиз мукаррамдир!

روى أبو داود عن أم المؤمنين عائشة رضي الله عنها أن النبي صلى الله عليه وآله وسلم قال: «كَسْرُ عَظْمِ الْمَيِّتِ كَكْسْرِه حَيًّا

Оиша онамиздан ривоят қилинади: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

Ўликни суяқларини ўтда ёқишлик, (гуноҳи) тирикни ёққан, кабидир.

Инсон жасади тириклигида қандай дахлсиз бўлса, ўлганидан кейин ҳам, шундай дахлсиз бўлади. Тириклигида азиз бўлиб, ўлгач, ўтда куйдирадиган ахлатга айланмайди. Ислом динида, ўликни ёқишлик, мумкинмас. Ўликни жасадини кесишлик ва аъзоларини олишлик ҳам, мумкин эмас. Магар, ўзи бирор аъзосини, бирорта мусулмонга зарур бўлса, беришга васият қилган бўлса, бу мастасно. Валлоҳу аълам!

Бу амал бугун кофирлар диёрида, кўп учрайди. Уларда ҳам насронийлари ва яҳудийлари бундай қилмайдилар. Бутпарастларда ва динсиз даҳрийларда шундай амаллар бор. Даҳрийлар динсиз бўлгани учун,, шунақа қилишади. Улар учун, инсон ўлгач, Тамом. Уни ўтда куйдирса ҳам, фарқи йўқдир! Бу нарса, уларнинг кейинги дунёга имон келтирмаганлари натижасида пайдо бўлган амалдир. Ҳиндларда, бутпарастлар, оташпарастлар ботил диний ақидасидан келиб, чиқиб, шундай ўликларни куйдирганлар. Улар ўша ўлган эракани хотини ҳам, эрига қўшиб, бирга тириклайин ёқиб юборишган. Нима эмиш, улар у дунёда бир бўлишар экан. Бу ботил ақида эканлиги шак шубҳасиздир.

Христиан олами бундан ўз вақтида, ваҳшийлик деб ҳисоблашган. Аммо, кейинги асрдаги атеистлар ақидаси ҳукмрон бўлгач, Европада ҳам, шундай ўликларни куйдиришни бошлашади. Булар энди, ахлатни куйдириб тозалаш учунгина бундай қилишади. Даҳрийлар учун, ўлган инсонлар ишлатилган чиқинди каби бўлиб, одатда чиқиндиларни ўтда куйдириб, йўқ қилишади. Булар одам жасадини кўмиш учун, қабристонларга кўп ер майдони ажратиш керак бўлади. Ер эса, кам деб, шундай ўтда куйдириб, йўқ қилишни маъқул топишган.

Бу инсон зотида ва шаънига нисбатан энг ҳақоратлик муомиладир. Инсоннинг азизлиги, унинг яқка Аллоҳга имон келтирганлигидадир. Шундагина у бу дунёдаги тошларга қуллик қилмайди. Ўлганидан кейин, жасади ахлат каби ўтда куйдириб, йўқ қилинмайди. Яқка Аллоҳга ибодат қилади ва ўлганидан кейин, жасади ювиб, жаноза ўқиб кўмилади. Дунё ва охират иззати мана шу ҳақ диндадир! Ботил ақидалар инсонни тошга ва ҳайвонларга қул қилади. Ўлгач. Ўтда куйдиришга буюради. Ёки, ўзини тасодифан яралиб қолган ва ўлганидан кейин, ахлатга айланадиган нарса деб, тушунадиган даҳрийлар эътиқоди, мана шундай ишни маъқул топади. Инсон зоти азизлигини, Аллоҳнинг ҳақ динигина таъминлайди.

Аллоҳга ҳамд бўлсинки, бизни, Унинг яқкалигига имон келтирган ва қиёмат кунига имон келтирган кишилардан қилган.

Саҳвий

19. 12. 2021

11. Савол

Ассалому алейкум Таксир калом илми нима? Исломдами ё исломга зид нарсами?

Илми каломнинг бошланишига бир назар

لقد كان موقف السلف الصالح من علم الكلام موقفاً حازماً هو المنع من تعاطي هذا العلم والاشتغال به ومجالسة أصحابه أو حتى الرد عليهم، وذلك أنهم نظروا إلى منهج الرسالة من الكتاب والسنة

Аввалги салафлар бу илм билан шуғулланишдан ва уни ўқиб ўрганишдан ва улар билан бирга ўтиришдан ва уларга раддия беришликдан қайтарганлар. Салафлар рисолат манҳажи китоб ва суннатдан иборат деб, қарашган.

فوجدوه قد انتهج منهجاً خاصاً في تقرير العقيدة الإسلامية، فاتجه إلى العقل الإنساني والفطرة البشرية يخاطب ما جبلت عليه من حقائق تجعل الإيمان بوجود الخالق وضرورة عبادته وحده أمراً بديهياً، لا حاجة فيه إلى الجدل والفسطة، وأن الإسلام مبناه على الخضوع والاستسلام.

Салафлар кўришдики, калом аҳли ислом ақидасини иқрор қилишда, бошқача йўл тутишди. Улар ақлга мурожаат қилиб, инсон фитратига уларни Холиқни борлигига ва бирлигига ишониш, ва имонга келишга ва унга ибодат қилишга хитоб қилишди. Салафлар наздида бундай сафсатага ва жадалга ҳожат йўқ эди. Чунки, ислом итоат қилиш ва таслим бўлмоқдир.

ثم نظروا إلى الأصول والمحاضن التي نشأ فيها علم الكلام، فوجدوا أن علم الكلام ترعرع في بيئة وثنية خالية من التوحيد، أساسه الفلسفة اليونانية، وبيئة المجتمع الإغريقي الإباحي المنحل،

Кейин, салафлар калом илми пайдо бўлган манбага қарашди. Кўрдиларки, илми каломнинг пайдо бўлиш асоси, бутпараст бўлган ва тавҳиддан холи бўлган юнон фалсафасига асосланган.

فأطلقوا صيحات الإنذار إشفاقاً على هذه الأمة من أن تأخذ مأخذ الأمم السابقة فكثرت أقوالهم في التحذير من علم الكلام عن حرص السلف الصالح الكرام على هذه الأمة، وهذه الورقات مع ما سبق طرحه من الأمر بلزوم السنة تعطينا صورة واضحة متكاملة

Салафлар буни англагач, бу ўтган умматлардан қолган сафсаталарга асосланган калом илмини олишдан ва ўрганишдан қайтаришни бошлашди. Бу хусусда кўп гаплар гапирилди. Бу умматга суннатга эргашишлик лозимлиги, шуни ўзи кифоя қилиши айтилди. Салафларнинг бу умматга тавсиялари шу бўлди.

يقول الإمام أحمد في رسالته للخليفة المتوكل في أمر القرآن: "ولست بصاحب كلام ولا أرى الكلام في شيء من هذا، إلا ما كان في كتاب الله - عز وجل - أو في حديث عن النبي صلى الله عليه وسلم، أو عن أصحابه، أو عن التابعين. فأما غير ذلك فإن الكلام فيه غير محمود"

Имоми Аҳмад Халифа Мутаваккилга қуръон ҳақида ёзган хатида, «Мен илми калом соҳи эмасман ва бу нарсани билмайман. Мени билганим нимаики бўлса Аллоҳнинг китобида Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ва Саҳобалари сўзлари ва уларга эргашган тобеъинлар сўзларидаги нарсалардир. Мана шулардан бошқа нарсалардаги калом сўз юритиш, мақталган иш эмасдир» деганлар.

Хулоса: Юқоридаги матндан биламизки, калом аҳли, Пайғамбар алайҳиссалом даврида ва аввалги саҳобалар даврида ҳам бўлмаган. Улардан кейинги ўттиз йилдан кейин, буларнинг даври келди. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин, То Али разияллоҳу анху тарафдорлари билан Муовия орасидаги бошланган ихтилофлар, калом илмини, пайдо бўлишига асос бўлган. Мутакаллимлар деб аталувчи тоифаларнинг зоҳир бўлиш сабаби, Ислом ақидасидасини, диннинг ғоясини тушунишликда пайдо бўлган ихтилофнинг натижасидир. Ақлни асосий мезон қилиб, шу асосда фикрлаб, оят ва ҳадисларни ақл тарозусига солишга уринишлик, ва сиёсий, ижтимоий қарашлар, аввалги ақидавий ихтилофларни, Алавийлар гуруҳининг пайдо бўлишига олиб келди. Кейинроқ, Хаворижийлар тоифаси ажралиб чиқди.

Сўнгра, шиалар ҳам ва суннийлар ҳам, кўп гуруҳларга ажралди. Сунийларда муътазилийлар ва Жабарийлар ва сўфийлик тариқатлари турли йўналиши ва ҳаказо, ақидада бир бирига ихтилоф қилган гуруҳлар пайдо бўлди. Булар ҳам ўз навбатида янада тармоқларга ажралди ва баъзилари йўқолиб, бошқа янгилар пайдо бўлди. Шиаларда, Имомийлар, исмоилийлар, Фотимийлар, Зайдилар, ўн икки имомийлар ва ҳаказо каби, ақидада ихтилоф қилувчи тоифалар пайдо бўлди. Шу тариқа бизнинг давримизгача етиб келди. Буларнинг кўплари куфрга кетганлар деб ҳисобланди. Кўплари, диндан чиққан дейилмасида, адашган тоифалар дейилди. Имоми Аҳмадни аҳли суннанинг имоми деб, тан олинади. Муътазилийлар, (аҳли каломларнинг биринчи гуруҳи) у кишини зиндонга ташлатишга муваффақ бўлишди. Улар билан келишмаган нарсалари, қуръонни улар махлуқ дейишарди. Яратилган дейишарди. Суннат аҳли эса, қуръон Аллоҳнинг каломи ва Аллоҳнинг каломи азалдан бор ва абадий мавжуд дейишарди.

Кейинроқ, булар орасидан Ашърийлар ва ундан кейин, Мотуридийлар гуруҳи пайдо бўлди. Булар ҳам, калом аҳлидан бўлишига қарамасдан, буларда, ақлдан нақлни устун қўйиш асос қойида деб, қараларди. Лекин, Асмой сифотда кўп таъвиллар билан залолатга кетишганди. Хуллас, калом илмининг Аҳли сунна деб тан олинган тоифалари, Ашъарийлар ва Мотуридийлардир. Буларгача, ўтган қатор тоифалар, Аҳли сунна деб, тан олинмаган. Бу иккала тоифани ҳам, аҳли сунна эмас, деганлар кўп. Ибн Таймия шулардан биридир.

Суннат аҳли, ёки аҳли ҳадислар, доим буларга қарши бўлиб келишган. Бугун ҳам шундай.

Булар орасидаги ихтилофли масалалар асосан, Қазою қадар масаласи, Асмой Сифотни тушунишликдаги таъвиллар, Аллоҳ қаерда? деган масала ва Имон келтиришликда ақлий имон келтиришни талаб қилиш ва қуръон яратилганми ё абадийми каби, ақида масалаларидан иборат эди. Мутакаллимлар қуръон ва ҳадисни ақлга мослашга уринадиган ва ақлий тушунтиришга ҳаркат қиладиган тоифалар эдилар. Аввалги салафларда эса, бундай бўлмаганди. Шунинг учун, салафлар ва булар орасидаги келишмовчиликлар чиқди. Бу тортишувлар шу бугун ҳам тугамади.

Аҳли калом бу илмни Аллоҳга имон келтиришда, ва уни борлигини исботлашда, ақлий далиллар келтириб, исботлайдиган илм дейишади. (Бугунги кунда, Ҳизбут таҳрир айнаи шу мавқеъдаги гуруҳдир)

Ибн Халдун, Илми Калом, ақидани ақлий исботловчи илмдир, деб, таъриф беради. Ақлни қуръон ва ҳадисни тушунишликда муқаддам тутишлик, бу тоифанинг бирламчи асосидир.

يقول الشهرستاني: "أما الاختلافات في الأصول فحدثت في آخر أيام الصحابة بدعة معبد الجهني وغيلان الدمشقي، ويونس الأسواري، في القول بالقدر، وإنكار إضافة الخير والشر إلى القدر"

Шаҳристоний айтади: Саҳобалар даврининг охирига бориб, Жухний ва Ғилон Димашкий Юнус Асворий деган кимсалар қазоб қадар ҳақида бидъат бўлган сўзни гапира бошлашди. Улар яхшилик ва ёмонлик азалдан битилганини инкор қилишди.

ثم ظهر القول بخلق القرآن ونفي الصفات على يد الجعد بن درهم، قال بن كثير: "كان الجعد بن درهم من أهل الشام وهو مؤدب مروان الحمار - مروان بن محمد آخر ملوك بني أمية - ولهذا يقال له: مروان الجعدي - فنسب إليه -، وهو شيخ الجهم بن صفوان، الذي تنسب إليه الطائفة الجهمية الذين يقولون أن الله في كل مكان بذاته"

Кейинчалик, куръон аввалдан мавжуд бўлмагани ва кейин, пайдо қилингани ҳақидаги гаплар чиқди. Буларни Жаъд ибн Дирҳам пайдо қилган. Ибн Касир айтади: Жаъд ибн Дирҳам Шомлик эди. У Уммавийларнинг охириги подшоҳи Марвон ибн Ҳиморни оталиқи 9тарбия қилган одам) эди. Шунинг учун, уни Марвон ал Жаъдий дейишарди. Унга нисбат бериб. У Жаҳм ибн Сафвоннинг шайхи эди. Жаҳм ибн Сафвон Жаҳмийя тоифасининг асосчиси эди. Улар Аллоҳу таоло ҳамма ердадир, Зоти билан дейдиган тоифадир. (Аҳли Суннат Аллоҳ осмонда дейишади. Аҳли каломдан бўлмиш тоифа Мотурудийлар Аллоҳнинг макони йўқ дейдилар))

علم الكلام، الإسلامي غالباً تختصر إلى الكلام، هو علم إقامة الأدلة على صحة العقائد الإيمانية، فقد عرف علماء الكلام ذلك العلم بأنه: علم يُقْتَدَر به على إثبات العقائد الدينية مُكْتَسَب من أدلتها اليقينية: القرآن والسنة الصحيحة لإقامة الحجج العلمية ورد الشبهات عن الإسلام

Илми калом, имоний ақидани тозалигига далил келтирувчи илм ва калом илми уламолари фикрича, Ақидадаги нарсаларни ақлий далиллар билан исботловчи илм деб, ҳисобланган.

علم الكلام يعتبر من قبل البعض البدايات الأولى نحو نشوء الفلسفة الإسلامية ، كان علم الكلام مختصاً بموضوع الإيمان العقلي بالله وكان غرضه الانتقال بالمسلم من التقليد إلى اليقين وإثبات أصول الدين الإسلامي بالأدلة المفيدة لليقين بها

Калом илмини Ислом фалсафаси ҳам дейилади. Бу илм Аллоҳга тақлидий эмас, ақлий яқинан, имон келтиришга доир далилларни келтиришга хослашган илм дейилади. Улар ақлий далиллар билан Исломнинг ҳафлигини исботлаш ва шубҳаларни аритишни мақсад қилганлар.

المعتزلة (القدرية) لإنكارهم القدر.
الجهمية (الجبرية) أتباع جهم بن صفوان كانوا يقولون إن العبد مجبور في أفعاله لا اختيار له
الخوارج
الزنادقة
الاشاعرة والماتريدية والصوفية والسلفية
الامامية والزيدية والاسماعيلية
الاباضية

Калом илми асосида Ислом оламида пайдо бўлган тоифалар қуйидагилардир:

Муътазилийлар, (Уларни қадарийлар ҳам дейилади.) Қадарни азалда битилганини инкор қилишган.

Жаҳмийлар, (Жабарийлар, инсондаги ихтиёрни инкор қилишган ва ҳамма нарса азалда белгиланган ва инсонда ихтиёр йўқ дейишган)

Хаворижийлар, буларни зиндиклар ҳам дейишади. Булар жуда кўп масалада, жуда чуқур кетишган. Уларни ҳозирги замонда такфирчилар дейишади. Булар жуда кўп саҳобаларни кофир деб. Ўлимга ҳукм қилишган.

Ашъарийлар, Абул ҳасан ал Ашъарий Ироқлик шайх аслида, муътазилий бўлган. Кейинчалик, улардан ажраб, Ашъарийлик ақидасига асос солган.

Мотурудийя, асли Самарқанддан ва Ашаърийлика яқинроқ бўлган, мотуридийлар йўналишига асос солган. Фикҳда Абу Ҳанифа мазҳабида бўлгани учун, унинг ақидаси, эндиликда Абу Ҳанифа мазҳаби ақидаси сифатида, тақдим этилади. Аслида эса, Абу Ҳанифа калочи бўлмаган. У ақидада аҳли суннадан бўлган.

Сўфийлар ва Саалафийлар бугунги кундаги мавжуд ақидаси бир биридан ўзгача гуруҳлардир. Салафийларда ақида масаласи, аввалги салафларга ўхшаш бўлса, сўфиларда, турли туман сон саноксиздир. Сўфиларнинг гуруҳлари кўп бўлиб, баъзиларига куфр ҳукмини беришган.

Шиалардан ажралиб чиқан гуруҳлар, энг аввалги шиалар алавийлар деб номланган. Кейинчалик, имомийлар, Зайдилар, Фотимийлар, Исмоилийлар ва Ибодийлар ва ҳаказолар пайдо бўлган. Булар ичида аксарини куфрга ҳукм қилинган.

Булар ҳаммаси, ақидасида бир биридан фарқли қарашдаги гуруҳлар бўлган.

Диёримиздаги баъзи машҳур уламолардан, Замахшарий Муътазила ақидасида бўлган. Фахриддин ар Розий Ашъарийя бўлган. Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино ва ал Форобийлар юнон файласуфи Сукрот ва Афлотун ва Арастунинг таълимотини ўқиган ва ундан таъсирланган кишилар бўлишган. Форобий Ибн Сино ва Берунийга устоз ҳисобланади. Форобий 950 мелодда Дамашқда вафот этган. Унинг вафотидан 23 йилдан кейин, беруний туғилган. Беруний туғилганидан етти йил ўтиб, Ибн Сино туғилган. Бу уччала файласуф деярли бир асрда яшаб, ижод қилишган.

Булар бари, дунёвий фанлардан илғор ва ақллари ўткир ва фикрлари теран ва қарашлари кенг кишилар бўлишган. Лекин, айна замонда, ақида масаласида, улар аввалги салафлар тушунган содда ва ихчам шаклда эмас, жуда кенг файласуфона фикрлар асосида, эътиқодга эга бўлганлар. Улар ислом ақидаси арконларига имон келтирган ва мўмин деб, тан олинган уламолардир. Лекин, улар билан замонасидаги, аҳли сунна олимлари орасида, кўп келишмовчиликлар бўлган.

Шиаларнинг ҳам калом илмида алоҳида асарлари бор.

Хулоса: Хуллас, салафлар даврида мавжуд бўлмаган бу фалсафа саҳобалардан кейин, пайдо бўлди ва бугунгача етиб келди. Уларнинг бугунги кундаги вакиллари Ашъарийлар Мотуридийлар ва буларга мансуб турли сўфилик тариқатларидир. Ҳизбут таҳрир гуруҳи ҳам, гарчи ақидада, уларга қўшилмасада, калом аҳлидирлар. Улар қадимги муътазилийларга яқинроқдир. Шиалиқдаги бир қанча секталар ҳам бор. Аввалги салафлар даврида бўлмаган ва кейин пайдо бўлган илмлар ёки, қадимги юнон файласуфлари китобларидан таъсирланган мусулмон олимлари, уларнинг фикрларини исломий шаблонга солиб, буни соф ақида сифатида улар томонидан динга киритилган.

Булар қадимги юнон файласуфлари китобларидан таъсирланган, мусулмон олимлари, Ал Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ибн Рушд, Ибн Халдун Ибн Туфайл, кабилар, калом илмини ривожлантирган файласуфлардир. Бу ўз навбатида, дунёвий илмларни ривожланишига катта ҳисса қўшган. Аммо, дин илми, ривожланиб, кенгайиб, турадиган илм ҳисобланмайди. Унга ҳеч нарса қўшилмайди ва олинмайди.

Уни саҳобалар қандай тушунган бўлсалар, қиёматгача, шундай тушунишлик энг тўғри деб, ҳисобланади. Шунинг учун, аҳли ҳадислар ва аҳли сунна олимлари, булардан узоқ юришни, маслаҳат беришади.

Диний ақидани тушунишлиқда, салафлар ақидасида бўлишликни тўғри деб, ўқтиришади. Бизга кейинги чиққан мезонлар керак эмас, дейишади. Аммо, дунёвий илмларга келсак, буни ривожлантиришда, уларнинг хизматлари беқиёс бўлди. Ва булар инкор қилинмайди. Дунёвий илмларни ўқиш ва ўрганишлик кофирлардан бўлсада, олишлик мумкин бўлган илмдир.

Валлоҳу аълам.

Саҳвий

29. 01. 2022

12. Савол

Турмуш ўртоғимга битта буйрагимни бермоқчиман. Унинг битта буйраги бор ва у ҳам ишдан чиққан. Чунки, унинг ҳаётини сақлаб қолишлик учун, шу зарур бўлаяпти. Шуни баъзилар бу Ислонда мумкинмас дейишяпти. Шу гап тўғрими?

Бу каби саволга берилган фатвонининг мазмунини эътиборингизга ҳавола қиламан.

فلترجع، أما التبرع بالأعضاء فلا يخلو صاحبه من واحدة من صورتين
الأولى: أن يكون تبرع في حياته بعضو منه لينقل منه هو حيا
الثانية: أن يكون تبرع به حيا، ولكن لينقل بعد ما يموت هو

Инсоннинг бир аъзосини бошқа бировга кўчириб қўйишлик қўйидаги икки суратдан ташқарида бўлмаслиги керак.

أما في الصورة الأولى: فإذا كان هذا العضو مما تتوقف حياة المتبرع عليه، كالقلب والرأس ونحوهما، فلا يجوز التبرع به، لأن التبرع به في معنى الانتحار، وإلقاء النفس في التهلكة، وهو أمر محرم شرعاً، ومثل ذلك ما إذا كان نقل العضو يسبب فقدان وظيفة جسمية، أو يؤدي إلى تعطيل عن واجب، مثل التبرع باليدين أو الرجلين، مما يسبب للإنسان العجز عن كسبه عيشه، والقيام بواجبه، أو كان التبرع بالعضو يضر بصاحبه بإحداث تشويه في خلقه، أو بحرمانه من عضوه لازالة ضرر مثله في آخر، كالتبرع باليد أو قرنية العين من حي سليم لآخر يفقدهما، وذلك لعدم توفر حالة الاضطرار في المتبرع إليه، فكم من شخص على وجه الأرض بدون يد أو رجل، وكم من أعمى يعيش في هناء. ولو سلمنا بأن فاقد اليد أو العين مضطر، فإن تضرر صاحبهما المتبرع بفقدتهما أولى بأن ينظر إليه، ومن القواعد: أن الضرر لا يزال بمثله. مع أن الأصل أن جسم الأدمي محترم، ومكرم، فلا يجوز الاعتداء عليه ولا إهانته بقطع أو تشويه، يقول الله تعالى: "(ولقد كرمنا بني آدم)" [الإسراء: 70] ويقول الرسول صلى الله عليه وسلم: "كل المسلم على المسلم حرام: دمه وماله وعرضه". أخرجه مسلم.

Биринчи шарт: Бу аъзони берувчи, бош, юрак, каби, ўзи усиз яшай олмайдиган аъзо бўлмаслиги керак. Чунки, буларни беришлик, ўзини ҳалокатга ташлаш демакдир. Бу шаръан ҳаромдир. Шунингдек, бу берадиган аъзоси, ўзининг ҳаётдаги жисмоний вазифаларини бажаришдан ва ёки вожиб амалларни адо қилишдан тўсадиган, иккита қўл, ёки, икки оёқ, каби, аъзолар бўлмаслиги лозим.

Чунки, буларсиз инсон ҳаётда яшаши ва ишлаши учун имконсиз бўлади. Фарз амалларини бажаролмайди. Қўл ва кўз каби аъзоларни ҳам беришлик жоизмас. Булар у кўчириб қўйилган одамга ҳам, фойдаси бўлмайди. Зарарни ўша зарар баробаридаги зарар билан кетказилмайди. Асл ҳукм шуки, инсон жасадидаги аъзолар муҳтарамдир. Уни кесиб, қирқиб, таҳқирлаш жоизмас.

Аллоҳу таоло айтади: Биз Одам авлодини мукаррам қилдик.

Исро сураси 70 оят

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Ҳар бир мусулмон бошқа мусулмон учун ҳаромдир, деганлар.

Имоми Муслим ривояти.

أما العضو الذي لم يكن في نقله ضرر على صاحبه المنقول منه، وتحققت المصلحة والنفع فيه للمنقول إليه، واضطراره له، فلا حرج -إن شاء الله تعالى- في التبرع به في هذه الحالة، بل هو من باب تفريغ الكرب، والإحسان، والتعاون على الخير والبر مشروط بأن يكون المتبرع له معصوم الدم، أي أن يكون مسلماً أو ذمياً، بخلاف الكافر المحارب.

Аммо, қайси бир аъзоки, уни кўчиришлик, уни эгасига зарар бермас экан, ва шунга муҳтож бўлган, бошқа бир одамга манфаат ва ёрдам берар экан, у ҳолда, иншааллоҳ, уни кўчиришликда ҳараж йўқ. Бу балким, машаққатдаги одамни, оғирини енгил қилишлик жумласидан бўлади. Бу эҳсон қилиш ва яхшилик йўлида ёрдамлашиш ҳисобланади.

Хулоса: Демак, сизни саволингизда буйракни беришлик ҳақида сўралган. Бу ерда уламолар бош, оёқ, кўз, қўл ва оёқ каби, аъзоларни кўчиришлик мумкинмас дейишган. Чунки, буларсиз инсон ўзи ҳаётда соғлом яшай олмайди. Аммо, битта буйракни беришлик билан, ҳаётига катта зарар етмайди. Чунки, инсон иккинчиси билан ҳам, яшайверади. Аммо, бошқа одамни ҳаётини сақлаб қолишга сабаб бўлади. Бу эса, юқорида айтилгандек, бир муҳтож одамга қилинган яхшилик ва эҳсон ҳисобланади.

Бу иш улуғ ишдир. Агар бу эр хотинлар орасида бўлса, бундан буларнинг бири иккинчисига қанчалик садоқатли ва меҳрибон эканликларини англаш мумкин?!

Бу ишни қилишлик мардликдир ва меҳрибонликдир! Аллоҳу таоло шунчалик қилган ҳаракатларингизга кўп ажрлар берсин! Соғ саломат узоқ умр кўриб, мўмину мусулмон бўлиб яшашликка тавфиқ берсин!

Омин!

Саҳвий

03. 02.2022

13. Савол

1. Ассалому алейкум Таксир бева аел шариатда турмушга чиккани яхшими, чикмай ўтгани афзалми?

قد اعتبر الاسلام الزواج حقا للأرملة أجازة لها الشرع بعد انتهاء العدة , وهي أربعة أشهر وعشرة أيام أو وضع الحمل إن كانت حاملا , فلها أن تتزوج لتكمل حياتها في ظل أسرة مسلمة .

Ислом эътиборига кўра, бева аёлларга идда муддати тугагач, эрга тегишлик ҳаққи бордир. Идда муддати тўрт ой ўн кундир. Ҳомиладир бўлса, туғишлигидир. Кейин, у турмушга чиқишга ҳақлидир, ҳаётини мусулмон оилада давом эттиришлик учун.

فإذا ضاقت بها الأمور فقد شرع لها الإسلام حقها في الزواج - وإن أرادت أن تعيش لأولادها فليس عليها إلا الصبر والإكثار من الطاعات - , ولتحسن رعايتهم، وتجيد التصرف والتفوق فيما تفعل .

Шу айтилганларни бажарса, турмушга чиқишга ҳақлидир! Агар ҳаётини фарзандларига бағишласа, унда сабр қилиб яшашдан бошқа йўл йўқ. Тоат ибодатни кўпайтиришлик ва уларга чиройли риоя қилишлик лозим бўлади.

أنه مهما سعى على الأرملة أو المسكين : لم يغنه ذلك عن صيام الفريضة ؛ سواء كان صيام رمضان ، أو صيام كفارة ، أو نحو ذلك ؛ لأن هذا لا (يجزئ) منه : إلا أن تصومه

Мискинлик ва бевалик рамазон рўзасини ва шунга ўхшаган вожиб рўзаларни соқит қилмайди. Буларни тутмаса, унинг зимасидан адо бўлмайди.

الأرملة في ديننا تنال كل تكريم ورعاية واهتمام بل أكثر اللاتي تزوجهن الرسول صلى الله عليه وسلم من الأرمال , فقد جعل الإسلام للمرأة الأرملة المنزلة الكريمة , بل جعل الإسلام رعايتها من القربات إلى الله تعالى , كما أن مساعدتها على قضاء حوائجها له فضل عظيم عنده سبحانه , مصداقاً لقول النبي صلى الله عليه وسلم في حديث أبي هريرة " الساعي على الأرملة والمسكين كالمجاهد في سبيل الله أو القائم الليل , الصائم النهار " رواه البخاري

Бева аёллар динимизда иззат икром қилинади. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам уйланган аёлларнинг аксари бева аёллар эди. Ислом бева аёллар даражасини ҳурматлик қилди. Уларни ҳурмат қилишликни, уларга ёрдам беришликни, Аллоҳга яқин қилувчи амаллар жумласидан санади. Уларнинг эҳтиёжларига қараб, ёрдамлашиб юрадиган кишилар, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳузурида улуғ фазл ва даражот топадилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари буни тасдиқ қилади: Бева аёллар ва мискинларга ёрдам бериш учун ҳаракат қилиб юрган кишилар, Аллоҳ йўлидаги мужоҳид, кечалари билан намоз ўқиб чикувчи ва кундузлари рўза тутувчи одам кабидир. Имоми Бухорий ривояти.

ومعنى الحديث أن من سعى على الأرملة ، وهي من فقدت زوجها، أو من لا زوج لها ، فعمل لها ، وكذلك من سعى على حاجة المسكين ، وهو من لا يجد كفايته ، فإن أجره كأجر المجاهد في سبيل الله ، وكأجر الصائم القائم

Ҳадис мазмуни шуки, бева аёлга уйланиб, ёки уйланмасдан бўлсада, уларга ёрдам беришлик, ёки мискинларга улар ўзлари кифоя қилолмаётган эҳтиёжга ёрдам беришлик ажри, Аллоҳ йўлидаги мужоҳид, кечалари билан намоз ўқиб чикувчи ва кундузлари рўза тутувчи одам ажри кабидир.

قال ابن بطال في "شرح صحيح البخاري" (9/218) " : من عجز عن الجهاد في سبيل الله وعن.

قيام الليل وصيام النهار ، فليعمل بهذا الحديث ، وليسع على الأرمال والمساكين ليحشر يوم القيامة في جملة المجاهدين في سبيل الله دون أن يخطو في ذلك خطوة ، أو ينفق درهماً ، أو يلقى عدواً يرتاع بلفانه ، أو ليحشر في زمرة الصانمين والقانمين وينال درجتهم وهو طاعم نهاره نائم ليله أيام حياته ، فينبغي لكل مؤمن أن يحرص على هذه التجارة التي لا تبور ، ويسعى على أرملة أو مسكين لوجه الله تعالى فيربح في تجارته درجات المجاهدين والصانمين والقانمين من غير تعب ولا نصب ، ذلك فضل الله يؤتيه من يشاء

Ибн Баттол шу ҳадисни шарҳ қилиб айтади: «Бу ҳадисга амал қил! Қиёматда Аллоҳ йўлидаги мужоҳидлар сафида бўлишлик учун, Бева аёллар ва мискинларга ёрдам бериш учун ҳаракат қил! Агарчи дунёда улар сафида бир қадам ташламаган бўлсанг ҳам. Ёки, душманларнинг афтини кўрмаган бўлсанг ҳам. Ёки, Рўзадорлар ва кечалари намоз ўқийдиганлар жумласинда туришлик учун, пулингни уларга инфоқ қил! Шуни қилган одам, кундузи овқат еб, кечаси ухлаб, бўлсада, шулар дарасига етади.

Ҳар бир мўминга, бу фойдалиқ, ксодга учрамайдиган тижоратни қилишга, ҳаракат қилмоғи лозимдир. Аллоҳ розилдиги учун, Бева аёллар ва мискинларга ёрдам бериш керак. Бу тижорати сабаб, у қийналмасдан, мужоҳидлар, рўзадорлар ва кечалари намоз ўқийдиганлар сафида бўлади. Бу эса, Аллоҳнинг фазлидир. Буни Ўзи истаган кишиларга беради.»

Хулоса: Бева аёллар ҳақидаги саволга, юқоридаги ҳадис ва унинг шарҳида етарлик жавоблар берилди. Валлоҳу аълам.

Энди бизнинг давримизда бевалар аҳволи, жуда қийинроқдир. Авваллари беваларга уйланишликда, турли хил тўсиқлар бўлмаган. Давлат қонунлари тўсиқ бўлмаган. Оиланинг бошлиғи эркак киши бўлган ва унга тўрттагача уйланиш мумкин бўлган. Бугун, аёллар оилада ҳукмронлик қилишга уринадилар. Иккинчи хотинга қаршилиқ қиладилар. Баъзи аёллар, иккинчи ва учинчи хотинликка рози бўлмайдилар. Булар бари замона зайлига қараб пайдо бўлган, сунъий тўсиқлардир.

Яна, баъзи миллий ва урфий тўсиқлар бор. Маҳаллада гап сўзлар юриши ва беванинг ёши улғайиб қолган болалари бўлса, уларнинг қаршилиғи ва беванинг вафот этган эрининг қариндошлари қаршилиғи ва ҳаказо, шунга ўхшаган тўсиқлар бор. Иккинчи хотин бўлишлиқ, бизнинг жамиятда қандайдир уят иш саналади. Бу хато ўлчовдир. Жамият бузуқликни уят ҳисобламай қўйган. Икки хотинликни уят ҳисоблашади. Бугун аёллар бева қолсалар, шу каби тўсиқлар улар олдида туради.

Энди улар, ё эрга тегишлиғи ва ёки, шу қолган умрини болаларига бағишлаб, бева ҳолда дунёдан ўтишлиғи керак. Бунинг қайси бири афзалроқ? Бу саволга ҳар бир аёлнинг вазиятидан келиб чиқиб, алоҳида жавоб бериш лозим бўлади. Агар, бир аёл, болалари ёш бўлиб, бошқа турмушга чиқса, болалари ўғай отасига ўрганиб кетишлари мумкин. Бундай ҳолада, турмушга чиққани афзал. Агар, болалари катта бўлиб, қаршилиқ қилсалар, унда бу аёл сабр қилгани мақсадга мувофиқдир.

Чунки, болалари бегона эркакни, отаси ўрнида қабул қилолмайдилар. Бу уларга оғир ботади. Онасига меҳри сўнади. Ўғай отасига қарши бўлиб қолади. Умрбод адоват пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ёлғиз яшашлик ҳам азоб. Жамиятда, унинг шаънида гап сўзлар кўпаяди. Маҳаллада одамлар, истаса истамаса, ғийбат қиладилар. Турли миш мишлар билан, қалбини яралайдилар. Баъзида, бевалар яширинча зино қилишга ўтиб кетишлари мумкин? Аллоҳ асрасин! Булар бари фисқу фасодни кўпайтирувчи омиллар ҳалос.

Баъзи аёллар, бева бўлсада, иккинчи хотинликка рози бўлишмайди. Баъзилари, рози бўлсада, болалари ёки, қариндошлари рози бўлишмайди. Эрга теканида ҳам, бу эр билан тинч яшаб кетиши даргумон бўлади. Ўлган эрини қариндошлари томонидан тазйиққа учрайди. Унга катта жиноят қилган аёлдек қарашади. Бу бизнинг жамиятимиздаги мезонларни бузулгандандир. Ислон асосида ўлчамаганликдандир.

Бева аёллар эрга текни маъқулми ёки, сабр қилиб яшаб ўтганими? Деган саволга аниқ тиниқ битта жавоб йўқ! Бу жуда кўп нарсаларга боғлиқдир. Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, бу ҳар бир аёлнинг ўзи шахсий қабул қиладиган қарордир. Агар аёл аввалги эрига қалбан боғланган бўлса, уни жуда яхши кўрса, у бошқа эркакни қабул қилолмаслиги мумкин?! Унга сабр қилиб. Яшаб ўтишлиғи, бошқа эрга теккандан кўра, афзалроқдир. Валлоҳу аълам.

Унинг ўзи ҳам шуни маъқул кўрса керак? Агар, аввалги эрига қалбида боғлиқлиги кучли бўлмаса, бошқа эркакни қабул қила олса, унда, болалари ва юқоридаги айтилган бошқа тўсиқларга дучор бўлади. У ҳолда, уларни ҳам енгиб ўтишга куч ва ирода лозим бўлади. Агар шуларни барчасига қодир бўлса, шунда бу аёл бошқа эрга тегиши мумкин! Агар юқоридаги тўсиқларга ғолиб келолмаса, унда эрга тегишликка ҳам қодир бўлолмайди.

Болалари ва бошқа қариндошлари уни ёсмон кўришади. Ундан нафратланишади. У бечора, катта босим остида қолиб кетади. Аслида, Аллоҳ ва Расулига қарши иш қилмаган эди. Эрга чиқишлиғи бу унинг шаръий ҳаққи эди. Шунга қарамасдан, баъзида, унга нисбатан катта жиноятчи каби, Бузуқ фоҳиша аёл каби, ёмон муносабатда бўлинади. Бу нарсалар аслида хатодир. Лекин, начора? Бу бугунги воқеъликдир!

Шунинг учун, бу масалада ҳар бир бева аёл, ўзининг вазиятидан келиб, чиқиб, бир қарорга келиши керак! Бу саволга мен ҳа, ё йўқ, деб, жавоб беролмайман. Валлоҳу аълам!

Саҳвий

05.02.2022

14. Савол

Исломда сўз эркинлиги борми? Бўлса, аёллар ҳам эрига гапириши мумкинми? Фарзанди отасига гапириши мумкинми? Шогирди устозига гапириши мумкинми? Халқи Подшоҳларига гапириши мумкинми?! Пайғамбарга қарши гапириш мумкинми? Ёки, булар бари дахлсизми?

(Бу савол ёши катта, зиёли бир одамдан келган. У киши ва унинг ёшидагилар демократияни энг тўғри тузум деб, ишонишади. Улар Коммунизмни кўриб, кейин, демократияни кўрган одамлардир. Шунга Исломга шубҳа билан қарашади. Саволига жавобимда бу нуқталарига, бир оз эътибор қаратдим.)

Бу саволларга шахсий фикримдан келиб чиқиб, жавоб бераман.

Исломда, шариат ўрнатган доира бор. Шу доира ичида, мўминлар гапиришга ҳақлидирлар. Эркиндирлар. Аммо, чегарадан чиқмаслик шарт қилинган. Баъзи сўзлар борки, уларни гапириш мумкинмас. Аллоҳни, Расулини ва Динни ва қуръонни ва саҳобаларни шаънида, ёмон сўзлар мутлақо мумкинмас. Куфр ва ширк калималари ва динда маън қилинган. Тўхмат қилиш, ёлғон сўзлаш, чақимчилик, ғийбат, куфр ва фисқ сўзларини гапиришликдан ҳам, Динимиз қайтарган.

Бировни ҳақоратлаш ва сўкиш маън қилинган. Булар кабира гуноҳларга киради. Маън қилинган. Аммо, дунёвий ишларда турли масалаларда, ўз шахсий фикрини айтишга ҳамманинг ҳаққи бор. Диний мавзуда ҳам, далил асосида, ҳамма ўз шахсий фикрига эга бўлишга ҳақлидир. (Бу ерда гапиришлик учун, бир оз, диний илмга эга бўлишлик, шарт қилинади)

Худди, демократик давлатларда ҳам, бировни ҳақоратлаш қонун билан чекланган каби, Динда ҳам чекловлар бор. Ҳозирги даврда сўз эркинлигини чегараси номаълум бўлиб қолди. Ҳақорат қилишни ҳам, эркинлик дейишмоқда. Масалан, Пайғамбар алайҳиссаломни ҳақорат қилишни сўз эркинлигига нима дахли бор?! Ҳақорат ва сўз эркинлиги фарқи бор. Бўлиши керак!

Пайғамбарларни ҳақоратлаш куфр ва ҳалокатдир.

إنا كفيناك المستهزئين
Ҳижр сураси 95

Муҳаммад алайҳиссаломни масхаралаб сурат чизган, Лаънат исмли, швед рассоми, 2007 йилдан бери, кечаю кундуз полиция қўриқчилари остида яшарди. 2021 йил 3 октябр куни, у ўтирган полиция машинаси катта йўлда, юк машинасига урилиб ёниб кетди. Натижада полиция машинасида ўтирганлар уч киши, рассом Лаънат ва унинг иккита қўриқчи полициячи,

жароҳатланиб, ўтда куйиб ўлди. Бу хабар, ҳамма матбуот воситасида тарқалди. Лаънат расом ўзининг касофатига, икки қўриқчини ҳам, қўшиб кетди. Рассомнинг паспортдаги исми, Lanat эди. Ўзи ҳам валлоҳу аълам, лаънатга лойиқ бўлган эди.

Аллоҳу таоло қуръонда айтган,

فاصدع بما تؤمر وأعرض عن المشركين (94) إنا كفيناك المستهزئين (95) الذين يجعلون مع الله إلها آخر فسوف يعلمون (96)
(ولقد نعلم أنك يضيق صدرك بما يقولون (97) فسبح بحمد ربك وكن من الساجدين (98) واعبد ربك حتى يأتيك اليقين (99))
Ҳижр сураси

Муҳаммад алайҳиссаломни масхаралаб кулганлар, у кишининг даврида ҳам ҳалок бўлишган. Ва қиёматгача ҳам, шундай бўлишади. Чунки, Аллоҳ у кишини шаънини ҳимоясини, Ўз зиммасига олгандир. Юқоридаги оятлар шунга далолат қилади. Валлоҳу аълам!

فَقَالَ: إِنَّهُ لَمْ يَوْجَدْ نَبِيٍّ قَبْلِي إِلَّا إِنْ كَانَ وَاجِبًا عَلَيْهِ أَنْ يَدُلَّ أُمَّتَهُ عَلَى خَيْرٍ مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ وَيُنْذِرَهُمْ شَرًّا مَا يَعْلَمُهُ لَهُمْ.

Пайғамбарлар кимлар? Пайғамбарлар башарийятнинг энг пок ва улуғ вакиллари дирлар. Аллоҳ уларни танлаб олган. Ваҳй туширган. Юқоридаги ҳадисда Муҳаммад алайҳиссалом Пайғамбарларнинг вазифаси нимадан иборат эканлигини тушунтирганлар. Мендан олдин бирорта пайғамбар бўлмаган, агар бўлган бўлса, уммати учун ўзи яхши деб билган нарсага йўллаб қўйишлик ва улар учун ўзи ёмонлик деб, билган нарсалардан огоҳлантириб қўйиш унга вожиб бўлган, дедилар.

Демак, Пайғамбарлар инсониятга, нажот йўлини кўрсатувчи кишилар дир. Жаҳаннамдан сақланишни ва жаннатга боришни йўлини кўрсатувчи кишилар дир. Уларга имон келтириш ва уларни ҳурмат қилиш лозим эди. Агар имон келтирмаганда ҳам, инсон сифатида улар ҳурматга лойиқ шахслар эдилар. Шундай эканига мўминлар ишонишади. Лекин, атеистлар ва бошқа кофирлар, инсонийлигини йўқотганлар, шундай кишиларни ҳам, масхара қилишган. Буни бугунги кунда, сўз эркинлиги деган, ниқоб остига яшириниб қилишади. Сўз эркинлиги инсон зотида бор ҳақ дир. Лекин, ҳақоратлаш ва масхаралаш эркинлиги ҳеч кимда йўқ дир.

Аёлларни эрига гапиришига келсак, албатта, исломда оила бошлиғи эркак ҳисобланади. Бу қуръон ояти билан собит дир. Бошлиққа итоат қилиш, бу дунёдаги мусулмонун кофир давлатда қатъий қонун дир. Бусиз ҳаёт издан чиқади. Аёл эрига, агар у шариатдаги ҳаром амалга буюрса, итоат қилмайди. Унга ҳақ дир. Чунки, итоат фақат Аллоҳ ва расулига осий бўлмаган ўринда қилинади.

Муҳаммад алайҳиссалом: Аллоҳга осий бўладиган ўринда махлуққа итоат йўқ дир, деганлар. Имоми Аҳмад ривояти

Бу ҳар бир имон эгасига бурч дир. Шу нуқтани тушуниб олсак, сизни саволларни ҳаммасига жавоб топилади. Фарзанд ота онасига бўйсунмайди, агар улар исломда гуноҳ ҳисобланган ишга буюрса. Бу қатъий ва ўзгармас қоида дир. Агар аллоҳга осий бўлмайдиган ишга буюрса, фарзанд ота онасига итоат қилиши фарз дир. Уларни ҳурмат қилиши фарз дир. Уларнинг дунёвий масалалардаги фикрига қарши фикр билдиришлари ҳам, ўзаро ҳурматни сақлаган ҳолда бўлиши керак. Аёллар ҳам, эрига қарши фикр билдириши мумкин. Бу ҳам, ўзаро ҳурматни сақлаган ҳолда бўлиши керак. Аёллар эрига итоат қилишлари лозим. Агар Аллоҳга осий бўлмайдиган ишга буюрсалар. Эрлари ҳам улар билан, маслаҳатлашиб иш қилишлари керак.

Шогирди устозига ва халқи подшоҳига, айна шу масалада, Аллоҳга осий бўладиган нарсада, бўйсунмаслик ҳақ дир. Гапиришга келсак, албатта, буларнинг ҳар бирида ўз фикрини айтиш ҳуқуқи бор. Устозни ҳурмати сақлаб, қарши фикр билдиришлик мумкин. Агар диний мавзуларда келишмовчиликлар бўлса, унда илмий баҳслар қила оладиган кишилар фикр билдиришлари керак. Устозини сўзи қайсидир ҳужжатга асосланган бўлса, шогирдининг ҳам, ўзи суянган ҳужжати бўлиши лозим.

Шунда улар орасида, бири бирига қарши фикр билдириш имкони ва ҳуқуқи пайдо бўлади. Агар талабада илм бўлмаса, устозига итоатда бўлмоғи даркор. Дунёвий нарсаларда ҳам, аслида шундай бўлади. Подшоҳу амирларга ҳам, ҳурмати сақлаб фикр билдириш мумкин. Мустабид подшоҳларга одатда, бошқаларнинг фикрини эшитиш ёқмайди. Ислом динида эса, Дунёвий масалаларда ҳатто, Расулulloҳнинг фикрига зид фикрлар билдириш мумкин! Бунга кўп мисоллар ва далиллар бор.

Аммо, Диний масалада, Пайғамбарга итоат қилиш шартдир! Динда, ўзбошимчаликка йўл қўйилмайди. Динда ҳеч ким бирорта янгилик ўйлаб топишга ва бирор нарсани олиб ташлашга ҳаққи йўқдир! Дунёвий масалада, ҳамманинг фикрига, муҳолиф фикрни айтишлик мумкин! Ким бўлишидан қатъий назар, ҳаммага қарши фикр билдириш мумкин! Саҳобалар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан у бу фикрни айтганда бу сизни фикрингизми ёки, ваҳйми? Деб, сўрар эканлар.

Шахсий фикрим десалар, унда бу фикр хато. Мана буниси тўғри, деб, ўз фикрини айтишарди. Дунёвий нарсаларда, у кишидан кўра кўпроқ биладиган кишилар бўлган. У кишига диний масалада итоат қилиш ва таслим бўлиш шарт қилинади. Дунёвий нарсада, ҳар ким ўз фикрига эга бўлишга ҳақли.

Золим подшоҳларга қарши фикр билдиришлик, аслида амри маҳол иш. Лекин, Ислом ҳатто, шунга буюрган. Агарчи, у қатл қилиши хавфи бўлса ҳам, шундан кўрқмасдан гапиришликни, энг катта жиҳод деб, эълон қилган. Шу учун ўлган одамни шаҳид деб, эътибор қилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, сўз эркинлиги ва бурчи ҳам бор Исломда.

Бир одам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан: Жиҳоднинг қайси тури афзал? деб, сўради. Золим подшоҳнинг олдида ҳақ сўзни айтишлиқдир, дедилар.

Имоми Насоий ривоят қилган.

Бошқа шахснинг фикрига қарши, фикр билдиришлик, бу нақат демократияк давлатлардаги ҳақ! Бу инсоният пайдо бўлганидан бери, ҳар бир шахсга берилган аслий ҳақлардандир. Ислом динида эса, бу ҳақ қатор далиллар билан тасдиқланди. Бу ҳақ, яқин юз йилда пайдо бўлган ҳақ эмас. Бу башарият тарихида ўтган ҳамма миллат ва халқларга ва жамоаларга ва шахсларга тегишли бўлган мутлақ ҳақлардан биридир.

Буни маън қилган шахслар, ва жамиятлар у бу ерда замон ва маконда доимо бўлган ва бугун ҳам бор. Яқин ўтмишимизда, даҳрийлар зулми остида, уларнинг ғояларига қарши фикр билдириш имконсиз эди. Бугун Шимолий Корея аҳолиси ҳам, мустабид раҳбарининг фикрига қарши сўз айтишга имкони йўқ. Хитойда ҳам шу аҳвол.

Бундай жамиятлар заволи муқаррардир. Чунки, инсон фитратига зид тузумлардир. Бундай мустабид тузумлар қайси динга мансублигидан қатъий назар, заволи топажак! Зеро, инсоният тарихида бунга мисоллар жуда кўпдир. Валлоҳу аълам.

Саҳвий

07.05.2020 йил.

15. Савол

Бизга ҳижрат вожиб бўлганми? Динга амал қилишга имконият бўлмаса, вожиб бўлади деди, Туркияга ҳижрат қилган бир биродар. Шунга ўйланиб қолдим. Ҳижрат қилмасак, гуноҳкор бўламизми?

Ҳижрат аслида, Дорул куфрдан Дорул исломга қилинади. Ҳижр қилиш маъноси узоқлашиш демакдир. Бундан мурод маъсиятдан узоқлашишдир. Бизда бу масалад кўп тушунмовчиликлар бор. Бугун дунёда дорул Ислом йўқлигини ва ҳамма давлатларда мусулмонлар озми кўпми борлигини ҳисобга олсак, борадиган ерни ўзи йўқлигини тушунамиз. Ҳижрат сўзига қуйидаги ҳадисда янада кенгроқ маъно берилган.

قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي حَجَّةِ الْوَدَاعِ: (أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِالْمُؤْمِنِ؟ مَنْ أَمِنَهُ النَّاسُ عَلَى أَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ ، وَالْمُسْلِمِ مَنْ سَلِمَ النَّاسُ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ ، وَالْمُجَاهِدِ مَنْ جَاهَدَ نَفْسَهُ فِي طَاعَةِ اللَّهِ ، وَالْمُهَاجِرِ مَنْ هَجَرَ الْخَطِيَا وَالذُّنُوبَ "روى الإمام أحمد (23958) ، وابن حبان (4862) والنسائي في "السنن الكبرى" (11794) ، والبيهقي في "الشعب

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳажжатул вадоъда (охирги ҳажда) айтдилар: Сизларга мўмин кимлигини айтайми? Одамларнинг моллари ва жонлари ундан омонда бўлган кишидир. Муслим эса, одамлар кўли ва тилидан омонда бўлган кишидир. Мужоҳид, Аллоҳнинг тоатида бўлишлик учун, нафси билан курашган кишидир. Гуноҳ ва хатодан узоқлашган киши муҳоҷирдир! Дедилар.

Имоми Аҳмад, Ибн Ҳуббон, Насоий ва Байҳақий ривоят қилган.

Демак, шу ҳадисдаги тўртинчи нарсa, ҳижрат қилишлиқдир. Гуноҳ ва хатодан узоқлашиш бу ҳижрат қилишлик, дейилди.

Ҳижратнинг яна бир тури борки, унда Дорул зулмдан дорул омонга ҳижрат қилинади. Бунинг мисоли, аввали Исломда, Саҳобалар Маккадан Ҳабашистонга ҳижрат қилгандилар. Ҳижратнинг бу тури, қиёматгача давом этади. Валлоҳу аълам. Инсон ўзининг моли ва жонига зулм етадиган бўлса, у ердан қочишлиги табиийдир. Бу фитратдир. Бугунги кунда, асосан ана шу хилдаги ҳижрат мавжуддир.

Энди сиз айтган, Туркияга ҳижрат қилишга келсак, у ер ҳам Ислом давлати дейилмайди. У ерда Ўзбекистонга нисбатан сал кенгроқ эркинлик бор, халос. У ерга боришлик вожиб деб, ҳеч ким фатво беролмайди. Сабаби, у ердаги ҳукм ва биздаги ҳукм бир хилдир. Тўғри, бизда диндорларга ҳалигача зулмлар ва тазйиқлар давом этмоқда. Аммо, бу ҳижратни вожиб қилмайди. Тазйиқлар Туркияда ҳам йўқ эмас. Саудияда ҳам йўқ эмас. Балки, у ерда кўпроқдир. Афғонистонда ҳам шундай. Хуллас, ҳижрат сўзини монополия қилиш керак эмас. Бу билан одамларни турли ерга сарсон қилиш ҳам керак эмас.

Бугун ўзбеклар дайдиб бормаган давлат ер юзида қолмади ҳисоб. Ҳамма қочишга ҳаракат қилади. Баъзи диндорлари тазйиқни баҳона қилса, бошқалари, яхши ҳаёт учун сарсон бўлиб юришибди. Қанчалари сарсонгарчиликда ўлиб кетишди. Бола чақалари сарсон бўлиб қолиб кетишди. Ватанида сабр қилиб яшашлик ва имкон қадар динига амал қилишлик афзалроқ эди. Шунинг учун, бу ҳижрат масаласида хотиржам бўлаверинг!

Сизга оилангизни олиб, сарсон бўлишга ҳеч ҳожат йўқ. Сизни келади деб, кўзи учиб турган одамни ўзи йўқ! Қаерларгадир бориб, кейин, тиламчилик қилиб, одамлардан ёрдам сўраб юрганлар сони қанча?! Мўмин кишилар бу дунёда синовларга тайёр бўлишлари керак. Доим у бу ерга чоқишни ўйлаши керакмас. Қолаверса, динида мустаҳкам одамлар, аллоҳдан бошқадан қўрқмасликлари лозим. Ҳақ йўлда қамалиш ва ўлиш ҳам шарафдир. Ана шунга тайёр бўлмаганлар, қочиш ҳаёлига тушадилар. Турли туман фатволар топишади. Хуллас, бу йўл боши берк кўчага олиб киради халос.

Қолаверса, ватанлдаги аҳволни ўзгартиришлик, шу ёшларга боғлиқ. Ҳамма кўчиши билан иш битмайди. Ватандаги аҳволни яхшилиқ томонга ўзгартиришни ўйлаш керак. Токи, келажакда сизнинг фарзандларингиз, тинч омон ва осойишта яшасинлар. Уларга тазйиқлар бўлмасин! Бу масалада менинг билганим шулардан иборат.

Аллоҳ ҳаммамизни тўғри йўлга бошласин!

Саҳвий

14. 01. 2022

16. Савол

Бир киши билан талашиб қолдик, витр намози масаласида. Уч ракат ўқишга аниқ ҳужжат борми дейди? Бир ракатга бор экан. Биттаси уч ракатни, ўқиса бўлади, аввал икки ракат ўқиб, салом бериб, кейин бир ракат ўқинг деди. Биттаси, 11 ракатни бир ният билан ўқиса бўлади дейди. Хуллас, витр устида анча тортишувлар бўлди. Уч ракат ўқишга ҳужжат борми?! Шуларга нима дейсиз? Кимнинг гапи тўғри?!

Витр масаласида аввал ҳам сўралган ва жавоби турибди шу савол жавоблар китобини биринчи қисмида. Энди бу ерда ракатлари сўралган экан.

Витр намозини ракатларига доир далиллар шулардан иборат.

يجوز الوتر بركة واحدة منفصلة مما قبلها، وهذا مذهب الجمهور

Витрни бир ракат ҳам ўқиса бўлади. Бунга жумҳур уламолар иттифоқ қилган.

يجوز الوتر بثلاث ركعات متصلة، وهذا مذهب الشافعية، والحنابلة، وبه قالت طائفة من السلف، واختاره ابن تيمية، وابن باز، وابن عثيمين

Витрни бир ният ва бир ташахҳуд билан ўқиш жоиз. Шофий, Ҳанбалийя мазҳаби ва Ибн Усаймин ва Ибн Бозлар йўли шу.

: هي أن يوتر المصلي بثلاث ركعات وصورتها أن يصلي الثلاث ركعات لا يفصل بينها بتشهد فقد نهى النبي ﷺ في قوله لا تؤثروا بثلاث تشبهوا المغرب

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам витрни бир ният билан, уч ракат ўқишни истовчиларни, шом намозга ўхшатиб ўқиманглар, икки ракатдан кейин, ташахҳудга ўтирмасдан, ўқинглар, деганлар.

أن يوتر بخمس أو سبع، فيسردهن سرداً، فلا يجلس إلا في آخرهن لحديث عائشة رضي الله عنها قالت: «كان رسول الله ﷺ يصلي من الليل ثلاث عشرة ركعة يوتر من ذلك بخمس لا يجلس في شيء إلا في آخرها»

Оиша онамиз айтадилар: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам витрни 13 ракат ўқирдилар. Шундан охириги бештаси витр бўларди. Шу 13 ракат намозни охирида битта ташахҳудда ўтирардилар. Ўрталарида ўтирмасдан ўқирдилар.

Демак, бир ниёт ва бир салом билан 13 ракат ўқиш мумкин. Ўн бир ракат ҳам мумкин. Тўққиз ёки етти ракат ҳам мумкин.

لحديث أم سلمة رضي الله عنها قالت: «كان النبي ﷺ يوتر بسبع أو بخمس لا يفصل بينهما بتسليم

Умму Салама онамиз айтадилар: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам витрни беш ёки етти ракат ўқисалар, орасини салом билан ажратмасдилар.

Яъни, битта салом билан ўқирдилар.

أن يوتر بتسع، فيسرد ثمانية ثم يجلس للتشهد ولا يسلم ثم يصلي التاسعة ويتشهد ويسلم. ويجوز في هذه الحالات الثلاث أن يسلم من كل ركعتين

Агар витрни тўққиз ракат ўқиса, ҳар икки ракатда салом бериб, охирида бир ракат ўқиса бўлади.

أن رجلاً سأل رسول الله صلى الله عليه وسلم عن صلاة الليل ؟ فقال : مثني مثني ، فإذا خشيت الصبح فأوتر بركة

Бир киши, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан витрни қандай ўқишни сўраганда, икки ракатдан икки ракатдан ўқиб, субҳ киришидан хавф қилсанг, бир ракат ўқи, дедилар.

أن عدد ركعات صلاة الوتر ثلاث ركعات تُصَلَّى كالمغرب بتسليمة واحدة، واحتجوا على ذلك بما روي عن ابن مسعود وابن عباس وعائشة -رضي الله عنهم- أنهم قالوا: (كان رسول الله صلى الله عليه وسلم يوتر بثلاث ركعات) رواه شعيب الأرنؤوط، في تخريج سنن الدارقطني، عن أبي بن كعب، الصفحة أو الرقم: 1659، صحيح ↑

Оиша онамиз айтадилар: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам витрни уч ракат ўқирдилар, деганлар. Дорикутний ривояти.

أن يصلي ثلاث ركعات ، يجلس في الثانية ، ثم يقوم دون تسليم ويأتي بالثالثة ، ثم يجلس ويتشهد ويسلم ، كصلاة المغرب وهو اختيار أبي حنيفة

Худди, шомни ўқиган каби, уч ракат қилиб, витрни ўқишликни, Абу Ҳанифа мазҳабида ихтиёр қилинган.

أن يُصَلَّى ثلاث ركعات يفصل بينهما بسلام بعد ركعتي الشفع ثم يأتي بواحدة يتشهد فيها ويسلم، وقد اتفق الفقهاء على هذه الصورة باستثناء الحنفية. أن يُصَلَّى ثلاث ركعات بتسليمة واحدة وتشهد واحد، وهذه الصورة هي الوحيدة عند الحنفية

Витрни уч ракат ўқувчилар, аввал икки ракат ўқиб, салом бериб, кейин, бир ракат ўқиши керак. Бу фуқаҳолар иттифоқ қилган нарсадир. Магар Ҳанафийлардан бошқалари. Ҳанафийлар уч ракатни намозни, бира тула ўқишни, витр деб, ҳисоблашган. Ҳанафий мазҳабида витрни ками уч ракатдир.

ذهب الشافعية والحنابلة إلى أن أقل عدد ركعات الوتر واحدة، ولكن يكره الإتيان بها منفردة عند الشافعية، بخلاف الحنابلة الذين قالوا بعدم كراهة ذلك، وأدنى الكمال ثلاث ركعات، ويجوز أن يوتر بخمس أو بسبع أو بتسع، وأكثرها إحدى عشرة ركعة، وقيل: ثلاث عشرة ركعة، ودليل ذلك ما ورد عن النبي -عليه الصلاة والسلام- أنه قال: (من شاء أوتر بسبع ومن شاء أوتر بخمس، ومن شاء أوتر بثلاث، ومن شاء أوتر بواحدة)

Шофийлар ва Ҳанбалийлар мазҳабида витрнинг ками бир ракатдир. Уч, беш, етти, тўққиз ва ўн бир ракат ҳам ўн уч ракат ҳам жоиз.

Энди сизлар бу каби масалаларда талашиб тортишманглар. Ҳар ким билганини қилсин. Ўзаро адоватни пайдо қилиш керакмас. Ҳар ишда, мўътадиллик яхшида.

وقوفاً على علي بن أبي طالب رضي الله عنه
أحبب حبيبك هونا ما عسى أن يكون بغيضك هونا ما عسى أن يكون حبيبك يوماً ما
وقال الدارقطني: والصحيح عن علي موقوفاً

Али ибн Абутолиб айтганлар: Дўстингни енгилроқ севгинки, эҳтимол бир кун келиб, сенга душман бўлиб қолади? Душманингни ҳам енгилроқ ёмон кўргилки, эҳтимол бир кун келиб, сенга дўст бўлиб қолади?! Валлоҳу аълам!

Саҳвий

17. 01. 2022

17. Савол

Ошнамга қарз бериб олиб юраман. Шунда, уни уйига бориб қолсам, овқатланишим мумкинми? Биттаси шуям мумкинмас деди. Яна, мен ҳам банкдан қарзга пул олиб, машина ё уй олсам бўладими? Ёки, бу ҳам риботми? Бу давлат кофирлар давлатид ва унда мусулмон билан кофир орасида рибот мумкин деб, эшитгандим. Шунга нима дейсиз?!

Тошкентдан келган савол

Риботга доир умумий ҳукмлар

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ ءَامَنُوا لَا تَأْكُلُوا الرِّبَا أَضْعَافًا مُّضَاعَفَةً وَاتَّقُوا اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ
Оли Имрон сураси 130 оят

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Эй, имон келтирган кишилар, рибот сабабли молларингизни кўпайтириб, еманглар деб, буюрди.

Қадимда рибонинг кўринишлари шуки, қарзга пул бериб, устига пул қўйиб қайтариш талаб қилинган. Бу шаклдаги пул муомиласи, рибот деб аталган. Рибот дегани, кўпайтириш деганидир. Пулни, савдода айлантириб кўпайтириш бу мумкин. Лекин, пулни савдога қўймасдан, ўзини бериб, устига пул олишлик, орқалик кўпайтиришлик, бу мумкинмас. Юқоридаги оят шундан қайтарган. Рибони ҳаромлигига кўп оят ва ҳадислар бор. Бунинг гуноҳини катталигини, қуйидаги ҳадисда баён қилинган.

درهم ربا يأكله الرجل وهو يعلم ؛ أشد من ستة وثلاثين زنية .
الراوي : عبدالله بن حنظلة | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترغيب | الصفحة أو الرقم : 1855 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Киши рибодан кўпайтирилган бир дирҳамни билиб туриб, еса, бунинг гуноҳи олтмиш учта зинодан каттароқдир.

الربا ثلاثة وسبعون بابا ، وأيسرها مثل أن ينكح الرجل أمه ، وإن أربى الربا عرض الرجل المسلم
الراوي : عبدالله بن مسعود | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الجامع
الصفحة أو الرقم : 3539 | خلاصة حكم المحدث : صحيح

Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Рибони 73 тури бор. (даражаси бор) Энг енгили (гуноҳи) киши онасига никоҳланган кабидир. (Яъни, зино қилган кабидир) Риболарнинг рибоси, мўмин кишининг ор номусидир.

Бу ҳадисни шарҳида шундай дейилган.

إِنَّ أَرْبَى الرِّبَا، أَي: إِنَّ أَشَدَّ أَنْوَاعِ الرِّبَا فِي الْإِثْمِ وَأَعْظَمُهَا ذَنْبًا: "عَرِضُ الرَّجُلِ الْمُسْلِمِ"، أَي: احْتِقَارُهُ وَالتَّرَفُّعُ عَلَيْهِ، وَالْوَقِيعَةُ فِيهِ، وَذِكْرُهُ بِمَا يُؤْذِيهِ أَوْ يَكْرَهُهُ بِالْغَيْبَةِ وَالتَّمِيمَةِ.

Риболарнинг рибоси, мўмин кишининг ор номусидир. дегани, риболарнинг энг гуноҳи қаттиқроғидир. мусулмон кишини таҳқирлаш ва ўзини ундан баланд тутиш ва уни пастга қўйиш ва унга ёқмайдиган сўзлар билан, уни зикр қилиш ва ғийбат қилиш ва чақимчилик қилишдир. Бу рибо, бошқа риболардан усунтунроқ, рибодир.

Хулоса: Кўп одамлар рибони ҳаром деб, қилмайдилар. Лекин, мўмин киши таҳқирлашда ва ғийбат қилишда кечаю кундуз тўхтамайдилар. Ваҳолонки, аслида буни тўхтатиб, унисини қилсалар, гуноҳи камроқ рибони қилишган бўларди. (Ўша камроғи ҳам, онаси билан зино қилган кабидир)

Бу ҳаммага эслатма бўлиши керак!

1. Қарзни бериш ва олишда тегишли аҳкомлар

روى جابر بن عبد الله رضي الله عنهما: أن رسول الله صلى الله عليه وسلم، قال: «رحم الله رجلا سمحا إذا باع، وإذا اشترى، وإذا اقتضى

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Олганда ҳам, сотганда ҳам, ва қарзини талаб қилганда ҳам, кенг муомилада бўлган кишига, Аллоҳнинг раҳмати бўлсин! Дедилар.

وكل قرض جر نفعا فهو ربا

Фойда келтирувчи ҳар қандай қарз, рибодир деган шаръий қойида бор. Қарз устидан фойда келиши мутлақо мумкинмас.

قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: (إِذَا أَقْرَضَ أَحَدُكُمْ قَرْضًا فَأَهْدَى لَهُ أَوْ حَمَلَهُ عَلَى الدَّابَّةِ فَلَا يَرْكَبُهَا وَلَا يَقْبَلُهُ ، إِلَّا أَنْ يَكُونَ جَرَى بَيْنَهُ وَبَيْنَهُ "قَبِلَ ذَلِكَ" . حسنه شيخ الإسلام ابن تيمية في "الفتاوى الكبرى

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сизлардан ким бировга қарз берса, ва у унга ҳадя берса ёки, уловига миндирса, минмасин ва ҳадяни олмасин! Магар шу икковини орасида доимий бўлиб келган одатлардан бўлмаса. Ибн Таймийя ҳасан деган.

Яъни, иккиови доим шунақа қилиб юрган бўлсалар, унда қилаверсинлар. Акс ҳолда, қилмасин. Рибо хавфи борлиги учун.

عن ابن مسعود رضي الله عنه قال: إذا كان لك على رجل دين فأهدى لك شيئا فلا تأخذه فإنه ربا.

Абдуллоҳ ибн Масъуд разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Бир кишини устида сенга қарзи бўлса, ва у сенга бир нарсани ҳадя қилиб берса, олмагин! Чунки, у рибодир, дедилар.

Хулоса: демак, сиз ошнангиз билан доим қарз олди берди қилсангиз, ва у билан борди келдингиз бўлса, унда уни уйидан овқат ейишингиз мумкин. Валлоҳу аълам. Қарз берган ҳолда, уни машинасига минишингиз ҳам мумкин. Чунки, бу одатий нарсалардир. Агар, олдин бунақа муомила бўлмаган бўлсаю, шу қарзни бергандан кейин, у сизга меҳрибонроқ бўлиб қолса, унда бу ғамхўрликдан воз кечган афзал.

2. Банк орқалик машина ёки уй олишлик ҳақида:

"فإذا توسطت السلعة، فلا ربا؛ لأنَّ توسط السلعة يُخرجُ المعاملة من نطاق القرض الربويِّ المحرَّم إلى المُرابحةِ المشروعة"

Шаръий қойида борки: сотувда воситачилик қилиш, рибо эмасдир. Чунки, сотувда воситачилик қилиш, шариатда ҳаром бўлган, рибога қарз олишдан чиқаради ва шаръан мумкин бўлган муробаха ҳисобланади.

Муробаха дегани, Исломиий Банклар, молни (уйни, машинани) сотиб олади ва уни устига маълум миқдор пул қўйиб, олувчига сотади. Бунда олувчи киши, шу келишилган пулни, келишилган муддатда тўлайди.

قال الشيخ أحمد وسام، أمين لجنة الفتوى بدار الإفتاء المصرية، إن من كان في حاجة لأخذ قرض لشراء منزل فيجوز له شرعاً أخذ تمويل عقاري من البنك، يمّول فيه البنك شراء العقار، ولا يسمى حينئذٍ قرضاً؛

Миср Дорул фатво (фатво уйи) қўмитаси котиби, Шайх Аҳмад Мамдух киши уй сотиб олиш учун Банкдан қарз олишни, шариат жоиз деган, дейди. Бунда, киши уй олади ва Банк уйни пулини тўлайди. Ва шунда бу қарз, дейилмайди, деган. Яъни, уйни банк олади ва бу кишига сотади. Энди бу киши Банкдан пул қарз олган бўлмайди. Банкдан уй олган бўлади ва унга пулни тўлайди. Яъни, уй олувчи киши Банкдан пулни ўзини олиб, ўзи уй сотиб олмайди. Киши уйни олади ва Банк уйни молиялаштиради. Банк ўртадаги воситачи бўлади халос.

أن هذا تمويل مباح في الشريعة الإسلامية، حيث قال المولى في كتابه الكريم وأحل الله البيع وحرم الربا، لذلك قال الفقهاء تلك القاعدة التي ينبغي علينا جميعاً أن نحفظها إذا توسطت السلعة فلا ربا.

Воситачилик қилишлик, ислом шариатида мубоҳдир. Аллоҳу таоло китобида айтганки: Аллоҳ савдони ҳалол қилди ва рибони ҳаром қилди. Шунинг учун, фуқаролар ҳаммамизга бунга амал қилишни лозим дейишган. Воситачилик қилишлик савдодир ва бу рибо эмасдир.

وأشار إلى أن الفرق بين هذا وذاك هو توسط السلعة أي التمويل وليس الاستهلاك فهذا تمويل جائز شرعاً وليس من الربا المحرم.

Шайх савдодаги воситачилик билан рибо орасидаги фарққа ишора қилди. Воситачилик қилиш шаръан жоиз ва рибо эмасдир.

Муробаха шартлари:

1. икки томон рози бўлиши,
2. икки томонга ҳам мос келиши
3. икки томон ҳам келишувга амал қилиши.

Муробаха тўғри бўлиш шартлари

1. Келишув шартномаси бўлиши
 2. Молнинг нархи маълум бўлиши (аввалги нархи ва кейингиси)
 3. Тўловни аниқ бўлиши. (Қайси пулдан, қанча муддат тўлаши, каби)
- Лекин, Исломиий бўлмаган Банклар асосан, пулни бериб устига фойда олиш билан шуғулланишади. Ана шу рибо дейилади.

Қатар Вақф Вазирлиги саҳифасида шундай фатво бор.

فإذا كان البنك يشتري السلعة لنفسه، وبعد دخوله في ملكه، وضمّانه، يبيعها لك، فلا حرج، سواء أردت الانتفاع بالسلعة، أم أردت بيعها. والانتفاع بضمّنها، وهنا يتحقق توسط السلعة الحقيقي الذي ينفي حصول العقد الربوي.

Агар Банк молни сотиб олса, ва ўз мулкига киргизса, ва кейин уни сизга сотса, бунда муаммо йўқ. Молни сотиб фойдаланмоқчимиз ёки, молни сотиб пулини фойда қиладимиз фарқи йўқ. Бу ҳақиқий воситачилик ҳисобланади ва рибони йўққа чиқаради.

وأما لو كان دور البنك هنا هو مجرد سداد الثمن عنك للبائع، دون أن يشتري هو السلع لنفسه، ومن ثم يستوفي منك ما سدده عنك بزيادة، فهذا قرض ربوي، ولم تتوسط فيه سلعة توسطاً معتبراً

Агар, Банк ўз номига сотиб олиб сенга сотмасдан, сени номингдан сотувчига пул ўтказса, кейин, шу сени номингдан ўтказган пулни зиёдаси билан қайтариб олмоқчи бўлса, Бу савдода воситачилик қилган ҳисобланмайди. Бу рибо бўлади.

Яъни, бу шаклда уй ва машина олишдан қайтарилган. Валлоҳу аълам.

Дорул Фатво котиби доктор Мамдух банкларни, турли хил лойиҳаларга сармоя ётқизишини ҳам жоиз деган. Бунда, у янги пайдо бўлган замонавий техника ва ишлаб чиқариш лойиҳаларига давлат Банклари ва ёки, бошқа ташкилотлар сармоя ётқизиши жоиздир деган. Шарт иккита бўлиб, биттаси шуки, бу лойиҳалар, эски замонда мавжуд бўлмаган ва янги пайдо бўлган нарсалар бўлишлиги шарт деган. Иккинчиси, бу лойиҳалар жамият учун манфаатлик бўлиши шарт қилинган. Буни уламолар, Қарз агар фойда келтирса, рибодир, қойидасига тўғри келмайдиган бўлгани учун, рибо эмас дейишган, дейди.

Яъни, бунда Банк қарз беради. Ва уни шу лойиҳага ишлатилади. Бу лойиҳа муваффақиятлик бўлиб, фойдалиқ бўлса, бундан Банк ҳам, лойиҳа эгалари ҳам ва жамият ҳам манфаат кўради. муваффақиятлик бўлмаса, унда ҳаммаси зарар кўради. банкротлик ҳақидаги қонунларга кўра, касодга учраган корхона, қарзи маълум миқдорда кечиб юборилади. Шу нуқтада, айтиб ўтиш жоизки, рибони ҳаром қилинганидан мақсад, зарар бермаслик ва зарар кўрмаслик учундир. Яъни, жамият аъзолари, бири доим фойда кўриб, бири доим, зарар кўрмаслиги учундир. Фойда ва зарарда шериклик бўлса, рибо бўлмайди. Бу Музораба дейилади.

Лекин, қарз беришда ҳам, агар корхона касодга учраса, қарзни бир қисмидан кечишлик мавжуд қонунларга кўрсатилган. Бу ҳам, Банкни доим фойда кўрувчи бўлмаслигини таъминлайди.

3. Кофирлар билан мусулмонлар ўртасидаги рибо ҳақида

Қувайтлик Доктор Назиф Хаммод айтади:

إن التعامل بالربا بين المسلم وغير المسلم إما أن يقع في حال عدم الأمان بينهما – كما إذا دخل الحربي دار الإسلام غير ذي ولا مستأمن ، أو دخل المسلم دار الحرب من غير أمان أعطيته لدخولها – وفي هذه الحالة ترجح لدينا عدم جواز إعطاء المسلم الربا للحربي مطلقاً ، ومشروعية أخذ الربا من الحربي قياساً على حل أخذ ماله بطريقة الاغتنام أو السرقة أو القمار أو الغصب .

Кофирлар билан мусулмонлар ўртасидаги рибо улар ўртасидаги тинчлик келишуви бўлмаган пайтларда содир бўлган. Кофир зиммий бўлмаган ва омонлик олмаган ҳолда, Исломи диёрига кирса, ёки, мусулмон Куфр Диёрига омонлик олмасдан кирса, Шунда ҳам бизнинг наздимизда, мусулмон кофирга рибо беришлиги жоизмас. Лекин, мусулмон кофирдан рибо олишлиги жоиздир. Бу худди, молини ўлжа қилиб олган ва ўғирлаб олган ва тортиб олган кабидир. (Яъни, улар билан уруш ҳолатида турганда, уруш қойидасига кўра, шулар мумкин бўлади. Жумладан рибо олиш ҳам)

أما إذا كان هناك أمان بينهما – كما إذا دخل المسلم دار الحرب بأمان ، أو أقام الكافر في دار الإسلام بعقد ذمة أو أمان – ففي هذه الحالة يفرق بين حكم التعامل بالربا بينهما في دار الإسلام وبين حكم التعامل به بينهما في دار الحرب .

Агар иккаласи ўртасида омонлик, тинчлик келишуви бўлса, Кофир зиммий бўлган ва ёки, омонлик олган ҳолда, Исломи диёрига кирса, ёки, мусулмон Куфр Диёрига омонлик олиб кирса, у ҳолда, дорул исломдаги кофир ва мусулмон муомиласи, дорул куфрдаги мусулмон ва кофир муомиласи ҳукми фарқланади.

فإن اجتماعاً بأمان في دار الإسلام ، فقد اتفق الفقهاء على أنه لا يجوز تعامل المسلم مع الذمي والمستأمن بالربا في دار الإسلام ، أخذاً أو إعطاءً . على حد سواء .

Фуқоҳолар иттифоқи билан, Дорул исломга омонлик олиб келган ва ёки, зиммий бўлган кофир билан рибо олиш ва бериш қилиш жоиз эмас.

. أما إذا كنا في دار الحرب ، فينبغي التمييز بين أمرين : إعطاء المسلم الربا إلى الحربي في دار الحرب ، وأخذ الربا منه في دار الحرب . فأما الأول : فقد اتفقت كلمة الفقهاء على أنه لا يجوز للمسلم الذي دخل دار الحرب بأمان أن يعطي الربا للحربي فيها .

Куфр диёрига омонлик олиб кирган мусулмонга, у ердаги кофирга рибо беришлиги жоиз эмас.

وأما أخذ المسلم الربا من الحربي في دار الحرب بعد ما دخلها بأمان ، فقد اختلف الفقهاء في مشروعيتها على قولين (أحدهما) لجمهور الفقهاء من الشافعية والمالكية والحنابلة وأبي يوسف والأوزاعي وغيرهم ، وهو أنه لا يحل ذلك شرعاً (والثاني) للإمام أبي حنيفة ومن وافقه ، وهو أنه يجوز له أخذ الربا من الحربي في دار الحرب ، وبعد عرضه أدلة الفريقين ومناقشتها بدا لنا رجحان قول جمهور الفقهاء بعدم مشروعيتها .

Аммо, Куфр диёрида, омонлик олиб кирган мусулмон, кофирдан рибо олишлиги бунга фуқаҳолар ихтилоф қилишган. Шофий, ҳанбалий ва Моликий мазҳабидагилар ва Абу Юсуф ва Авзойилар буни ҳалолмас деганлар. Абу Ҳанифа, дорул куфрдаги кофирдан рибо олишлик жоиз деган. Лекин, жумҳур фуқаҳолар шуни ҳам ҳаром дейишган.

ثم بعد النظر والتأمل في حال العالم اليوم ، وما يسود فيه من تشريعات دولية واتفاقيات ومعاهدات ، ومقارنة ذلك بالتقسيم الفقهي السالف للعالم إلى دار إسلام ودار حرب ، انتهينا إلى القول بأن رأي الإمام أبي حنيفة ومن وافقه – لو افترضنا جدلاً رجحانه – لا يصح تطبيقه على دول العالم الديمقراطية المعاصرة التي لا تدين بالإسلام (مثل اليابان والنمسا وسويسرا وكندا وأستراليا والسويد والنرويج .. الخ) ، ولا يقبل القول بجواز أخذ المسلم الربا من أهلها إذا دخلها بأمان تخريباً على مذهبه ، لأن هذه الدول وأمثالها لا تعتبر دار حرب حسب المعايير الشرعية لتلك الدار ، ولو أردنا تصنيفها بالاعتماد على معايير الفقهاء المتقدمين لتقسيم العالم ، لأمكننا إدراجها تحت عنوان دار العهدة أو دار الصلح أو دار الهدنة مع نفي كونها بحالتها الراهنه دار حرب نفيّاً قاطعاً ، واستبعاد تطبيق الأحكام المتعلقة بدار الحرب عليها بصورة مؤكدة جازمة ، رغم كونها دار كفر وعصيان لله

Энди, бугунги кундаги оламга назар ташласак, давлатларда қонунлар борлиги ва ўзаро иттифоқлик борлиги ва дунёнинг Дорул Ислом ва Дорул ҳарб каби, фикҳий қисмларга тақсимланмаганлиги Абу Ҳанифанинг ижтиҳодини татбиқ этишлик, жоиз эмаслигини кўрсатади. Бизнинг асримиздаги Исломий бўлмаган, демократик давлатларга (Япония, Австрия, Швецария, Канада, Австралария, Швеция ва Норвегия ва ҳаказолар) омонлик олиб кирган бирорта мусулмонга, шу ерлик аҳолидан, рибо олиш жоиз деган, сўзни қабул қилиб бўлмайди.

Чунки, бу давлатлар Қадимги фуқаҳоларнинг оламини дорул куфр ва дорул Ислом деб, тақсим қилган асосларига эътиборан, Дорул Ҳарб ҳисобланмайди. Буларни Дорул Ҳарб деган категорияга тушадиган шартлари мутлақо йўқлиги учун, Дорул аҳд ва Дорул Сулҳ каби, категорияларни қўллаш мумкин. Агарчи улар Дорул куфр эканлиги ва Аллоҳга осийлик мавжуд давлатлар эканлиги аниқ бўлсада, уларда Дорул куфрда татбиқ қилинадиган ҳукмларни қўллаш мумкин эмас.

Хулоса: Сиз сўраган саволда учта алоҳида масала бор эди. Бу ерда шуларни ҳар бирига, фуқаҳолар сўзларидан иқтибосан, алоҳида жавоблар берилди. Аллоҳ ҳаммамизни тўғри йўлдан адаштирмасин!

Саҳвий

28.01.2022

18. Савол

Мутакаббирлар кимлар?

Қуръони каримда, аксар ҳолларда, Пайғамбарларга қарши чиққанлар, мутакаббирлар деб аталган. Улар ҳақни қабул қилишмаганди. Ботилни ушлаганлар кибрлилардир. Фиравн ва Ҳомон ва Қорун ва Намруд ва ҳаказолар кофирлар, мутакаббирлардир.

عن عبدالله بن مسعود، عن النبي صلى الله عليه وسلم قال: لا يدخل الجنة من كان في قلبه مثقال ذرة من كبرٍ قال رجل: إن الرجل يحب أن يكون ثوبه حسناً، ونعله حسنة. قال: إن الله جميل يحب الجمال، الكِبَرُ: بطر الحق، وغطت الناس؛ رواه مسلم

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: Кимни қалбида зарра миқдори кибр бўлса, жаннатга кирмайди, деганлар. Бир киши сўради: Бир киши кийими ва пойабзали чиройли бўлишини истайди, шу ҳам кибрми? Деди. Шунда, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: Кибр ҳақни рад қилиш ва одамларни камситишлиқдир! дедилар.

Демак, бир одамни камситишлик ва ҳақ сўзни тан олмаслик, кибрдир. Кибрни иккинчи тури, бировни камситишлик, шу тури, мўминларда ҳам бўлади. Ким бировни хилқатини масхара қилса, бу кибрдир. Кибр эса, кабира гуноҳдир. Демак, кибрни бу икки тури бири кўпроқ кофирларда ва бири кофиру мусулмонларда бўлиши мумкин. Ҳақни тан олмаслик кибри, кофирларнинг ҳаммасига тегишлидир. Ҳақ дин ва сўз ва ақида етказилганда қабул қилмаганлар, мутакаббирлардир. Гарчи, ўзи ҳаётда, энг заиф ва бечора бўлса ҳам, шу мутакаббирдир.

Чунки, у буюк Аллоҳни тан олмади. Яккалигига иқрор бўлмади. Муҳаммад алайҳиссаломнинг рисолатини инкор қилган, кофирлар ҳам мутакаббирлардир. Гарчи, улардан кўплари имонга келиши мумкин?! Келмагани, ҳақни рад қилгани учун, кибр аҳлидан ҳисобланиб қолаверади. Валлоҳу аълам!

Имон даъво қилганлар ҳам, бунга дахлдор бўлишлари мумкин. Аллоҳдан ўзгага ибодат қилувчиларга, бу ишлари ширк эканлиги айтилса, улар тан олмасалар, демак, кибр қилган кимсалар жумласидан бўладилар.

Одамларни устидан кулишлик каби кибр тури, мўминман деганларда ҳам кўп топилади. Кофирларда ҳам бўлиши мумкин. Баъзи кофирларда бу кибр бўлмаслиги ҳам мумкин. Аммо, кибрни бу турига ким бўлишидан қатъий назар, яратилишдаги хилқатни масхара қилувчи кимсалар киради. Чунки, хилқатни Холиқи Аллоҳдир. Хилқат устидан кулиш, тўғридан тўғри унинг Холиқига тажовуздир. Бу эса, кибрдир.

Рубоий

Хилқатдан айб, нуқсон, излама зинҳор.
Чунки, яратгвчи Ҳақ, Парвардигор!
Хато қилмоқ, Бани Одамга хосдир,
Нақш қийшиқ бўлса, наққош айбдор,

Саҳвий

19. 01. 2022

19 Савол

Эшакни гўшти ҳарому, отни гўшти ҳалолми? Баъзилар от гўштини ҳам ҳаром дейишади. Фарқи нимада?

لجواب: نعم، لحم الخيل مباح هذا الذي عليه جمهور أهل العلم وهو الصحيح، والرسول ﷺ أذن في لحوم الخيل، وروت أسماء بنت أبي بكر رضي الله عنهما: أنهم نحرّوا فرسًا على عهد النبي ﷺ في المدينة وأكلوها، فالمقصود: أن لحوم الخيل مباح، هذا هو الصواب الذي عليه جمهور أهل العلم. نعم

Ибн Боз раҳимаҳуллоҳга шу мавзуда савол берилганда, у киши Ҳа, От гўшти ҳалолдир. Жумҳур аҳли илм, уни ҳалоллигига иттифоқ қилганлар деб, жавоб беради. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, от гўштини ейишга изн берганлар. Асмо бинти Абу Бакр айтади: Улар Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, замонида Мадинада отни сўйиб, гўштини ер эдилар. Демак, от гўшти мубоҳдир. Жумҳур аҳли илм, наздида ҳалолдир.

Ҳадис:

روى البخارى عن جابر بن عبد الله رضي الله عنهما قال: نهى النبي صلى الله عليه وسلم يوم خيبر عن لحوم الخمر، ورخص في لحوم الخيل.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Хайбар куни, хонаки эшак гўштини ейишдан маън қилдилар ва от гўштига рухсат бердилар.

Бухорий ривояти.

Демак, эшак гўшти аввал ейилган. Хайбар кунидан бери, ҳаромдир. От гўшти ҳалол. Хачир гўшти ҳам ҳаромдир. (Хачир деб, от билан эшакни қўшилганидан туғилган ҳайвонга айтилади) Валлоҳу аълам!

20. Савол

Бир бародарни иккита ойласи бор ойласини ораси 150км намозни қаср уқийдими у ойласига борса?

**Абу Абдуллоҳ
Имодан берилган савол.**

Агар у кишини иккита уйи бўлса, ораси 150 километр узоқликда бўлса, демак, ҳар икки уйида ҳам намозни тўлиқ ўқийди. Йўлда қаср ўқилади. Йўлда мусофир бўлади. Уйида муқим бўлади. Ўзини уйида қаср ўқилмайди. Уйлар орасидаги масофа узоқлиги фарқи йўқ. Бир уйи Россияда ва бири Ўзбекистонда бўлса, ҳар иккала уйида ҳам, тўлиқ ўқийди. Йўлда қаср ўқийди.

Саҳвий

11.01. 2022

21. Савол

Овқатдан олдин қўлни ювиш ҳукми нима? Ювмасдан есак гуноҳкор бўламизми?

Овқатланишдан олдин қўлни ювишлик суннатдир.

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, айтдилар:

ذَا اسْتَيْقَظَ أَحَدُكُمْ مِنْ نَوْمِهِ فَلَا يَغْسِئُ يَدَهُ فِي الْإِنَاءِ حَتَّى يَغْسِلَهَا ثَلَاثًا
Саҳиҳ ҳадис

Бировингиз уйқудан уйғонса, қўлини уч марта ювишдан олдин, (сув) идишларга теккизмасин.

Бу амал буюрилган суннатларга киради. Лекин, фарз эмас. Ювмасдан есак гуноҳкор бўламизми? Деган саволга жавобим, демак, тарки суннат қилган бўласиз. Тарки фарз эмас. Бу ҳам яхшимас.

Валлоҳу аълам.

Саҳвий

03. 01.2022

22. Савол

Имодаги гуруҳда берилган савол:

Биз бозордан мол олиб, шу ерни ўзида яна сотамиз. Бунга баъзилар мумкинмас дейишди. Шунга сиз нима дейсиз?

فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ تَبَاعَ السِّلْعُ حَيْثُ تُبْتَاعُ ، حَتَّى يَحُوزَهَا التَّجَارُ إِلَى رِحَالِهِمْ

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сотиб олинган нарсани, то уни уловига юклаб, ўша ердан олиб чиқиб кетмагунча, сотишдан қайтардилар

عن ابن عمر رضي الله عنهما قال ابتعت زيتاً بالسوق فلما استوجبتُه لقيني رجلٌ فأعطاني به ربحاً حسناً فأردتُ أن أضربَ على يده فأخذ رجلٌ - من خلفي بذراعٍ فالتفتُ إليه فإذا زيد بن ثابتٍ فقال لا تبغهُ حيثَ ابتعتَهُ حتى تحوزَهُ إلى رحلكَ فإن رسولَ الله صلى الله عليه وسلم نهى أن تُباعَ السلعُ حيثُ تُبتاعُ حتى يحوزها التجارُ إلى رحالِهِمْ
خلاصة حكم المحدث : صحيح

Абдуллоҳ Ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Мен бозордан ёғ сотиб олдим. Шунда бир киши келиб, уни менга сотгин деб, яхшигина фойда таклиф қилди. Мен уни қўлига қўл урмоқчи эдим. (Сотишлик учун) Ортимдан келиб биров қўлимни ушлади. Қарасам, Зайд ибн Собит экан. У менга қараб, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сотиб олинган нарсани то уни ўша ердан олиб чиқиб кетмагунча, қайта сотишдан қайтардилар. Деди.

Абу Довуд ҳам айна ҳадисни ривоят қилган.

، عَنْ ابْنِ عَمَرَ : ابْتَعْتُ زَيْتًا فِي السُّوقِ ، فَلَمَّا اسْتَوْجِبْتُهُ ، لَقِيتِي رَجُلًا فَأَعْطَانِي بِهِ رِبْحًا حَسَنًا ، فَارْدَتْ أَنْ أَضْرِبَ عَلَى يَدِهِ ، فَأَخَذَ رَجُلٌ مِنْ خَلْفِي بِذِرَاعِي فَالْتَفَتْتُ ، فَإِذَا زَيْدُ بْنُ ثَابِتٍ ، فَقَالَ: لَا تَبِعْهُ حَيْثُ ابْتَعْتَهُ ، حَتَّى تَحْوِزَهُ إِلَى رَحْلِكَ ، فَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ نَهَى أَنْ تَبَاعَ السِّلَعُ حَيْثُ تُبْتَاعُ ، حَتَّى يَحْوِزَهَا التُّجَّارُ إِلَى رِحَالِهِمْ
الراوي : عبدالله بن عمر | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح أبي داود
الصفحة أو الرقم: 3499 | خلاصة حكم المحدث : حسن [غيره]

Уламолар бу ҳадисдан шундай хулоса чиқаришган: Киши бир нарса сотиб олса, то у нарса уни ўз ихтиёрига тўлиқ ўтмагунча қайта сотиши мумкин эмас. Ихтиёрига тўлиқ ўтиши шарт. Иккинчиси, пулини тўлиқ, тўлаган бўлиши шарт. Учинчиси, молни у ердан олиб чиқиб кетиши шарт.

لا يجوز للمسلم أن يبيع سلعة بنقد أو نسيئة، إلا إذا كان مالكا لها وقد قبضها؛ لقول النبي ﷺ لحكيم بن حزام: لا تبع ما ليس عندك .وقوله ﷺ في حديث عبدالله بن عمرو بن العاص رضي الله عنهما: لا يحل سلف وبيع، ولا بيع ما ليس عندك. رواه الخمسة بإسناد صحيح

Киши бир нарсани нақдга ва ё насияга сотиши мумкинмас, то у нарса уни мулкига кириб, қўлига ушламагунча. Чунки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Ҳаким ибн Ҳизомга, сени ҳузурингда бўлмаган нарсани сотмагин! Деганлар. Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал Осс ривоят қилган ҳадисда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, насияга олган молни сотишдан ва ўзида йўқ бўлган молни сотишдан қайтардилар. Саҳиҳ ҳадис.

Бунинг мисоли шуки, бир киши бир молни биров билан, бир нархга келишади. Лекин, уни сотиб олишга унда пул йўқ. У мол эгасига оз миқдорда пул бериб, молни олдим деб, кетади. Қолган пулни олиб келиб, молни олиб кетаман деб кетади. Кейин, бировни топиб, унга ўша молни, ўзи олган маблағдан кўпроққа сотади. Уни олиб келиб, ўша молни эгасини уйига олиб келиб, кўрсатади. У рози бўлса, унга сотади. Шу ерни ўзида, пулни ундан олиб, мол эгасига қолган пулни тўлайди. Ўртада қолгани ўзига фойда бўлади. Мана шу каби, савдодан қайтарилган.

نهى رسول الله صلى الله عليه وسلم عن سلف وبيع، أي: لا يبيع مع شرط؛ وذلك بأن تبيع سلعة، وتقول لمن اشتراها: بعثك على أن تسلفني، مبلغ كذا،

Шарт қўйиб савдо қилишдан Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, қайтарганлар. Бунда сотувчи киши олувчига буни сенга сотдим, мендан пул қарзга оласан, дейди. Яъни, мол эгасидан қарзга пул олиб, шу пулга яна ундаги молни сотиб олади. Яъни, олувчида пул йўқлиги учун, сотувчи унга шунақа шарт қўяди. Бу эса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, қайтарган савдодир.

،وقيل: هو أن تقرضه ثم تبيع منه شيئا بأكثر من ثمنه، وكلا الصورتين يدخل في الربا؛ لأنه قرض جر نفعًا، وقيل: يقصد به السلم،

Ундан қарз олиб, кейин, шу пулга унинг молини қимматроққа сотиб олиш, ҳар иккала суратда ҳам, рибога киради. Яъни, тепадаги сурати ва бу сурати ҳам, рибо ҳисобланади. Ҳаромдир.

،"ويكون المعنى أن يسلف شخص، فيقال له: إن لم يتوفر عندك سداؤه، فهو يبيع عليك،" وعن شرطين في بيع واحد

Молни сотиб олишга пули йўқ одамга, юқоридаги иккита шаклни таклиф қилади. Битта савдода шу иккита шартни қўяди. Мана шу каби, шарт қўйилган савдодан қайтарилган. Юқоридаги ҳадис шу ҳақидадир.

،وهي: أن يبيع سلعة واحدة بثمن مؤجل، ثم يشتريها بثمن آخر نقداً، فإن أخذ الزائد في الثمن فقد وقع في الربا، وهذه الصورة هي بيع العينة

Бунда, молни нақдга бир баҳога сотади. Кейин, уни нақд пулга бошқа баҳода сотиб олади. Шунда пулни зиёдаси рибо ҳисобланади.

وَالْغَرَضُ مِنْهُ اخْذُ الْمَالِ بِزِيَادَةٍ عَنِ الثَّمَنِ الْحَقِيقِيِّ

Бундан мақсади молни ҳақиқий баҳосидан, зиёдaroқ нархга сотишлиқдир.

Яъни, бир киши молни бировга насияга фалон пулга сотади. Яъни, фалон сўмга молни сотиб олган одам, энди унга шу молни, нақд пулга арзонроққа сотаман, дейди. Яъни, молни аввалги эгаси, шу молни ундан яна, нақд пулга сотиб олади. Шундай қилиб, мол унда қолади ва у киши бунга бояги, насияга сотилган миқдорда қарз бўлиб қолади. Энди, у киши шу пулни тўлаши лозим бўлади. Мол эса, эгасида қолади. Буни рибо дейилган. Чунки, манфаат келтирувчи қарз, рибодир деган қойида бор. Бу ерда шунга тушиб қолади.

Хулоса: Бугунги кунда, ўзбекистонда мол савдоси билан шуғулланувчилар, асосан молни бозорни ўзида олиб, ўзида сотиб кетишади. Ёки, юқорида зикр қилинган шаклда, бировнинг уйида турган молни савдолашиб, унга озроқ пулни бериб, кейин, ўзи бошқа харидор топиб, уни олиб келиб, мол эгасини уйига келиб, молни кўрсатиб, унга қимматроққа сотади. Яъни, ҳали ўзини мулки бўлмаган молни сотади.

Ҳадисда ўзини мулки бўлмаган молни, сотишдан қайтарилган. Мулки бўлиши учун, пулини тўлаган бўлиши ва у ердан олиб чиқиб кетиши шарт эди. Демак, бу каби савдолар мумкинмас. Валлоҳу аълам.

Шунингдек, молни эгасидан қарзга пул олиб, яна шу пулга ундан молни сотиб олиш, мумкинмас. Ёки, мол эгаси, унга молни қарз бериб, кейин, шу қарзга молни сотиб ол, дейиши мумкинмас. Ёки, мол эгаси унга молни насияга сотиб, кейин, ундан нақдига арзонроққа сотиб олиши ва уни қарз қилиб қўйиши мумкинмас.

Молни олгач, у ердан олиб чиқиб кетмагунча сотиш ҳам мумкинмас. Булар бари савдони бузадиган ва шундай қилиб топилган пулни ҳаром қиладиган амаллардир. Афсуски, булар бари, бугунги кунда, Ўзбекистонда бозорларда қилинаётган амаллардир. Бунга мумкин деб, фатво берувчилар ҳам топилапти. Булардан эҳтиёт бўлишлик лозимдир. Валлоҳу аълам!

Саҳвий

12. 09.2021

23. Савол

Сурияга жиҳодга боришлик бугун бизларга фарзми?

(Россиядаги ватандошлардан келган савол)

Бу саволга, жавобан, Суриялик бир йигитни, сурия Уламолари Робитасига берган саволига улар берган жавобни, эътиборингизга ҳавола қиламан. Яъни, савол берувчи, ўзи Суриялик йигит ва у ўзи ўша ерда яшаб туриб, ҳукуматга қарши курашларга аралашмасдан ўтирганини ва бунга ота онаси қаршилигини айтиб, Суриядаги жиҳод фарзи айнми ёки, фарзи кифоями? Деб, сўраган ва ўзини нима қилиши лозимлигини сўраган. Унга ўша Сурия уламолари жавоб берган. (Сурия Уламолари Робитаси суриядан ташқарида яшаётган Суриялик Уламолар жамоасидир.) Демак, бу жавобни сиз учун дахлдор ери борлиги учун бу ерга киритдим.

وبخصوص سؤالك عن حكم الجهاد في سوريا وهل هو فرض عين أو فرض كفاية؟

Суриядаги жиҳод фарзи айнми ёки, фарзи кифоями? Деган саволингизга жавобан:

فننقل لك بشأنه فتوى رابطة علماء سوريا وقد كان جوابا عن سؤال ورد إليها ونص الفتوى: الحالة السورية الآن ليس الجهاد فيها أو الخروج مع جماهير الناس فرضا كفائيا، وإنما هو فرض عين على كل مواطن في سوريا، ومن هنا

Бу саволга, Сурия Уламолари Робитаси берган жавобни эътиборингизга ҳавола қиламан. Суриядаги бугунги аҳвол, у ерда жиҳод эмас. Аҳолининг бир жамоаси билан кифоя қиладиган Ҳуруждир. (Золим подшоҳга қарши исёндин) Ва у ҳар бир Сурия ватандоши учун, фарзи айндир.

فلا بد من النفير العام، والخروج مع جماهير الثائرين، ولتعلم يا أخي العزيز أن والديك ووالدتي غيرك همهم الأكبر هو الحرص عليك وعلى.. غيرك من الأبناء كما تحرص أنت على برهم ورضاهم

Бу курашга оммавий сафарбарлик бўлиши ва инқилобчилар билан бирга кенг халқ оммаси чиқишлиги керак. Азиз биродар, билки, сенинг ота онанг ва бошқаларнинг ота оналари, ўз болалари ҳақида қайғурадилар. Худди сен уларни ризо учун ҳарис бўлганингдек.

ولكن ينبغي هنا أن نقدم المصلحة العامة على المصلحة الخاصة، وننصر إخواننا بكل ما نستطيع، فإن في ذلك تسريعا بإنهاء الوضع الدموي الذي يراه العالم ولا يتحرك - ولا حول ولا قوة إلا بالله - وليس معنى خروجك مع الناس أن تغضب والديك، فإن الخروج لا يلزم منه العقوق أو إلحاق الأذى بهم، والله تعالى يقول: فلا تطعهما، وصاحبهما في الدنيا معروفا - سورة لقمان، وهذا في حال الوالدين الكافرين، فما بالك بالمؤمنين؟

Лекин, бу ерда, омма халқ манфаатини, шахсий манфаатдан устун қўймоқ лозимдир. Биродарларимизга, қодир бўлганимизча, турли шаклда ёрдам бермоқлик керак. Ана шундагина, дунё жамоатчилиги кўриб турсада, ҳаракат қилмаётган, бу қон тўкишларни тезроқ ниҳоясига етказиш мумкин бўлади. Ло ҳавла вало қуввата илло биллоҳ! Сенинг оммага қўшилиб, ҳуружга чиқишинг, (Золимга қарши жанга чиқишинг) ота онангни ғазаблантиради деганимас. Бу чиқишинг уларга оқ бўлдинг, ёки, ноҳақдан озор бердинг, деганимас. Аллоҳу таоло айтади:

وَإِنْ جُهِدَاكَ عَلَىٰ أَنْ تُشْرِكَ بِي مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ فَلَا تُطِعْهُمَا ۖ وَصَاحِبُهُمَا فِي الدُّنْيَا مَعْرُوفًا

Луқмон сураси 15 оят

Агар ота онанг, сен билмайдиган нарсани Аллоҳга ширк келтиришга мажбурласалар, у икковиға итоат қилма! Ва улар билан дунёда яхши муомила қилиб яшагин!

Бу оятда, кофир бўлган ота оналарга нисбатан айтиляпти. Мўъмин бўлган ота онага нисбатан қандай муносабатда бўлиш керак деб, ўйлайсан?!

أما حديث النبي صلى الله عليه وسلم الذي قال فيه للسائل عن والديه: «أحيي والدك؟ قال: نعم، قال: ففيهما فجاهد» - هذا الحديث كان في حال الجهاد الكفائي، أما ما نحن فيه اليوم في سورية الحبيبة فيجب على كل مواطن سوري أن يخرج، كل الناس: آباء وأبناء، أمهات وبنات، رجالا ونساء، أطفالا وشيوخا، حتى يزول الهم، ويكشف الكرب، ويرحل الظلم والجبروت. والله أعلم.

Ҳадисда ҳам, бир киши жиҳодга бормоқчи бўлиб, рухсат сўраб келганида, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, ота онанг тирикми? Деб сўрайдилар. У ҳа, деганда, Шу икковлари учун, жиҳод қил! Дейдилар. (Яъни, шу иккаласини хизматини қилиб, уларни розилигини ол, дедилар) Бу ҳадис фарзи кифоя бўлган жиҳодга тегишлидир. Аммо, бугунги кунда, севимлик Сурияда ҳар бир ватандошни, ҳамма одамларни устида хуруж (жанга чиқишлик) вожибдир. Оталар ва болалар, оналар ва қизлар, эркаклар ва аёллар, ёшлар ва қарияларга ҳам чиқмоқлик лозимдир. Ғамни кетказишлик ва зулми ва золимларни йўқотишлик учун! Валлоҳу аълам!

Хулоса: Бу фатводан биламизки, Суриядаги жанглар жиҳодмас, хуруждир. Хуруж деб, золим ҳукмдорга қарши ҳалқ кўзғолонига айтилади. Бу ҳам шаръан мумкин бўлган урушдир. Бу урш сурияликларга фарзи айн бўлган. Улар ўзларининг тепасидаги золимларга қарши оммавий курашишлари фарздир. Токи, уни йиқитиб, адолатни тиклашлик учун. Аммо, Сурияликлар милёнлар Европга қочдилар. Туркияга ва бошқа атрофдаги давлатларга қочдилар. Сурия ҳалқининг 75% сунний мусулмонлар ва 25 фоизи нусайрийлар ва христианлар ва бошқалардан ташкил топган. Шу 25 % шиа нусайрийлар 75% суннийлар устидан ҳукмрон бўлиб келди. Бу масаланинг диний жиҳати. Қолаверса, мамлакатда диктатура ҳукмрон эди. Башар Асадни отаси ҳам, диктатор эди.

Боласи ҳам қонхўр бўлди. Сурия уруши бошланганига 12 йил бўлди. Бу жуда узоқ муддатдир. Унга қаршилар Идлиб вилоятида қолди. Бошқа ҳудудларни Асад режими ўз назоратига олди. Асадга Россия ва Эрон ёрдамлашди. Ливандаги Хизбуллоҳ шиа гуруҳи ёрдамлашди. Уни қурол яроғ ва ҳарбий машиналар ва аскарлар билан қўллаб қувватлашди. Шунинг учунгина у ўз ўрнида узоқ қолиб кетди. Идлибдаги Асадга қарши курашаётган гуруҳлар ҳам, ўзаро парча парча бўлақларга бўлингандир. Улар орасида ҳам, яқдиллик йўқ. Дунёнинг бошқа давлатларидан келган мусулмонлар, ўзлари алоҳида гуруҳлар ташкил қилишган. Булар Сурияликлар ўз ҳукмдорига қарши урушини, жиҳод деб аташади. Ўша урушларда ўзлари ҳам иштирок этиб, бошқаларни ҳам таклиф қилишади. Жиҳод ҳақидаги оят ва ҳадисларни, айти шу бугун Сурияга хос деб, маърузалар қилишади.

Четдагиларни жалб қилишга уринишади. Улар орасидаги ўзбеклардан ташкил топган иккита гуруҳ бор. Бири Имоми Бухорий катибаси ва Тавҳид ва жиҳод катибасидир. Булар интернетда, турли каналларда ёшларни ўзларининг сафига келишга чақирадилар. Кўп ёшлар шуларнинг чақириғига кўра, ўшалар ёнига кетишди. Кўплари, ватанда ушланиб, қамалдилар. Саволга жавобим шуки, Сурияга боришлик сизга фарз эмас. Сурия хуружи Сурияликларга фарзи аиндир. Сизга улар ҳаққига дуо қилиш кифоя. Сиз ўз оилангизга масъулсиз. Ота онага, бола чақага масъулсиз. Уларни ҳалолдан боқишга ва динда тарбия қилишга маъмурсиз. Намоз ва рўза каби фарзлар бор зиммангизда. Илм олишлик ва бошқа кўплаб фарзлар борки, улар сизга ҳозир фарзи аиндир! Сурияга бориш фарзи айнмас. Шундай экан, ҳозир фарз бўлиб турганларни бажариб тулинг. Чунки, сиз қодир бўлган ишдан сўраласиз! Менинг билганим шулардир. Валлоҳу аълам!

Саҳвий

10. 12. 2022

24. Савол

Ассалому алайкум. Саволим шуки агар сафарга чиқсам, намозни қаср ўқимасам ҳам бўладими? Масалан, тўлиқ ўқишни хоҳласам бу мумкинмасми?

Валекум ассалом

القصر في السفر مشروع بالقرآن الكريم والسنة بالإجماع للآيات والأحاديث الواردة في هذا الباب، ففي القرآن الكريم: (وإذا ضربتم في الأرض فليس عليكم جناح أن تقصروا من الصلاة، إن خفتم أن يفتكم الذين كفروا..)، «الآية 101 من سورة النساء

وفي الحديث قال ابن عمر «صحب النبي صلى الله عليه وسلم، فكان لا يزيد في السفر على ركعتين، وأبو بكر وعمر وعثمان كذلك»، (متفق عليه).

وأجمع العلماء على أن المسافر سفرًا مشروعًا لا سفر معصية له أن يقصر ويجمع.

Доктор Ориф Шайх айтади:

Сафарда намозни қаср қилиш маршруъ бўлган ва бунга доир қатор оятлар ва ҳадислар бордир.

Қуръонда: Агар ерда сафар қилсангизлар, намозни қисқартиришлиқда сизларга хараж йўқдир. Агар кофирларнинг сизга қарши уруш қилишидан қўрқсангиз, дейилган.

Нисо сураси 101 оят

Абдуллоҳ ибн Умар айтади: Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари сафарда икки ракатдан ортиқ ўқимаганлар. Абу Бақр ҳам, Умар ҳам ва Усмон ҳам.

Муттафақун алайҳ.

Уламолар маршруъ бўлган сафарда намозни қаср қилиш жоиз, лекин, Аллоҳга осий бўладиган сафарга чиқса жоиз эмаслигига ижмоъ қилишган.

لكن اختلف الفقهاء بعد ذلك في حكم القصر للمسافر، هل هو واجب أم سنة أم رخصة؟

فالإمام أبو حنيفة، رحمه الله تعالى، قال بالوجوب، لأنه يرى أن القصر في السفر عزيمة لا رخصة، ومعنى العزيمة أنه واجب، لماذا؟ لأن الصلاة عندما شرعت كانت ركعتين ثم زيدت، ودليله عائشة رضي الله تعالى عنها: «فرضت الصلاة ركعتين ركعتين، فأقرت صلاة السفر، وزيد في صلاة الحضر». (أخرجه البخاري ومسلم).

لذا فإنه لو أتم المسافر صلاته في السفر، وجبت عليه سجدة السهو عند أبي حنيفة لأنه أخل بالواجب -

Лекин, уламолар бунинг ҳукми, вожибми, суннатми ёки, мубоҳми? Бунда ихтилоф қилишган.

Абу Ҳанифа намозни сафарда қаср ўқишлиқ вожиб деган. Чунки, бу азмдир, рухсат эмасдир. Чунки, намоз аслида ики ракатдан фарз қилинган ва кейин, зиёда қилинган. Оиша онамиз айтган ҳадис бунга далил бўлади. Намоз икки ракат икки ракатдан фарз қилинди. Сафарда шундайлигича қолди. Ҳозир бўлганда, (уйида бўлса) зиёда қилинди. (муттафақун алайҳ)

Абу Ҳанифа агар ким сафарда намозни қаср қилмасдан тўрт ракат ўқиса, унга саждаи саҳв вожиб бўлади, деган. Чунки, у вожиб амалга хилоф қилди.

أما الإمام مالك وهو إمام دار الهجرة، ويتخذ من عمل الصحابة مصدراً للتشريع فإنه يقول: «القصر سنة مؤكدة في حق المسافر، لأن الرسول فعل ذلك، ولم يصح عنه أنه أتم الصلاة في السفر» واستشهد بحديث ابن عمر الذي سبق ذكره.

Дорул Ҳижрат имоми (Мадина имоми) Молик саҳобалар қилган амални ҳужжат қилиб олган. У айтади: Намозни сафарда қаср қилишлик, суннати муаккададир. Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари сафарда шундай қилганлар. Намозни сафарда тўлиқ ўқишлик, дуруст бўлмайди. Қуйидаги ҳадисни далил қилган.

Абдуллоҳ ибн Умар айтади: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари сафарда икки ракатдан ортиқ ўқимаганлар. Абу Бакр ҳам, Умар ҳам ва Усмон ҳам.

Муттафақун алайҳ.

ويرى الشافعي وأحمد أن القصر للمسافر رخصة وهي تقابل العزيمة، وكونه رخصة يفيد أن المسافر مخير بين الفعل والترك، فله أن - يقصر وله أن يتم، كما أن الإفطار للصائم المسافر في رمضان رخصة.

ودليلهما قول الله تعالى: (فليس عليكم جناح أن تقصروا من الصلاة..)، «الآية السابقة». وكذلك حديث ابن عمر السابق

Имоми Шофий Намозни сафарда қаср қилишлик, мубоҳ деган. Рухсат деган. Мусофир истаса рухсатга муқайяд бўлади ва истамаса йўқ. Истаса қаср қилади ва истаса тўлиқ ўқийди. Худди, рамазонда сафарда, рўза очишликда ихтиёрлик бўлгани каби. У қуйидаги оят ва ҳадисни далил қилган.

Агар ерда сафар қилсангизлар, намозни қисқартиришликда сизларга хараж йўқдир. Агар кофирларнинг сизга қарши уруш қилишидан қўрқсангиз, дейилган.

Нисо сураси 101 оят

Абдуллоҳ ибн Умар айтади: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам саҳобалари сафарда икки ракатдан ортиқ ўқимаганлар. Абу Бакр ҳам, Умар ҳам ва Усмон ҳам.

Муттафақун алайҳ.

وحديث: «إن الله يحب أن تؤتى رخصه كما يحب أن تؤتى عزائمه
رواه أحمد والبيهقي والطبراني

Шунингдек, албатта Аллоҳ рухсатни ушлаганларни яхши кўради, худди, буйруқни ушлаганларни яхши кўргани каби, деган ҳадисни ҳужжат қилган.

ولو بحثنا عن سبب مشروعية القصر في السفر، لوجدنا أنه لرفع المشقة والحرج، فالله تعالى يقول: (وما جعل الله عليكم في الدين من - حرج)، (الآية 78 من سورة الحج)

Намозни қаср қилишликни сабаби ҳақида баҳс қилсак, бу аслида сафардаги хараж ва машаққатни кўтаришлик учундир. Аллоҳу таоло айтади: Аллоҳ сизларга динда хараж, машаққат қилмади.

Ҳаж сураси 78 оят

والقاعدة الفقهية تقول: المشقة تجلب التيسير

Динда машаққатли нарса, енгилликни тақозо қилади деган қойида бор.

«وتقول القاعدة الأخرى: «الأمر إذا ضاقت اتسعت

Яна бир қойида, Иш агар тор бўлса, кенгаяди, дейилади.

(Яъни, бир амални рисоладагидек бажариш имкони бўлмаганда, бор имконият билан қилиш мумкин бўлади. Бунга мисол қилиб, туғаётган аёл олдида, аёл табиб бўлмаса, эрака табибни ёрдамлашиши, ва музтар ҳолда қолган одам, бировни овқатини ейишлиги ва каттароқ одам топилмаганда, балоғатга етмаган гўдакни гувоҳлигини қабул қилиш, кабилар киради.)

والمراد بالسفر السفر الطويل الذي يبيح القصر والجمع والإفطار والمسح على الخف، ثم السفر المشروع، إذ لو كان السفر سفر معصية - لم يبيح له القصر، لأن الرخص في الطاعات وليس المعاصي

Сафардан мурод, узоқ сафар бўлиб, намозни қаср қилишни, рамазонда рўзани очишни ва носкига уч кун масҳ тортишни мувоҳ қилади. Яна шаръан рухсат бўлган сафар бўлиши керак. Агар бу сафар, мувоҳ бўлмаган, Аллоҳга осий бўладиган сафар бўлса, қаср ўқиш, мувоҳ бўлмайди. Рухсатлар Аллоҳга итоат қилинганда бўлади, Аллоҳга осийлик қилганда эмас.

من هنا فإن الحنفية قيدوا السفر المبيح للقصر، بما فيه مسيرة ثلاثة أيام بلياليها يسير الإبل أو مشي الأقدام، أي ما يساوي عشرين ساعة وربع الساعة كما يقول الدكتور وهبة الزحلي في كتابه «الفقه الإسلامي وأدلته

Шунинг учун Ҳанафийларда сафар деб, уч кечаю кундузлик масофага пиёда ёки, Туяда борадиган ерни айтилади. Яъни, 24 соатлик масофани эмас, дейди доктор Ваҳб аз Заҳлий л Фикҳул исломийя, китобида.

ويرى الأئمة الثلاثة غير أبي حنيفة أن السفر المبيح للقصر هو ما قدر بمسافة يومين أو مرحلتين يسير الإبل والأقدام، أو يقدر بأربعة - يرد أو 48 ميلاً هاشمياً، وتقدر بالكيلومترات 89 كم تقريباً

Абу Ҳанифадан бошқа, учта имом бир кеча кундузлик ерга, сафар қилган одамга, намозни қаср қилиш мувоҳ бўлади, деганлар. (Яъни, мумкин бўлади) Бу Ҳошимийлар милида 48 милдир. Ёки, тақрибан 89 километрдир.

Демак, сафарни кичик масофаси миқдори, 89 километрдир. Абу Ҳанифа мазҳабида эса, демак, шуни учга кўпайтирилади. (240 км) Валлоҳу аълам.

ولابن قدامة من الحنابلة رأي مخالف حيث إنه يرى أن تقييد المسافر بمسافة معينة مخالف للسنة، والأرجح عنده قول من أباح القصر للمسافر أي مسافر من غير تحديد مسافة

Ибн Қуддома мусофир учун маълум масофа қўйишликни суннатга зид ва унинг наздида мусофир учун намозни қаср ўқиши мумкин бўлади қанча масофага сафар қилишидан қатъий назар.

Хулоса: Агар сиз Абу Ҳанифа мазҳабида бўлсангиз, сафарда қаср ўқишлик вожиб бўлади. Агар сиз Шофий мазҳабида бўлсангиз, истасангиз қаср ўқинг в истасангиз тўлиқ ўқинг, бунда ихтиёрлисиз. Агар сиз Моликий мазҳабида бўлсангиз, қаср ўқишлик суннат ва уни тарк этишлик, тарки суннат бўлади. Ҳанбалий мазҳабига кўра, сафарда қаср ўқилади ва сафар масофаси қанчалигини шарт қилинмаган. Хуллас, шулардан қайси бири сизга тўғри келса, шунга амал қилаверасиз. Валлоҳу аълам.

Саҳвий

11. 01.2022

25. Савол

Пайғамбаримизнинг авлодлари ҳозир ҳам борми? Эшонлар ҳам, хўжалар ҳам, тўралар ҳам Пайғамбар авлодимиз дейишади. Уларга қандай муносабатда бўлишлик керак?

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байти кимлар эканлигига доир турли ихтилофлар бор. Баъзилар, Бани Ҳошим авлоди деганлар. Баъзилар, фақат Муҳаммад алайҳиссалом оиласи аёллари ва фарзандлари деганлар. Баъзилар, Фақат Али ибн Абу толиб, ва қизлари Фотима ва унинг икки ўғли Ҳасан ва Ҳусайн разияллоҳу анҳумларни аҳли Байт дейишган.

يقول ابن تيمية: «أُلْ بَيْتَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ " لَهُمْ مِنَ الْحُقُوقِ مَا يَجِبُ رِعَايَتُهَا فَإِنَّ اللَّهَ جَعَلَ لَهُمْ حَقًّا فِي الْخَمْسِ وَالْفِيءِ وَأَمَرَ بِالصَّلَاةِ عَلَيْهِمْ مَعَ الصَّلَاةِ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ لَنَا : ﴿ قُولُوا : اللَّهُمَّ صَلِّ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا صَلَّيْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ. وَبَارِكْ عَلَى مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِ مُحَمَّدٍ كَمَا بَارَكْتَ عَلَى آلِ إِبْرَاهِيمَ إِنَّكَ حَمِيدٌ مَجِيدٌ ۝ ﴾

Ибн Таймийя айтади: Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байти шундай кишиларки, уларнинг бизнинг устимизда риоя қилишимиз вожиб бўлган ҳаққи бордир. Аллоҳу таоло уларга саловот айтишга бизни буюрди беш вақт намозда, худди Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга саловот айтганимиз каби.

Аллоҳумма солли ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммад, кама соллайта ала оли Иброҳим. Иннака ҳамийдум мажид. Аллоҳумма Барик ала Муҳаммадин ва ала оли Муҳаммадин, кама барокта ала оли Иброҳим. Иннака ҳамидум мажид, деб айтинглари, деди, деганлар.

وَأَلْ مُحَمَّدٍ هُمْ الَّذِينَ حَرَمَتْ عَلَيْهِمُ الصَّدَقَةُ هَكَذَا قَالَ الشَّافِعِيُّ وَأَخْمَدُ بْنُ حَنْبَلٍ ؛ وَغَيْرُهُمَا مِنَ الْعُلَمَاءِ - رَحِمَهُمُ اللَّهُ فَإِنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ : إِنَّ الصَّدَقَةَ لَا تَحِلُّ لِمُحَمَّدٍ وَلَا لِأَلِ مُحَمَّدٍ

Муҳаммал алайҳиссалом оила аҳли садафа олиш ҳаром қилинган кишилардир деганлар, Имоми шофий ва Имоми Аҳмад ибн Ҳанбал ва бошқалар. Чунки, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Садақа олишлик Муҳаммадга, ва унинг оила аҳлига ҳалол эмас, деганлар.

Хуллас, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг авлодлари насаб жиҳатидан бўлган кишилар деб, қаралганда ҳам, У кишидан кейин Фотима қизлари қолган. У ҳам кўп ўтмай вафот этган. Унинг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайнлар қолган. Шиалар асосан шу иккаласининг авлодини Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг авлодлари дейишади. Суннийларда ҳам, бу эътиқод мавжуддир. Энди буларнинг насли шу кунгача етиб келган келмагани бу нарсаномалумдир.

آل العباس بن عبد المطلب.
آل عقیل بن أبی طالب
آل علي بن أبی طالب
آل جعفر بن أبی طالب
آل الحارث بن عبد المطلب
آل أبی لهب بن عبد المطلب

Оли Аббос ибн Абдул Мутталиб, Оли Ҳориса ибн Абдул Мутталиб, Оли Абу Лаҳаб ибн

Абдул Мутталиб, яъни, Муҳаммад алайҳиссаломнинг бобоси Абдул Мутталибнинг ўғиллари Абу Толиб, Аббос, Ҳориса, ва Абу Лаҳаб авлодлари, шу кунгача етиб келганлиги айтилади. Шунингдек, Абу Толибнинг авлодлари Уқайл, али ва Жаъфар авлодлари ҳам, бизни давримизгача келганлиги айтилади. Булар Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари ҳисобланадилар. Насабда у кишига қариндошлардир. Лекин, У кишининг ўзининг наслидан эмаслар. У кишининг наслидан қолганлар, Фотима орқалик, Ҳасан ва Ҳусайнлар авлодларидир. Ва уларнинг ҳам, сон саноқсиз тармоққа бўлинганлиги ва бугунгача аниқ далил исбот билан борлиги аниқмас. Валлоҳу аълам.

Аммо, ўзини шуларга алоқадор дейувчилар жуда кўп. Юқорида сиз айтган, хўжа, эшон ва ҳаказолар асосан, бизнинг диёримизда пайдо бўлган номлардир. Араб диёрида бунақа номлар йўқ. Ва лекин, ўзини Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг авлодлари санайдиганлар кўп. Биздаги тўра, хўжа ва эшонлар ҳам, ўзларини Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг авлодлари деб ҳисоблашади. Булар бари далил исботи йўқ бўлган иддаолар жумласидандир ҳалос.

Лекин, бу кишилар боболари орасида, дин уламолари ўтганлиги ва бу номлар шулардан қолганлиги шубҳасиздир. Лекин, бугунги кунга келиб, бу номлар ҳам қуруқ гапдан иборат бўлиб қолди ҳалос. Биз таниган аҳли байт Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари тирк пайтидаги оила аҳлларидир. Саловотлар шуларга айтилади. Саҳобаларга айтилади. Агар насабда шуларнинг авлодлари бугун мавжуд бўлсада, уларни бу саловоту дуоларга алоқаси йўқ! Валлоҳу аълам!

Чунки, аввало уларнинг насаб жиҳатидан айнан шуларга улангани аниқмас. Иккинчидан, агар шунақа бўлганда ҳам, уларга нисбатан бизнинг зиммамиздаги бурч, садақа бермаслик. Ва уларни Исломда мустаҳкам кишилар бўлсалар, ҳурматини сақлашликдир. Агар диндан узоқ бўлсалар, уларни қадри қиммати бир пулдир ҳалос. Зеро, ҳурмат бу динга амал қилишга асосланади. Бу масалада уммат ичида кўп ихтилофлар бўлган. «Аҳли Байт»га муносабат масаласида ислом уммати икки катта гуруҳга ажралган эди.

Бизнинг давримизгача етиб келган шиа ва сунний можароси бошланиши шундандир. Аҳли байт деганда, шиаларда, фақат Муҳаммад алаҳйиссаломни Фотима қизидан бўлган Ҳасан ва Ҳусайнлар ва уларнинг авлодлари тушунилади. Ихтилоф умматга пешволик ҳаққи аҳли Байтники деган фикрдан келиб чиққанди. Абу Бакр Сиддиқ ва Умар ибн Хаттоб ва Усмон ибн аффон Халифалигини тан олмаган тоифа, алавийлар деб аталди. Улар Али разияллоҳу анҳу ва унинг авлодларигина Хилофат эгаси деб, эътиқод қилишганди.

Шиалар то бугунги кунгача, имомларни (Ҳасан ва Ҳусайн авлодларини) муқаддаслаштириб келмоқдалар. Тариқат аҳли Пирларини муқаддаслаштириши ва шиалар имомларни муқаддаслаштиришлари, Тавҳидга, ислом асосига зид бўлган, ширк амаллар жумласидандир. Саҳобаларни муқаддаслаштиришлик ҳам шундай. Аммо, тарихимиз шунақа, муқаддаслаштиришликларга тўладир. Ислом уммати, минг минглаб авлиёлар ва муқаддас қадамжолар ихтиро қилиб, ўликларга ибодатлар қилиб, тавҳиддан узоқлашиб, ширкка ботиб кетди. Булар бари қуръонга ва саҳиҳ ҳадисларга зиддир.

Муҳаммад алайҳиссаломдан бошқа ҳаммаси оддий инсонлардир. Фақат у киши, пайғамбардирлар. Бошқа одамларни муқаддаслаштириш керакмас. Бошқалар иши, сўзи хато ва тўғри бўлиши мумкин бўлган, оддий одамлардир. Фақат Пайғамбарларгина маъсумдирлар. Аҳли байт ҳам маъсум эмас. Пирлар ҳам. Уламолар ҳам. Ҳаммаси хом сут эмаган бандадир.

Амаллари, сўзлари, тўғри бўлиши ҳам мумкин ва хато бўлиши ҳам мумкин. Бундан бошқача тушуниш диннинг аслига зиддир! Валлоҳу аълам!

Аллоҳнинг наздида Одам болалари фақат тақво билан мукаррам бўладилар халос. Демак, ким кимнинг авлоди эканлигини текшириш ва шу асаосда ҳурмат талаб қилиш керакмас. Тақвога интилишлик ва динда мустаҳкам бўлишлик керак халос! Шунинг ўзи дунё ва охирада саодатга эришишга кифоядир. Валлоҳу аълам!

Саҳвий

22.05.2021

26. Савол

Шайх хазратлари Нақшбандийя тариқати пири бўлган эканлар. Динда пирга қўл бериш ёки, мурид бўлишлик борми? Бизнинг қишлоқда кўпчилик одам самарқанддаги Пирга қўл беришган.

Исломда пир ҳам йўқ, мурид ҳам йўқ. Тасаввуф ҳам ва унинг сон саноксиз тариқатлари ҳам, йўқ! Булар турган битгани бидъат ва хурофотдан бошқа нарсасиз. Булар саҳобалар даврида йўқ эди. Кейин пайдо бўлган. Шайх МСМЮ ҳақиқатда Нақшбандийлик тариқати пири бўлган. Аммо, динда пир ва муридлик йўқ. Лекин, устоз ва шогирдлик бор. Диний илмларни ўргатувчи устозни, ҳурматини қилиш керак.

Аммо, бу бу пир ва мурид дегани эмас. Бу ҳурмат шариат кўрсатган доирада бўлади. Унинг илмини олиш ва амал қилиш лозим бўлади. Бундан бошқа нарсани, ундан кутиш керакмас. Муридлар пирини уларга дунёда ҳам, ёрдам беради ва қиёматда ҳам ёрдам беради деб, эътиқод қилишади.

Булар бари сафсата. Устоз дин илмини ёки дунёвий илмни ўргатувчи шахсдир. Шундан бошқа унинг ҳеч қандай руҳоний, ёрдами бўлмайди. Қиёматда у ўзини аҳволи нима бўлишини билмайди. Бу динда таслим бўлиб. Буткул итоат қилиш, фақат Расулulloҳгадир. На олимлар ва на мужтаҳидлар ва мазҳабчилар ва на мазҳаб асосчилари ва шайху имомларга, итоат қилинмайди.

Магар улар Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам сўзини айтиб, шуни қилишни тавсия қилсалар, шундагина итоат қилиш мумкин. Ислом дини мусулмон кишини бирорта Пирга қўл беришга чақирмайди. Ёки, мазҳабчилар айтгандек, бирорта мазҳабни ушлашга ҳам чақирмайди. Булар ҳаммаси кейин чиққан бидъатлардир.

Дин фақат Пайғамбар алайҳиссаломга итоат қилишга буюради. У кишидан бошқанинг итоати, маълум шартлар устига қурилгандир. Аллоҳга осий бўладиган ишга буюрса, ҳеч кимга итоат қилинмайди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзига зид сўз айтилса, ҳеч кимга итоат қилинмайди. Шогирд устозига нисбатан ҳурмат сақлашлик лозим.

Аммо, бу ҳурмат ҳақ устида бўлади. Мужтаҳид уламолар ҳам, Итоатни Пайғамбар алайҳиссаломга қилишга буюрганлар. Қуйида бу мавзуга алоқадор мужтаҳидлар сўзидан, қисқа иқтибослар келтираман.

Имоми Шофий сўзи:

«وقال الشافعي رحمه الله: (متى رويت عن رسول الله صلى الله عليه وسلم حديثاً فلم آخذ به فأشهدكم أن عقلي قد ذهب)

Имоми Шофий айтганлар: Қачонки, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан бир ҳадис ривоят қилсаму, уни ўзим ушламасам, гувоҳ бўлингларки, менинг ақлим кетиб қолган. (Соғ эмасман)

Яъни, ҳадисга хилоф сўз айтишим мумкинмас, демоқдалар.

Имоми Авзоий сўзи:

وأخرج البيهقي أيضا عن الأوزاعي رحمه الله أنه قال لبعض أصحابه: إذا بلغك عن رسول الله حديث فإياك أن تقول بغيره فإن رسول الله صلى الله عليه وسلم كان مبلغاً عن الله تعالى

Авзоий шогирларига айтар эканлар: Агар сизга, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан бир (саҳиҳ) ҳадис етиб келса, ундан бошқанинг сўзини (унга хилоф сўзни) гапиришдан сени қайтараман. Чунки, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Аллоҳдан хабар етказувчи, эдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар сўзи:

ولما نازع بعض الناس عبدالله بن عمر رضي الله عنهما في بعض السنة قال له عبدالله: (هل نحن مأمورون باتباع النبي ﷺ أم باتباع عمر؟)

Баъзи одамлар Абдуллоҳ ибн Умар билан суннат устида тортишиб қолишди. Улар, Умар бунақа қилмаган деб, ҳужжат келтиришди. Шунда, Умарнинг ўғли Абдуллоҳ, Биз Умарга эргашишга буюрилганмизми, ё Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламга, эргашишга буюрилганмизми?! деган эканлар.

Хулоса: Демак, бизнинг диёримизда, айнан сўфилар ва уларнинг ботил тариқатлари, кўплаб одамларнинг залолатига сабаб бўлмоқда. Бу нарса аслида бутун ислом оламида бўлаяпди ва Ўзбекистонда ҳам шундай бўлди. Шайх МСМЮ айна шу залолатнинг тепасида турди. Бундан ташқари бу тариқатлар, инсонларни сиёсий фаолликдан тўсадиган ва уларни ухлатадиган бир йўлдир. Ҳукмдорлар шунақа саводсиз авом халқни, истаган шаклда бошқарадилар. Сўфиларда, сиёсатга аралашиш йўқ.

Подшоҳни Амирул Муъминин деб, билишади. Уни танқид қилишликни куфр деб, тушунадилар. Булар туфайлидан, уммат фалаж аҳволга тушади. Булар туфайлидан, бидъат хурофотлар ва ибодатлардаги ширклар авж олган. Улар ботил ҳукматларга ҳам, итоатни вожиб дейдиган, залолатдаги гуруҳлардир.

Бизнинг жамиятимизни таназзулига сабаб бўлаётган ва узоқ тарихда ҳам таназзулга сабаб бўлган нарса шу тасаввуф бўлади. Булар умматни сиёсий ижтимоий иқтисодий муаамолар билан фаол шуғулланишликдан тўсади. Пайғамбар алайҳиссалом тарки дунёчи хурофот билан шуғулланувчи ва сакраб тушиб зикр қилувчи сўфилар тайёрлаб кетмадилар. У киши тавҳид асосида ибодат қилувчи намозхонлар ва Аллоҳдан бошқадан қўрқмайдиган мужоҳидлар ва ўз даврининг энг илғор сиёсатчиларини қолдириб кетдилар.

Бугун атайлаб исломни сиёсатдан узоқлаштирилди. Ўзбек уламои киромларининг сўфи бўлмаганлари ҳам, сиёсатга мутлақо аралашмайдилар. Буларда на сиёсий манҳаж ва на сиёсий кўз қараш йўқ. Уларда Халифат қуришга ҳам, сиёсий манҳаж мавжуд эмас. Мавжуд вазиятда сиёсий фаолият қилишга доир, манҳаж ҳам мавжуд эмас.

Баъзилари сиёсатга аралашса, демократияга аралашган бўлиб, мухлислар наздида, обрўси тушиб кетишидан хавфсирайдилар. Бугунги уммат аҳволини ислоҳ қилиш учун уларда шу амри маъруфдан бошқа нарса йўқ. Бу амри маъруфи ҳам, таҳорат ва ғулс мавзусидан нарига ўтмайди. Валлоҳу аълам!

Сўфиларни сиёсатдан ва жамиятдаги ижтимоий сиёсий фаолликдан ботил ақидалари тўсаетган бўлса, бошқа гуруҳлар йўлида ҳам, шундай сунъий тўсиқлар бор. Саройпараст муллалар эса, мавжуд ҳукумат кўрсатган талаб қилган шаклдагина сиёсий ижтимоий мавзуда фаолият қиладилар.

Сўфилар муридларини сиёсатга аралаштиришга ва сайловларда иштирок этишга ва имонли бир кимсага овоз беришга чақирсалар, муридлар сиёсий фаол бўлишса, Ўзбекистон сиёсатига катта таъсир кўрсата олишади. Бу суратда давом этсалар ҳукумат улар билан ҳисоблаштишга мажбур бўладиган даражага етишлари мумкин эди.

Аммо, улар бундай қилмайдилар. Улар одоб ахлоқ ва таҳорат ва ғулс ва талоқ ва никоҳ каби, ҳеч кимга зарари йўқ мавзуларда, доимий гапирилиб юрган гапларни, гапириб юраверадилар. Миллат таназзули зиёда бўлишда давом этади халос. Ислоҳ эса, умматни таназзулдан чиқариш учун келган диндир. Бизда бунинг акси бўлаяпти.

Булар таназзулга тортяпдилар. Диндан беҳабар ҳукмдорларга кенг майдонлар очиб беряпдилар. Бу эса, дин омонатига хиёнатдир. Шу ишларни тепасида сиз айтган шайх турган эди. Ҳозир унинг тарбиялаб кетган муридлари туршибди. Валлоҳу аълам!

Саҳвий

07.06.2021

27. Савол

Тақлидий имон мақбулми? Ҳизбийлар ақл билан имон келтиришлик шарт дейишади.

Мутакаллимлар пайдо бўлганидан кейин, бу масала ҳам юзага чиққан. Қадимдан бери, тақлидий имон, имонга ўтадимми йўқми? Масаласи, аҳли калом ва аҳли сунна уламолари орасида ихтилоф бўлиб келган. Жумҳур уламолар наздида тақлидий имон ҳам, имондир. Ақлан имон келтиришни Ҳизбут Таҳрир ҳам Имонга йўл китобида шарт қилган.

Имонга ақлан келишни тарафдорлари узоқ ва яқин тарихда ҳар доим бўлган. Муътазилийлар ва улардан олдинги аҳли каломлар имон келтиришда, ақлни шарт қилишган. Бугунги баъзи мутаашаддидлар ҳам, имон калимасини шартларини билмагунча, киши мўмин бўлмайди деб, жар солишади.

قال الإمام النووي رحمه الله في شرحه لقول النبي صلى الله عليه وسلم : أمرت أن أقاتل الناس حتى يشهدوا أن لا إله إلا الله... الحديث : "فيه دلالة ظاهرة لمذهب المحققين والجماهير من السلف والخلف أن الإنسان إذا اعتقد اعتقاداً جازماً لا تردد فيه كفاه ذلك وهو مؤمن من الموحدين ولا يجب عليه تعلم أدلة المتكلمين ومعرفة الله تعالى بها خلافاً لمن أوجب ذلك وجعله شرطاً في كونه من أهل القبلة وزعم أنه لا يكون له حكم المسلمين إلا به وهذا المذهب هو قول كثير من المعتزلة وبعض أصحابنا المتكلمين وهو خطأ ظاهر فإن المراد التصديق الجازم وقد حصل ولأن النبي صلى الله عليه وسلم اكتفى بالتصديق بما جاء به صلى الله عليه وسلم ولم يشترط المعرفة بالدليل فقد تظاهرت بهذا أحاديث في الصحيحين يحصل بمجموعها التواتر بأصلها والعلم القطعي

Имоми Нававий Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг: одамлар то, Ла илоҳа иллоллоҳ калимасига гувоҳлик бермагунча, уларга қарши урушга буюрилдим, деган ҳадисларини шарҳида айтадилар: «Бу ҳадис далолат қиладики, салаф ва халаф уламолари аксарияти агар инсон жазм билан шу калимани айтиб, шунга эътиқод қилса, ва шундан қайтмаса, шу уни мўмин ва муваҳҳид эканига кифоя қилади. Унга мутакаллимлар айтганидек, ақлий далилларни билишлиги ва Аллоҳни ақлий танишлиги, вожиб бўлмайди.

Улар кишининг имонга келиши ва қибла аҳлидан бўлиши учун, ақлий далилларни билишни вожиб қилишган. То шуларни билмагунча, уни мусулмон деб, бўлмайди, дейишган. Шу гап муътазилийларнинг ва баъзи муткаллимларнинг сўзидир. Ва бу хатодир. Чунки, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ўзлари олиб келган нарсани зоҳиран тасдиқ қилишликни ўзига кифояланганлар. Аллоҳни далил билан танишни шарт қилмаганлар. Бунга далил шу ҳадис ва бу ҳадис имоми Бухорий ва Муслим саҳиҳ тўпламида келган мутавотир ҳадисдир. Ва бу билан яқин илм ҳосил бўлади. «

والاستدلال الذي جعلوه أول الواجبات هو نظر واستدلال مبتدع فإن من المعلوم بالاضطرار " أن الرسول لم يدع الخلق بهذا النظر ولا بهذا الدليل لا عامة الخلق ولا خاصتهم فامتنع أن يكون هذا شرطاً في الإيمان والعلم وقد شهد القرآن والرسول لمن شهد له من الصحابة وغيرهم بالعلم وأنهم عالمون بصدق الرسول وبما جاء به وعالمون بالله وبأنه لا إله إلا الله ولم يكن الموجب لعلمهم هذا الدليل المعين

Ақлий далилни шарт қилишлик вожиб дейишлик, Бу заруратдан келиб чиққан бидъатдир. Чунки, Пайғамбар алайҳиссалом бундай фикрни ва ақлий далилни халқ оммасига ҳам, хосларига ҳам қолдирмаганлар. Демак, имон учун, буни шарт қилиш мумкинмас.

Бунга Қуръон ва пайғамбар алайҳиссалом, шаҳодат берган. саҳобалар ва бошқалар ким шуларга илм билан ҳақ деб, гувоҳлик берсалар, улар пайғамбар алайҳиссаломни ҳақлигини ва у келтирган нарсаларни тасдиқловчидирлар. Ва улар Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигини биладилар ва уларга бундан бошқа муайян далилни, билишлиги вожиб эмасдир.

Хулоса: демак, имон келтиришликда, ақлий далиллар шарт деган даъво тўғри эмасдир. Ашъарийлар ва Мотуридийлар ҳам, бу масалада, ақлий далилни шарт дейишган. Шунга қарамасдан, бугунги Ўзбекистон мотирудийлари, шу ерига мутлақо эътибор қаратмайдилар. Чунки, буни гапирсалар, жамиятдаги мусулмонларнинг аксари, ҳали имон келтирмаган дейишликка тўғри келади.

Демак, улар ўзларининг мотуридийлигига ҳам хиёнат қилишяпти. Ўтган аср мутакаллимларидан Муҳаммад Абдуҳ ва Рашид Ризо каби, муфаккирлар ақлий имон келтиришни шарт қилишган. Рашид Ризо қаламига мансуб, Муҳаммад Абдуга тегишли ҳисобланган Тафсирул Манорда қуръон оятларини шарҳида имон келтирувчилар учун, ақлан имон келтиришни шарт қилган. Лекин, узоқ ва яқин тарихдаги, мазҳаб уламолари ва аҳли ҳадислар имон келтиришда ақлни шарт қилишмаган. Модомики, бир жамиятда мусулмонлар яшасаю, улар ўзларини мусулмонман десалар, намоз ўқисалар, рўза тутсалар, шулар мусулмонлар жамоаси деб, қабул қилинади.

Улар орасидаги кўпчилик, гарчи имон калимасини айтсаларда, бу калиманинг мазмунига чуқур тушунавермайдилар. Бу калима тақозо қилган, маъноларни кенг мушоҳада этолмайдилар. Бу калима маъносига чуқур тушуниб, қабул қилишлик, албатта афзал. Лекин, буни чуқур тушунмасдан ҳам, шу калимани зоҳир маъносини тушуниб, қалби билан тасдиқласа, Шу киши имонлик мўминдир деб, қабул қилмоқлик керак.

Зеро, салафлар йўли шудир. Яъни, Аллоҳдан бошқа ибодатга лойиқ Зот йўқ ва Муҳаммад алайҳиссалом у Зотнинг пайғамбари деб, тили билан айтса ва қалби билан тасдиқласа, шу киши мўминдир. Яъни, мусулмондир. Ширк амалини эътиқодини қилувчилар, бундан мустаснодирлар. Валлоҳу аълам!

Саҳвий

1.01.2021

28. Савол

Саломга алик олмаган одамга, яна учраса, салом бермаслик мумкинми? Барибир олмаса, беришга на ҳожат?

Саломга алик олишлик вожибдир!

Мўминлар бир бирларига салом беришлари улар зиммасидаги ҳақлардан биридир. Саломга жавоб саломи беришлик эса, фарздир. Буни кўп одамлар билмайдилар.

وَإِذَا حَيَّيْتُمْ بِحَيَّةٍ فَحَيُّوا بِأَحْسَنَ مِنْهَا أَوْ رُدُّوهَا إِنَّ اللَّهَ كَانَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ حَسِيبًا

Нисо сураси 86 оят

Аллоҳу Таоло айтади: Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар. Албатта Аллоҳ ҳамма нарсани ҳисобга олгувчи бўлган зотдир.

Нисо сураси 86 оят

روى أبو هريرة في صحيح البخاري، أَنَّ النَّبِيَّ -صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ- قَالَ: (حَقُّ الْمُسْلِمِ عَلَى الْمُسْلِمِ خَمْسٌ. وَفِي رِوَايَةٍ: خَمْسٌ تَجِبُ لِلْمُسْلِمِ عَلَى أَخِيهِ: رَدُّ السَّلَامِ، وَتَشْمِيطُ الْعَاطِسِ، وَاجَابَةُ الدَّعْوَةِ، وَعِيَادَةُ الْمَرِيضِ، وَاتِّبَاعُ الْجَنَائِزِ)

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, мўминнинг мўминда бешта ҳаққи бор, дедилар.

1. Салом берса, алик олиш.
2. Акса уриб алҳамдулиллоҳ деса, ярҳамакуллоҳ дейиш
3. Чақирса, бориш,
4. Касал бўлса зиёрат қилиш,
5. Жанозасига эргашиш.

Салом бериш мумкин бўлмаган шахслар

Мўмин эмаслиги аниқ бўлган кимсаларга, салом лафзи билан, салом берилмайди. Уларга урфдаги бошқа гаплар ёки ишоралар билан кифояланилади. Худди, Аллоҳ рози бўлсин деган сўзни ҳаммага ҳам, ишлатиш мумкин бўлмаганидек, салом калимасини ҳам, ҳаммага ишлатилмайди. Булар мўминларга хос калималардир.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, имонсиз кимсага салом берсалар, ассалому ало ман иттабал худо, деб, салом берганлар. Ҳидоятга эргашганларга салом, деганлар.

سَلِّمْ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ، وَعَلَى مَنْ يَرِدُ وَمَنْ لَا يَرِدُ، إِذَا سَلَّمْتَ وَلَمْ يَرِدْ نَلَتْ الْأَجْرَ وَنَالَ هُوَ الْوَزْرَ، لَكِنْ لَا تَسَلِّمْ سَلَاماً خَفِياً؛ لِأَنَّ بَعْضَ النَّاسِ يَسَلِّمُ سَلَاماً خَفِياً لَا يَسْمَعُ، سَلِّمْ سَلَاماً يَسْمَعُهُ الْمُسَلَّمُ عَلَيْهِ، وَإِذَا قَدَّرَ أَنَّهُ لَا يَسْمَعُ أَشْرَ بَيْدِكَ مَعَ السَّلَامِ

يُظَنُّ بَعْضُ النَّاسِ الْجَهَالُ أَنَّ الرَّجُلَ إِذَا كَانَ مَعْرُوفاً بَعْدَ الرَّدِّ فَلَا تَسَلِّمْ عَلَيْهِ فَتَوَقَّعْ فِي الْإِثْمِ، وَهَذَا خَطَأٌ، الْحَدِيثُ: «أَلْقِ السَّلَامَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ» وَإِذَا لَمْ يَرِدْ بَاءَ بِالْإِثْمِ، أَنَا فَاعِلٌ سَبَبُ الْخَيْرِ لِي وَلَهُ، وَإِذَا تَرَكَ الْخَيْرَ فَعَلِيهِ

الشيخ ابن عثيمين من لقاءات الباب المفتوح

Аллома Усаймин, шу масалада жавоб бериб айтади: таниганга ҳам, танимаганга ҳам салом бер. Саломинга жавоб бермаганга ҳам, ва ёки, беришни истамаганга ҳам салом бер. Агар саломинга алик олмаса, ўзи гуноҳкор бўлади. Лекин, саломни секин бермагин. Кўп одамлар махфий салом беришади ва одамлар эшитмай қолади. Муслмонлар эшитадиган қилиб салом бер. Агар кар одам бўлса, қўлини ушлаб саломлашгин. Баъзи одамлар, у бу кишини саломга алик олмайди деб, таниб қолсалар, унга салом бермай қўядилар. Шу билан гуноҳкор бўлишади.

الحديث: «أَلْقِ السَّلَامَ عَلَى مَنْ عَرَفْتَ وَمَنْ لَمْ تَعْرِفْ

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, таниганга ҳам, танимаганга ҳам салом бер. Деганлар. (мўминларга)

Хулоса: Лекин, бугунги кунда, кўп одам саломга алик олиш вожиблигини ё тушунмайди. Ёки, саломга атайлаб, алик олмайди. Бундайларга ўзлари гуноҳкор бўладилар. Чунки, жавоб беришлик мўминлик ҳаққи эди. Бунда узр йўқ. Лекин, салом берувчи, барибир ажр олиб кетаверади.

Баъзан одамлар хаёл билан бўлиб, эшитмай қолиши мумкин. Уларга овоз чиқариб салом бериш лозим. Мабодо эшитиб, жавоб бермай кетса, бу бир марта бўлса, яхши гумонда бўлган афзал.

Энди, масалага бошқа тарафдан ёндашамиз. Бугун интернет тармоқларида, кўплаб одамлар билан муомилалар қилинади. Булар асосан ёзишма шаклда бўлади. Ёзма шаклда салом алик қилганда, имкон қадар қисқа шаклни қўлланган маъқул. Салом беришда, энг қисқа шакли, ассалому алейкум, дейишлиқдир. Ва роҳматуллоҳи ва баракотуху дейиш, ҳам жоиз. Аммо, оғзаки айтишда, булар осон бўлсада, жавоб ёзишда, анча мушкул ишдир. Салом бурвчининг саломига жавоб беришда, ундан яхшироқ ёки, шунчалик жавоб беришлик керак.

Бўлиб ҳам, ёши катталар телефондан узоқ нарса ёзиши қийин. Шуларни ҳисобга олиш, ва ёзма шаклдаги салом аликни қисқароқ қилиш ҳам, мақсадга мувофиқ бўлади. Кейин, шуни унутмангки, сизни ёзма саломга жавоб бермаган одам, бу ишни тасодифан қилган, бўлиши мумкин. Атайлабдан эмас. Ёки, эшитмаган ёки сиз ёзган нарсани ўқимаган бўлиши мумкин? Кўрган вақтида саломга жавоб беролмаган бўлса, кейин, унутган бўлиши мумкин?

Хуллас, узрли ҳолатларини ҳисобга олиш ва яхши гумонда бўлишлик ҳам керак. Аммо, атайлаб салом берганда жавоб олмаса, у киши гуноҳкор бўлиб кетади. Валлоҳу аълам. Агар бу иш доим такрорланса, унда у билан гаплашиб, буни сабабини суриштиринг. Балки, уни сиздан хафачилиги бордир? Ёки, нимадир бунга сабаб бўлгандир. Шундай қилинса, орадаги тушунмовчилик ҳам кетади. Адоватга йўл очилмайди. Валлоҳу аълам!

Саҳвий

27.11.2020

29. Савол

Ўликларга қуръон ўқиб савобини бағишлаш мумкинми?

Бу савол ҳам, салафларга эргашувчилар билан, кейингилар орасидаги зиддиятлик саволлардандир. Бу масалада бизнинг диёримизда, одат бўлган ўликларга атаб қуръон ўқиш, ва ёки, хатм қилиш каби ишлар, саҳобалар даврида бўлмаган. Бугунга келиб, шундан кўп тарқалган амални ўзи йўқ. Айниқса, бизнинг ўзбек миллатида, одамларнинг динга боғлаб турган ягона нуқта ҳам шудир. Бизда намоз ўқимайдиган ва рўза тутмайдиган ва диндан мутлақо беҳабар одамлар ҳам, у бу ким ўлса, қуръон ўқитишади. Бўлиб ҳам, қуръон ўқувчига пул бериб ўқитишади. Шуни қилувчи одамни, мулла дейишади. Бу Муллани тирикчилиги, фақат шундан иборат бўлади. Доим у бу кимни ўлигига, қуръон ўқиб, пул олиб юради. Булар бари бидъатлар ва динда йўқ амаллардир.

Энди, бир инсон ўзи намозхон ва ўзи қуръон ўқишни билади. Шу киши қуръон ўқиса, ва савобини ўзининг дунёдан ўтган, ота онасига ҳадя қилса, шу мумкинми йўқми? Айни шу саволга уламолар фатвосини эътиборингизга ҳавола қиламан.

هل تجوز قراءة القرآن عند الميت وله، بأن أقرأ القرآن وأهدي إليه ثوابه وهل تجوز قراءة الفاتحة على روحه؟ وما هو الدليل؟ وجزاكم الله خيراً.

Савол: Ўликка атаб қуръон ўқиш жоизми? Қуръон ўқиганда савобини ҳадя қилиш жоизми? Фотиҳа сурасини ўлиқлар руҳига ўқиш жоизми? Қандай дилиллар бор? Аллоҳ ажрингизни берсин!

الإجابة

:الحمد لله والصلاة والسلام على رسول الله وعلى آله وصحبه أما بعد

فإذا كان قصد السائل أن يقرأ ويهب ثوابه للمتوفى ، فإن ذلك يصل إلى المتوفى - إن شاء الله - لعموم الأدلة الواردة في وصول ثواب الأعمال إلى الميت ، فقد سأل رجل النبي صلى الله عليه وسلم فقال: يا رسول الله ! إن أمي ماتت ، فينفعها إن تصدقت عنها ؟ قال: "نعم" رواه أبو داود

Сўровчининг мақсади, қуръон ўқиб, савобини вафот этганларга бағишлаш бўлса, бунинг савоби вафот этганларга иншааллоҳ боради. Ўлиқларга савоб бориши айtilган амалларнинг умумий суратда лалолат қилишича, савоб боради. Бир киши Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан, онам вафот этдилар. Унинг номидан садақа қилсам, савоби борадими? Деб сўради. Ҳа, дедилар. Абу Довуд ривояти.

وقال للذي سألته: إن أمي ماتت وعليها صوم شهر أفأصوم عنها؟ قال: "نعم". فهذه الأعمال أوصل الله نفعها للميت مع كون الصيام عبادة بدنية فكذلك ما سواه، ووجه ذلك أن من عمل عملاً ملك ثوابه ومن ملك شيئاً فله أن يهبه ما لم يقم بالموهوب له مانع من الانتفاع بالثواب، ولا يمنع منه إلا الكفر، والموت ليس بمانع بدليل وصول الدعاء

Бир киши Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан, онам вафот этдилар. Унинг рўзаси қолган эди. Унинг номидан рўза тутсам, савоби борадими? Деб сўради. Ҳа, дедилар.

(Яъни, унинг қазо бўлган рамазон рўзасини тутишни савоби боради дедилар)

وأما حديث: (إذا مات ابن آدم انقطع عمله إلا من ثلاث.....الخ) فالمنقطع عنه إنما هو ثواب عمله هو، وليس عمل غيره. وإن كان قصد السائل استئجار قارئ يقرأ عند المتوفى أو في مكان اجتماع المعزين ، فإن هذا من محدثات البدع، ويخشى على صاحبه ألا يصل إلى ميتة شيء منه، بل يخشى عليه هو أن يكون آثماً، لأنه أحدث في دين الله ما ليس منه ، والنبي صلى الله عليه وسلم يقول: "من أحدث في أمرنا هذا ما ليس منه فهو رد" ، رواه مسلم من حديث عائشة رضي الله عنها . هذا والله أعلم

Бошқа бир ҳадисда, инсон ўлса, амали тўхтайдиган магар учта ҳолатда тўхтамайди, дейилган. Бунда, вафот этгач, инсонга учта суратда, савоб бориб туриши айtilган. (Юриб турувчи садақа, манфаатлик илм ва солиҳ фарзанд дуо қилса дейилган) Агар бир қуръон ўқувчини ёллаб, уни вафот этган одамга атаб қуръон ўқиттириб қўйса, ёки маълум бир маконга олиб бориб, ёки, мажлисда ўтқазиб, қуръон ўқитса, бундан майитга савобмас, гуноҳ етиб қолиши мумкин. Бундан эҳтиёт бўлсинлар. Чунки, улар Аллоҳнинг динида бўлмаган нарсани пайдо қилишди. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам Ким бизнинг бу Дин ишимизда, унда бўлмаган нарсани пайдо қилса, у рад қилинади, дедилар.

Имоми Муслим ривояти.

Хулоса: Демак, юқоридаги фатвода айtilдики, бир намозхон фарзанд ўзи қуръон ўқиб, шуни савобини ота онасига ҳадя қилса, уни савобини боришини умид қилинади. Буни юқоридаги ҳадисдан қиёс қилинган. Аслида, буни саҳобалар қилмаганлар. Буни қилишга Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам кўрсатма бермаганлар. Лекин, уламолар буни қиёсдан чиқариб, олиб, қилса жоиз деганлар.

Улар ҳадисдаги фарзанди онаси учун рўза тутса, ва уни савоби онасига борса, демак, қуръон ўқишлик ҳам ибодатдир. Бундан ҳосил бўлган савобни, ота онасига юборса, худди рўзани тутганни савоби борганидек, тиловат савоби ҳам боради деб, қиёслашганлар. Шунинг учун, қуръон ўқиш ва ўтганларга бағишлаш шойеъ бўлган.

Аммо, шунга қарамасдан, Имоми Шофеъ ва бошқа кўплаб салафлар, буни савоби бормаиди дейишган.

وَأَنْ لَّيْسَ لِلْإِنْسَانِ إِلَّا مَا سَعَى
Нажм сураси 39 оят

Инсон учун, ўзининг қилган амалидан бошқа нарса йўқдир! Деган оятни далил қилишган.

Шунинг учун, имон билан ўтган ота она ҳаққига, солиҳ фарзандни мағфират сўраб дуо қилишлик савоби боради деб, эътиқод қиламиз. Шу дуони қилишдан олдин қуръон ўқиб, кейин қилиш ҳам, мумкин. Валлоҳу аълам! Аммо, юқорида айтилган муллани олиб келиб, унга пул бериб, қуръон ўқитишлик, ёки, бидъат маросимлар қилиб, уларда қуръон ўқитишлик ва ёки, қабристонда қуръон ўқитишлик булар бари бидъат амаллардандир. Бу амалларда савоб йўқ! Валлоҳу аълам!

Саҳвий

20. 07. 2020

30. Савол

(Учта саволга жавоб)

Ўлим фариштаси ҳақида, маълумотлар беринг. Жон беришлик ва ўлгандан кейинги ҳаёт қандай бўлади? Биттаси қиёматда ўлим Фариштаси қўй суратида келади ва уни ҳамма танийди ва кейин уни сўйилади деди. Шу тўғрими?

جابت دار الافتاء المصرية عن سؤال ورد إليها كيف يقبض ملك الموت الكثير من البشر في وقت واحد رغم اختلاف أماكنهم؟ قائلة: الموت في اللغة: ضد الحياة، يقال: مات يموت فهو ميت وميت ضد حي، والموت في الاصطلاح: مفارقة الروح للجسد.

Малакул Мавт битта бўлса, у қандай қилиб, бир вақтда, ер юзида турли ерларда яшаёдиган одамларнинг жонини олади? Деган саволга,

Мисрдаги Дорул Фатво ҳайъати жавоб беради: Ўлимнинг луғавий маъноси, ҳаётнинг зиддидир. Ўлимнинг, истилоҳдаги маъноси, руҳни жасаддан чиқмоғидир.

وأضافت والمتوفى على الحقيقة هو الله - سبحانه وتعالى - قال الله تعالى: ﴿قُلْ يَا أَيُّهَا النَّاسُ أَنْ كُنْتُمْ فِي شَكٍّ مِنْ دِينِي فَلَا أَعْبُدُ الَّذِينَ تَعْبُدُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَلَكِنْ أَعْبُدُ اللَّهَ الَّذِي يَتَوَفَّاكُمْ﴾، ويقول تعالى: ﴿وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ ثُمَّ يَتَوَفَّاكُمْ﴾، فأُسند التوفى إليه سبحانه، ثم خلق الله ملك الموت وجعله الملك الموكل بقبض الأرواح، يقول الله تعالى: ﴿قُلْ يَتَوَفَّاكُمْ مَلَكُ الْمَوْتِ الَّذِي وُكِّلَ بِكُمْ ثُمَّ إِلَىٰ رَبِّكُمْ تُرْجَعُونَ﴾

Ўлим топтириш аслида, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолога тегишлидир.

Сиз айтинг: «Эй одамлар, агар менинг динимда шак-шубҳангиз бўлса, бас, мен сизлар ибодат қилаётган Аллоҳдан ўзга нарсаларга ибодат қилмайман. Лекин сизларни вафот эттирадиган Аллоҳга ибодат қиламан ва мўминлардан бўлишга амр қилинганман»

Юнус сураси 104 оят.

Шунингдек, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўлим фариштасини яратди. Ва уни руҳларни олишга вакил қилиб қўйди.

Сиз айтинг: Сизларни сизга вакил қилинган Ўлим фариштаси вафот топтиради. Кейин, роббингиз ҳузурига қайтасиз.

Сажда сураси 11 оят

وخلق الله أعوانا لملك الموت يقول تعالى: ﴿حتى إذا جاء أحدكم الموت توفته رسلنا وهم لا يفرطون﴾، ويقول تعالى: ﴿فكيف إذا توفتهم الملائكة بضربون وجوههم وأدبارهم﴾، ويقول تعالى: ﴿ولو ترى إذ الظالمون في غمرات الموت والملائكة باسطو أيديهم أخرجوا أنفسهم﴾

Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло Ўлим фариштасига ёрдамчиларни яратди.

إِذَا جَاءَ أَحَدَكُمْ الْمَوْتُ تَوَفَّتْهُ رُسُلُنَا وَهُمْ لَا يُفِرُّونَ
Анъом сураси 161 оят

Сизлардан биттангизга ўлим келса, элчиларимиз уни вафот қилдирадилар. Улар ҳеч сустлашмайдилар.

فَكَيْفَ إِذَا تَوَفَّتْهُ الْمَلَائِكَةُ يُضْرَبُونَ وَجُوهُهُمْ وَأُذْبُرُهُمْ
Муҳаммад сураси 27 оят

Қачонки, қандай бўлар экан, малоикалар уларни вафот топтирсалар, юзларига ва кетларига урарлар?

Демак, бу оятлардан маълум бўладики, ўлим фаришталари жуда кўп бўлиб, малакул мавт уларнинг каттасидир.

Қабрдаги ҳолатлар қуйидаги катта ҳадисда, зикр қилинган:

خرجنا مع رسول الله صلى الله عليه وسلم في جنازة رجل من الأنصار ، فانتهينا إلى القبر ولمّا يلحد . فجلس رسول الله صلى الله عليه وسلم وجلسنا حوله كأنّ على رؤوسنا الطير ، وفي يده عودٌ ينكتُ به في الأرض ، ورفع رأسه فقال : استعينوا بالله من عذاب القبر مرتين أو ثلاثاً

ثُمَّ قَالَ : إِنَّ الْعَبْدَ الْمُؤْمِنَ إِذَا كَانَ فِي انْقِطَاعِ مِنَ الدُّنْيَا ، وَإِقْبَالِ إِلَى الْآخِرَةِ ، نَزَلَ إِلَيْهِ مَلَائِكَةٌ مِنَ السَّمَاءِ بِيضُ الْوُجُوهِ ، كَأَنَّ وَجُوهَهُمُ الشَّمْسُ ، مَعَهُمْ كَفَنٌ مِنْ أَكْفَانِ الْجَنَّةِ ، وَحَنُوطٌ مِنْ حَنُوطِ الْجَنَّةِ ، حَتَّى يَجْلِسُوا مِنْهُ مَدَّ الْبَصَرِ . ثُمَّ يَجِيءُ مَلَكُ الْمَوْتِ ، حَتَّى يَجْلِسَ عِنْدَ رَأْسِهِ ، فيقول : أَيَّتُهَا النَّفْسُ الْمُطْمَئِنَّةُ ، أَخْرِجِي إِلَى مَغْفَرَةٍ مِنْ اللَّهِ وَرِضْوَانٍ . قَالَ : فَتَخْرُجُ تَسِيلٌ كَمَا تَسِيلُ الْقَطْرَةُ مِنْ فِي السَّقَاءِ ، فَيَأْخُذُهَا ، فَإِذَا أَخَذَهَا لَمْ يَدْعُوهَا فِي يَدِهِ طَرْفَةَ عَيْنٍ ، حَتَّى يَأْخُذَهَا فَيَجْعَلُوهَا فِي ذَلِكَ الْكَفَنِ ، وَفِي ذَلِكَ الْحَنُوطِ . وَيَخْرُجُ مِنْهَا كَاطِيبٌ نَفْحَةٌ مِنْ مَسْكٍ وَجِدَتْ عَلَى وَجْهِ الْأَرْضِ . فَيَصْعَدُونَ بِهَا فَلَا يَمُرُّونَ — يَعْنِي — بِهَا عَلَى مَلَأٍ مِنَ الْمَلَائِكَةِ إِلَّا قَالُوا : مَا هَذَا الرُّوحُ الطَّيِّبَةُ ؟ فيقولون : فَلَانُ بْنُ فُلَانٍ ، بِأَحْسَنِ أَسْمَانِهِ الَّتِي كَانُوا يُسَمُّونَهُ بِهَا فِي الدُّنْيَا ، حَتَّى يَنْتَهَوْا بِهِ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا ، فَيَسْتَفْتَحُونَ لَهُ ، فَيُفْتَحُ لَهُ ، فَيُشَبِّعُهُ مِنْ كُلِّ سَمَاءٍ مَقْرَبُوهَا إِلَى السَّمَاءِ الَّتِي تَلِيهَا ، حَتَّى يَنْتَهِيَ بِهِ إِلَى السَّمَاءِ السَّابِعَةِ فيقول الله ، عَزَّ وَجَلَّ : اكْتُبُوا كِتَابَ عَبْدِي فِي عِلِّيِّينَ ، وَأَعِيدُوهُ إِلَى الْأَرْضِ ، فَإِنِّي مِنْهَا خَلَقْتُهُمْ ، وَفِيهَا أَعِيدُهُمْ ، وَمِنْهَا أَخْرَجْتُهُمْ تَارَةً أُخْرَى . قَالَ : فَتُعَادُ رُوحُهُ فَيَأْتِيهِ مَلَكَانِ فَيَجْلِسَانِهِ فيقولان له : مَنْ رَبُّكَ ؟ فيقول : رَبِّي اللَّهُ . فيقولان له مَا دِينُكَ ؟ فيقول : دِينِي الْإِسْلَامُ . فيقولان له : مَا هَذَا الرَّجُلُ الَّذِي بُعِثَ فِيكُمْ ؟ فيقول : هُوَ رَسُولُ اللَّهِ . فيقولان له : وَمَا عِلْمُكَ ؟ فيقول : قَرَأْتُ كِتَابَ اللَّهِ فَأَمَنْتُ بِهِ وَصَدَّقْتُ . فَيُنَادِي مُنَادٍ مِنَ السَّمَاءِ : أَنْ صَدَقَ عَبْدِي ، فَأَفْرِشُوهُ مِنَ الْجَنَّةِ ، وَالْبِسُوهُ مِنَ الْجَنَّةِ ، وَافْتَحُوا لَهُ بَابًا إِلَى الْجَنَّةِ . فَيَأْتِيهِ مِنْ رُوحِهَا وَطِيبُهَا ، وَيُفْسَخُ لَهُ فِي قَبْرِهِ مَدَّ بَصَرِهِ . قَالَ : وَيَأْتِيهِ رَجُلٌ حَسَنُ الْوَجْهِ ، حَسَنُ الثِّيَابِ ، طَيِّبُ الرِّيحِ ، فيقول : أَبَشِّرْ بِالَّذِي يَسُرُّكَ ، هَذَا يَوْمُكَ الَّذِي كُنْتَ تُوعَدُ . فيقول له : مَنْ أَنْتَ ؟ فُوجْهُكَ الْوَجْهُ يَجِيءُ بِالْخَيْرِ . فيقول : أَنَا عَمَلُكَ الصَّالِحِ . فيقول : رَبِّ أَقِمِ السَّاعَةَ ، رَبِّ أَقِمِ السَّاعَةَ ، حَتَّى أَرْجِعَ إِلَى أَهْلِي وَمَالِي قَالَ : وَإِنَّ الْعَبْدَ الْكَافِرَ ، إِذَا كَانَ فِي انْقِطَاعٍ مِنَ الدُّنْيَا وَإِقْبَالٍ مِنَ الْآخِرَةِ ، نَزَلَ إِلَيْهِ مِنَ السَّمَاءِ مَلَائِكَةٌ سُودُ الْوُجُوهِ مَعَهُمُ الْمُسُوحُ ، فَيَجْلِسُونَ مِنْهُ مَدَّ الْبَصَرِ ، ثُمَّ يَجِيءُ مَلَكُ الْمَوْتِ حَتَّى يَجْلِسَ عِنْدَ رَأْسِهِ ، فيقول : أَيَّتُهَا النَّفْسُ الْخَبِيثَةُ ، أَخْرِجِي إِلَى سَخَطٍ مِنَ اللَّهِ وَغَضَبٍ . قَالَ : فَتَفَرَّقُ فِي جَسَدِهِ ، فَيَنْتَزِعُهَا كَمَا يَنْتَزِعُ السَّفُودُ مِنَ الصُّوفِ الْمَبْلُولِ ، فَيَأْخُذُهَا ، فَإِذَا أَخَذَهَا لَمْ يَدْعُوهَا فِي يَدِهِ طَرْفَةَ عَيْنٍ حَتَّى يَجْعَلُوهَا فِي تِلْكَ الْمُسُوحِ ،

ويخرج منها كائنين ريح جيفة وُجِدَتْ على وجه الأرض . فيصعدون بها , فلا يمرون بها على ملأ من الملائكة إلا قالوا : ما هذا الروح الخبيثة ؟ فيقولون : فلان بن فلان , باقبح أسمائه التي كان يسمي بها في الدنيا , حتى ينتهي به إلى السماء الدنيا , فيستفتح , فلا يفتح له . ثم قرأ رسول الله صلى الله عليه وسلم : { لَا تَفْتَحْ لَهُمْ أَبْوَابَ السَّمَاءِ وَلَا يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ حَتَّى يَلِجَ الْجَمَلُ فِي سَمِّ الْخِيَاطِ } , فيقول الله عز وجل : اكتبوا كتابه في سبعين في الأرض السفلى . فتطرح روحه طرحاً . ثم قرأ : { وَمَنْ يَشْرِكْ بِاللَّهِ فَكَأَنَّمَا خَرَّ مِنَ السَّمَاءِ فَتَخْطَفُهُ الطَّيْرُ أَوْ تَهْوِي بِهِ الرِّيحُ فِي مَكَانٍ سَحِيقٍ } الحج : 31 . فتعاذ روحه في جسده . ويأتيه ملكان فيجلسانه فيقولان له : من ربك ؟ فيقول : هاه هاه ! لا أدري ! هاه هاه ! لا أدري ! فيقولان : ما دينك ؟ فيقول : هاه هاه ! لا أدري ! فيقولان : ما هذا الرجل الذي بعث فيكم ؟ فيقول : هاه هاه ! لا أدري . فينادي مناد من السماء : أن كذب , فأفرشوه من النار , وافتحوا له باباً إلى النار . فيأتيه من حرها وسمومها , ويضيق عليه قبره حتى تختلف فيه أضلأعه , ويأتيه رجل قبيح الوجه , قبيح الثياب , منتن الريح , فيقول : أبشِرْ بِالَّذِي يَسُوؤُكَ , هذا يومك الذي كنت تُوعِدُ فيقول : من أنت ؟ فوجهك الوجه يجيء بالشر . فيقول : أنا عملك الخبيث . فيقول : رب لا تقيم الساعة . وروى أحمد أيضاً عن البراء بن عازب : قال : خرجنا مع رسول الله صلى الله عليه وسلم إلى جنازة , فذكر نحوه

الراوي : البراء بن عازب,

Баро ибн Озиб розиаллоҳу анҳу деди: «Биз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ансорлардан бирининг жанозасига чиқдик ва қабрига қадар бордик. Қабр ҳануз қазиб бўлинмаган экан. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қиблага қараб ўтирдилар, биз ҳам У зотнинг атрофига ўтирдик. Биз гўё бошимизга қуш қўнгандек, қимирламай ўтирдик.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларидаги новда билан ерни чизар эканлар, кўзларини бир осмон, бир ерга қарата бошладилар. Уч марта шундай қилдилар ва икки ёки уч марта: «Аллоҳдан қабр азобидан паноҳ сўранглар!», дедилар. Сўнгра: “Эй Парвардигор мен сендан қабр азобидан паноҳ сўрайман” деб айтдилар. Кейин дедилар: «Мўъмин банда дунёдан узилиш ва охираат бўсағасида турганида, унинг олдида осмондан юзлари оппоқ, куёшдек нурли фаришталар тушадилар.

Улар билан бирга жаннат кафанлари ва ҳушбўйлари бўлади. Улар банданинг нигоҳи тушар ерга келиб ўтирадилар. Кейин Малакул мавт (ўлим фариштаси алайҳиссалом) келади ва унинг бош тарафига ўтириб: “Эй, ширин жон – бошқа бир ривоятда: эй, хотиржам жон - Аллоҳнинг мағфирати ва розилиги томон чиқ!”, дейди».

Жон сувдон оғзидан қатра оқиб тушганидек оқиб чиқади ва фаришта у жонни ушлайди; (Бошқа бир ривоятда: «У жонга чиққан пайтида Ер ва Осмон ўртасидаги ҳамда Осмондаги барча фаришта истиффор айтади. Осмон дарвозалари очилади. (Осмон дарвозаларидаги) дарвозабонлар у банданинг руҳи улар тарафидан (юқорига) кўтарилишини сўраб, Аллоҳ таолога дуо қиладилар.) Ўлим фариштаси жонни олганидан сўнг, фаришталар жонни бирон лаҳза ҳам унинг қўлида қолдирмайдилар ва уни олиб (ҳалиги) кафан ва ҳушбўйга соладилар.

Бу - Аллоҳ таолонинг: «Бизнинг элчиларимиз ҳеч сустлик қилмайдилар» оятининг (маъносидир). Ундан Ер юзидаги энг ширин ҳушбўйдан кўра ҳушбўйроқ ҳид таралади». Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Фаришталар бу ширин руҳни олиб кўтарилар эканлар, қайси бир фаришталар жамоасининг олдидан ўтмасинлар улар: «Бу ширин руҳ кимники?» - деб сўрайдилар. Улар дунёда қақирилган энг гўзал исми билан: «У – фалончининг ўғли фалончи!»- деб жавоб берадилар.

Шу аснода уни қуйи осмонга олиб бориб, дарвозаларни очишни сўрашади ва дарвоза очилади. Ҳар бир осмондан шу самонинг муқарраб фаришталари унга ҳамроҳ бўлиб, келгуси самогача олиб чиқишади ва охири еттинчи осмонга етиб борилади. Аллоҳ таоло: «Бандамнинг номасини Иллийюнга ёзинглар!» - деб амр қилади: «Иллийюн нима эканини биласизми?! У – (Аллоҳга) яқин фаришталар гувоҳ бўлган Китобдир!». Унинг номаси Иллийюнга ёзилади ва айтилади: «Уни Ерга қайтаринглар! Мен уларга ваъда қилганман: Мен уларни ундан (Ердан) яратдим, унга (Ерга) қайтараман ва ундан бошқа бир марта қайта чиқараман (тирилтираман)».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «У (жонни) Ерга қайтарилади ва жасадига киради». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «ўлик (дафндан сўнг) қайтаётган биродарларининг оёқ товушларини эшитади. Унинг олдида шиддатли икки фаришта келиб, уни бир силтаб ўтқазадилар ва ундан сўрайдилар:

Роббинг ким?

У жавоб беради:

Роббим – Аллоҳдир.

Дининг нима?

Диним – Исломдир.

Сизларга юборилган бу одам ким?

У Аллоҳнинг элчисидир, соллаллоҳу алайҳи ва саллам.

Нима ишлар қилдинг?

Аллоҳнинг Китобини ўқидим, унга иймон келтирдим ва тасдиқладим!

Фаришталар уни бир силтайдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Роббинг ким? Дининг нима? Пайғамбаринг ким? Булар мўъминга рўпара бўладиган охириги фитна, имтиҳондир! Бу – Аллоҳ таоло «Аллоҳ мўъминларни барқарор сўз билан дунё ҳаётида собитқадам қилади» деб айтган сўздир. Банда: «Роббим – Аллоҳ, диним – Ислом ва пайғамбарим – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир» деб айтади. Сўнгра, осмондан бир дарғачи: «Бандам тўғри айтди. Унга жаннат жойларидан тўшанглар, жаннат кийимларидан кийдириглар ва жаннат томон бир эшик очинглар!»- деб нидо қилади»

«Унга жаннат роҳатлари ва ҳушбўйларидан олиб келинади. Унинг қабри кўзи етган ерга қадар кенгайтирилади». «Унга ҳушрўй, чиройли кийим кийган ва ширин бўй (ҳид)ли бир одам келади». Бошқа бир ривоятда: «намоён бўлади».

У одам: «Сени қувонтирадиган нарса билан ҳурсанд бўл, Аллоҳнинг розилиги ва унда давомий неъматлар бўлган жаннатлар билан ҳурсанд бўл! Бу – сенга ваъда қилинган кундир!»- дейди. У (ўлик): «Сенга ҳам Аллоҳ хайрларни насиб этсин, (сен) кимсан? Юзларинг яхшилиқдан дарак бермоқда?!»- деб савол беради.

У одам: «Мен – сенинг солиҳ амалингман! Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, сенинг Аллоҳга итоат қилишга шошилган, Унга осий бўлишда сушт эканингни яхши биламан. Аллоҳ сенга яхши мукофотларни берсин!»- дейди. Сўнгра, унга (маййитга) жаннат ва жаҳаннамдан биттадан эшик очилади. Унга: «Агар Аллоҳга осий бўлганингда, бу сенинг маконинг бўлар эди. Бироқ, Аллоҳ таоло уни бунга алиштирди», дейилади. Банда жаннатдаги нарсаларни кўргани замон: «Роббим, оилам ва молу мулкимга қайтишим учун, Қиёматнинг қоим бўлишини тезлаштир!»- дейди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кофир банда – бир ривоятда: фожир банда - дунёдан узилиш ва охират бўсағасида тургани замон, осмондан шафқатсиз ва ғазабнок, юзлари қора фаришталар тушадилар. Улар билан бирга жаҳаннамдан бир дағал кафанлик бўлади. Улар банданинг нигоҳи тушадиган ерга ўтирадилар. Кейин ўлим фариштаси яқинлашиб, банданинг бош тарафига ўтиради ва: «Эй, ифлос жон, Роббингдан бўлган ғазаб учун чиқ!»- дейди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Рух жасадга ёйилади. Фаришта уни бутуқлари кўп савачўп нам жундан суғуриб олинганидек, тортиб олади Рух билан бирга қон ва асаб томирлари қирқилиб кетади. У (кофир)ни осмон ва ер ўртасидаги ва самодаги барча фаришталар лаънат қиладилар. Само дарвозалари бекилади. (Само) дарвозаларидаги барча дарвозабон бу руҳнинг ўзи орқали кўтарилмаслигини сўраб, Аллоҳга дуолар қилади. Ўлим фариштаси жонни олади. У олиши билан фаришталар бирон лаҳза ҳам кечикмай уни ҳалиги дағал кафанликка соладилар. Ундан Ер юзидаги энг сассиқ ҳиддан баттарроқ ҳид таралади. Фаришталар у жонни олиб, (осмонга) кўтариладилар.

Улар фаришталарнинг қайси гуруҳи олдидан ўтсалар улар: «Бу ифлос руҳ кимники?»- деб савол берадилар. Фаришталар: «У – фалончининг ўғли фалончи» деб, дунёда чақирилган энг ёмон исмини айтадилар. Фаришталар жонни энг қуйи осмонга олиб борадилар ва дарвозаларни очишни сўрайдилар. Само давозаси очилмайди».

Расулulloҳ шу аснода: «У (кофир ва фожир)ларга само (дарвозалари) очилмайди ва туянининг тешигидан ўтмагунича жаннатга кира олмайдилар» оятини тиловат қилдилар.

Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло: «Унинг номасини Ернинг қуйи (табақаси)даги сижжийнга ёзинглар!»- деб буюради ва: - Бандамни Ерга қайтаринглар! Чунки, Мен ваъда қилдим: Мен уларни Ердан яратдим, Ерга қайтараман ва бошқа бир марта Ердан қайта тирилтираман, дейди.

Жонни жасадига қайтиб кириши учун Осмондан (ерга) улоқтирилади». Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким Аллоҳга шерик қилса, гўё осмондан ерга тушаётган ва уни қушлар тутиб ёки шамоллар чуқур ерга улоқтираётган киши кабидир» оятини тиловат қилдилар ва : «Руҳ жасадга қайта киради»- дедилар.

Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ўлик қайтаётган ёру-биродарларининг оёқ товушларини эшитади. Унинг ҳузурига кўпол икки фаришта келиб, уни силтаб ўтқазадилар ва савол берадилар: Роббинг ким? Аҳ! Билмайман. Дининг нима? Аҳ! Билмайман. Сизларга юборилган бу киши ҳақида нима дейсан? У У одамнинг исмини айта олмайди.. Унга айтилади: У – Муҳаммад соллалллоҳу алайҳи ва салламдир! Аҳ! Аҳ! Билмайман, одамлар Унинг ўша эканини айтар эдилар.

Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: Унга айтилади: Танимадинг ҳам эргашмадинг ҳам! Унга осмондан бир Зот нидо қилиб: Унинг учун жаҳаннамдан тўшанглар ва жаҳаннам томон бир дарвоза очинглар», дейди. Жаҳаннамнинг иссиқлари ва самумлари (иссиқ шамолнинг номи) унга етиб келади ва қабри шу даражада тораядики қовурғалари бири-бирига киришиб кетади» «Унинг олдига хунук юзли, хунук кийимли ва бадбўй бир одам келади – бошқа ривоятда намоён бўлади-да: «Ўзингга зарар қиладиган нарсалардан хурсанд бўл! Бу – сенга ваъда қилинган кундир!, дейди. Сенга ҳам Аллоҳ ёмонлик хабарларини берсин, сен кимсан?

Юзинг ёмонликдан дарак бермоқда! Мен сенинг ёмон амалингман. Мен сенинг Аллоҳга итоат этишга сушт ва Аллоҳга осий бўлишга тезкор бўлганингни билардим. Аллоҳ сени ёмонликлар билан жазоласин! - Сўнгра унга қўлида гурзиси бўлган бир кўр, кар ва соқовни ҳукмрон қилинади. Агар бу гурзи билан тоғни урилса толқон бўлади. У ўликни бир уради натижада у тупроққа айланади. Аллоҳ таоло уни аввалги ҳолатига қайтаради. Уни иккинчи марта уради, ўлик шундай қаттиқ фарёд чекадики, унинг фарёдини инсон ва жиндан бошқа барча махлуқот эшитади.

Кейин у ўлик учун жаҳаннамдан эшик очилиб, жаҳаннам тўшаклари тўшалади. Шунда у: «Роббим, Қиёматни коим қилма!»- дейди»

2. Биттаси қиёматда ўлим Фариштаси қўй суратида келади ва уни ҳамма танийди ва кейин уни сўйилади деди. Шу тўғрими?

عن أبي سعيد الخدري رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: يجاء بالموت يوم القيامة كأنه كبشٌ أملح، فيوقف بين الجنة والنار، فيقال: يا أهل الجنة، هل تعرفون هذا؟

فيشرئبُون وينظرون، ويقولون: نعم، هذا الموت، قال: ويقال: يا أهل النار، هل تعرفون هذا؟ قال: فيشرئبُون وينظرون، ويقولون: نعم، هذا الموت، قال: فيؤمر به فيذبح

قال: ثم يقال: يا أهل الجنة، خلود فلا موت، ويا أهل النار، خلود فلا موت، قال: ثم قرأ رسول الله صلى الله عليه وسلم: وَأَنْذِرْهُمْ يَوْمَ الْحَسْرَةِ إِذْ قُضِيَ الْأَمْرُ وَهُمْ فِي غَفْلَةٍ وَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ مريم: 39، وأشار بيده إلى الدنيا؛ رواه مسلم

Абу Саид ал Худрий разияллоху анху ривоят қилади.

Пайғамбаримиз саллоллоху алайҳи васаллам айтдилар: Қиёмат куни ўлим бир қўй мисолида олиб келинади. Жаннат ва дўзах ўртасида тўхтатилади. Кейин, жаннат аҳлига хитоб қилинади: Эй аҳли жаннат, буни танийсизларми? Улар уни кўрадилар ва танийдилар. Бу ўлим дейишади.

Дўзах аҳлига айтилади, Эй дўзах аҳли, буни танийсизларми? Улар уни кўрадилар ва танийдилар. Бу ўлим дейишади. Буюрилади ва уни сўйилади. Кейин, Эй аҳли жаннат мангулик, ўлим йўқ, дейилади. Эй аҳли дўзах мангулик, ўлим йўқ, дейилади. Кейин, бу оятни ўқидилар:

وَأَنْذِرْهُمْ يَوْمَ الْحَسْرَةِ إِذْ قُضِيَ الْأَمْرُ وَهُمْ فِي غَفْلَةٍ وَهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ

Марям сураси 39 оят

Уларни огоҳлантиринг, ҳасрат кунидан, қачонки иш тугаса, улар ғафлатдадирлар. Ва улар имон келтирмаслар.

Бу ҳадисдан биламизки, демак, қиёматда, ўлимни шу кўринишда йўқ қилинади. Фариштани эмас.

3. Чилёсин ўқишга нима дейсиз? Бу нарса мумкинми?

من قرأ سورة يس بإخلاص ٤١ مرة يستجاب له دعوته

Халқ ичида шундай гаплар юрадики, ким ёсинни қирқ марта ўқиса, ҳамма мушқули осон бўлади. Дуоси қабул бўлади. Касали тузалади ва ҳаказо, гаплар юради. Ёсин ўқиб, сувга дам уриб, шу сувни молига сепса, баракот бўлиши ва молини ўғирланмаслигини умид қилишади. Баъзилар деҳқончилигига ҳам, шундай сувдан сепиб юради.

يرى أهل العلم أن قراءة سورة يس لقضاء الحوائج وتيسير الأمور من البدع، التي ليس لها أصل ثابت

Аҳли имллар буларни барини бидъат ва таги пуч нарсалар, дейдилар.

اختلف العلماء في آرائهم حول قراءة سورة يس أكثر من مرة لقضاء حاجته. يرى ابن كثير أن ما جاء في فضل سورة يس في قضاء الحوائج، إنما هو اجتهاد من أهل العلم وليس له دليل في القرآن أو السنة

Ибр Касир мушқилотни аритиш учун, Ёсин ўқишлик жоиз деган сўз, уламолар ижтиҳодидир. Бунга далил оят ва ҳадис йўқ, дейди.

اقرأوا على موتاكم يس.
الدرجة: لا يصح

Ёсин сурасини, ўлаётган одамлар ҳузурида ўқинглар, деган ҳадисни, асли йўқ, дейишган.

ويرى ابن باز أن قراءة سورة يس ٤١ مرة دون انقطاع ليس له أصل في الشرع .

Ибн Боз ким ёсинни қирқ марта ўқиса, мушқули осон бўлади деган гапларни асли йўқ, деган.

وبذلك نرى الراجح من أقوال العلماء أنه لا توجد أدلة من القرآن أو السنة على قراءة سورة يس بهذا العدد لقضاء الحاجة.

Уламолар ёсинни қанчаям ўқишлик мушкулни осон қилишига доир қуръон ва ҳадисдан бирорта далил йўқ дейишган.

Саҳвий

04.02.2022

31 Савол

Умматнинг яхшилари кимлар?

قال صلى الله عليه وسلم: خيركم قرني ثم الذين يلونهم ثم الذين يلونهم

Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: Яхшиларингиз менинг асримдагилардир. Кейин, улардан кейингиларидир. Кейин, улардан кейингиларидир.

Демак, бу уммат ичида, энг яхшилари, саҳобалар ва тобеъинлар ва тобеъинларни кўрганлардир. Бошқалари, бир хил даражада ва то қиёматгача, тобора ёмонлашиб бораверади. Валлоҳу аълам.

من سب أصحابي فعليه لعنة الله ، والملائكة ، والناس أجمعين

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, мени асҳобимни ким сўкса, Аллоҳни, фаришталарни, ва ҳамма одамларни лаънати бўлсин! дедилар.

Энг яхши одам ва энг яхши миллат ва энг яхши жамоат ва энг яхши Инсоният ичидаги энг яхши уммат, Ислом умматидир.

Саҳвий

08.06.2021

32 савол

Ражаб ойини фазилати ҳақида маълумот беринг.

وقد قال ابن حجر: إن شهر رَجَب لم يرد حديث خاصٌ بفضل الصَّيَّام فيه، لا صحيح ولا حسن

Ибн Ҳажар Асқалоний айтадилар: ражаб ойи ҳақида келган бирорта саҳиҳ ёки ҳасан ҳадис йўқдир. Ҳаммаси заиф.

قالت عائشة رضي الله عنها: ما رأيت رسول الله صلى الله عليه وسلم استكمل صيام شهر قط إلا شهر رمضان وما رأيته في شهر أكثر منه صياماً في شعبان. رواه البخاري ومسلم

Оиша онамиздан ривоят қилинган: Пайғамбар алайҳиссалом рамазондан бошқа ойда тўлиқ рўза тутмасдилар. Шаъбон ойини аксарида рўза тутардилар. Бухорий ва Муслим ривояти

Бу ойга тегишли саҳиҳ ривоятда келган ҳеч нарса йўқ. Валлоҳу аълам.

Саҳвий

29. 01. 2022

33. Савол

Устоз бир савол борди китоб уқитишади биз Самарканд томонларда шу жойзми тушунтирсайз илтимос. Айеладан айникса шу куп буляпти

валекум ассалом Китоб ўқитишади дегани нима у? Саволни тушунтириброк ёзингда.

Айеларди йегип бир милло айел келип куръон укийди шунака килиб.

Агар аёлларга, бошқа бир аёл қуръондан таълим берса, бу мумкин. Яхши ва қилиш керак. Агар тўғри таълим берса, яъни, тўғри ўқишни ўргатса, ва ақидани тўғри тушунтирса, бу жуда яхши иш. Агар, у ўқитувчи аёлни ўзининг ақидасида ширк бўлса, ёки, китобни тўғри ўқишни билмаса, унда бошқа ақидаси тузукроқ бошқа бировдан, таълим олишлик керак.

خَيْرُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ
الراوي : عثمان بن عفان | المحدث : الألباني | المصدر : صحيح الترمذي

Пайғамбар алайҳиссалом, сизларнинг яхшиларингиз, қуръонни ўқиб, уни бошқаларга таълим берувчилардир, деганлар.

Лекин, бугунги Ўзбекистон қонунларига кўра, қуръонни бировга ўқитиш, қонунан мумкин эмас ҳисобланади. Бу Диний Бошқарма, динни монополия қилиб олгани сабабли бўлаётган нотўғри ишлардир. Улар кимдир, кимгадир қуръон ўқитганини билсалар, жазолашади. Аммо, улардан эҳтиёт бўлиб, қуръон ўқишни давом эттириш лозим. Қуръонга қарши кураш доим бўлган ва қиёматгача бўлади. Шунга қармасдан, уни ўқиш ва амал қилишда, давом этиш керак. Валлоҳу аълам.

Лекин, аёлларга эркак киши таълим берадиган бўлса, унда бу масалада, бир оз эҳтиёт бўлишлик керак бўлади. Яъни, аёл ва эркак ёлғиз қолиши жоизмас. Улар кўпчилик бўлсалар, ва фитна эҳтимоли бўлмаса, мумкин дейишган. Агар аёл ўқитувчи, топилмаган тақдирда мумкин. Шунингдек, эркакларга аёл муаллима бўлиши ҳам дурустмас.

Булар фитна эҳтимоли борлиги учун маън қилинган. Лекин, аёлларга аёллар таълим беришида муаммо йўқ. Фақат, муаллимани ўзи, ақидаси соф бўлиши талаб қилинади. Бизда кўп аёллар, ақидаси тоза эмас. Улар бидъату хурофотларни таълим беришади. Шундан ҳам эҳтиёт бўлмоқ керак!

Саҳвий

29. 12. 2021

34. Савол

Бир эркак аёлига икки талоқ қўйган. Шундан кейин, аёли кетиб, олти йил уйида яшаган. У эркак бошкага уйланган. Энди шу эркак бу аёлни яна олмоқчи. Лекин, икки талоқ қўйган ўша пайтда. Шунга бу аёл ҳам боришга рози. Шунини, шу эрига қайта никоҳласа бўладими?

Абу Адуллоҳ

Тожикистон

Талоқ, уч мартадир. Яъни, бир эр хотин орасида бўлиши мумкин бўлган талоқ, уч мартагача бўлади ҳалос. Ундан ортиқ талоқ йўқ. Бизда, ўн талоқ, юз талоқ, минг талоқ деган, гаплар айтилади. Булар бари динсизликдан бўлаяпти. Бир киши учдан кўп талоқ айтса, аёлга уч талоқ тушган ҳисобланади.

Чунки, учдан кўп талоқ йўқ! Аммо, уч талоқни бирданига бериш ҳам мумкинмас. Гарчи, бугун бу ишлар кўп такрорланаётган бўлсада, аслида бундан маън қилинган. Эркак аёлини талоқ қилмоқчи бўлса, бир талоқ қилади ҳалос. Бундан бошқа қилмаслиги керак. Унда ҳам, то ҳайз кўриб, тозалангунча кутиши керак. Тозалангач, тегмасдан туриб, талоқ қилади.

Шу нарса шарт қилинган. Дабдурустдан талоқ дейиш ҳам, мумкинмас. Уч талоқ дейиш, мумкинмас. Агар ажралишни истасалар, бир марта талоқ кифоя қилади.

«والسنة أن يطلق واحدة طلاقاً واحدة لا يزيد عليها، هذا هو السنة، والطلاق بالثلاث لا يجوز، الطلاق ثلاثين جميع مكروه»

Ибн Боз раҳимаҳуллоҳ айтадилар: Талоқ қилишдаги суннат, биттадир. Ундан зиёда қилмаслик керак. Суннат шудир. Уч талоқ қилиш жоизмас. Икки талоқ ҳам макруҳдир.

Буни афзаллиги шуки, мабодо ярашсалар, қайта никоҳланишга ҳам имкон бўлади. Бу имкон икки марта бўлади халос. Учинчи талоқдан сўнг, имкон ҳам бўлмайди. Хуллас, сиз айтган гап рост бўлса, эркак икки талоқ қўйган. Аслида бу ҳам тўғримас. Талоқ бир марта қўйилади.

Энди, мабодо икки талоқ қўйган бўлса, демак, уларда қайта никоҳ ўқитишга имкон бор. Энди, қўшилишни истасалар, қайта бошдан никоҳ ўқилиши керак. Маҳр берилади ва гувоҳ чақирилади. Қайта никоҳ қилинади. Бу улар орасидаги охирги никоҳ бўлади.

Энди талоқ қўйса, бу учинчи талоқ бўлади. Кейин, қайта никоҳлаш имкони йўқдир! Валлоҳу аълам!

Саҳвий

18.12.2021

35. Савол

Menda maqsad aniq Jannatga olib boradugan haq yolni topish rolda kim ekani muhim emas men otrgan aftomabil jannatga borsa boldi.

أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِرَجَالِكُمْ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ؟ النَّبِيُّ فِي الْجَنَّةِ، وَالصَّدِيقُ فِي الْجَنَّةِ، وَالشَّهِيدُ فِي الْجَنَّةِ، وَالْمَوْلُودُ فِي الْجَنَّةِ، وَالرَّجُلُ يَزُورُ أَخَاهُ فِي نَاحِيَةِ الْمِصْرِ لَا يَزُورُهُ إِلَّا لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، وَنِسَاؤُكُمْ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ الْوَدُودُ الْوَدُودُ الْعَوْدُ عَلَى زَوْجِهَاءِ الَّتِي إِذَا غَضِبَ جَاءَتْ حَتَّى تَضَعَ يَدَهَا فِي يَدِ زَوْجِهَا، وَتَقُولُ: لَا أَذُوقُ غَمًّا حَتَّى تَرْضَى.

الراوي : عبدالله بن عباس | المحدث : الألباني | المصدر : السلسلة الصحيحة

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, сизларга жаннат аҳли ким эканини хабарини берайми? Дедилар. Пайғамбарлар жаннатдадир. Сиддиқлар жаннатдадир. (Сиддиқ деб, пайғамбарларни тасдиқ қилган ва имонида содиқ яшаб ўтган одамларга айтилади) Шаҳидлар жаннатдадир. (шаҳид деб, Аллоҳ йўлида курашда қатл қилинган кишига айтилади. Бу кураш хоҳ қуроллик кураш бўлсин, хоҳ даъват йўлидаги чақриқлари учун бўлсин фарқи йўқ) Туғилган чақалоқлар (ўлса) жаннатдадир.

Ва бир мўмин киши, шаҳарнинг чеккасида яшайдиган биродарини Аллоҳ учун зиёрат қилса, у ҳам жаннатдадир. Аёлларингиздан эрига меҳрибон, ва фарзандлар туққан ва эрига интиладиганлари жаннатдадир. Эри ундан норози бўлганида, келиб эрини қўлига қўлини қўйиб, то сен мендан рози бўлмагунингча, кўзимни юма олмайман деб, турадиган аёллар жаннатдадир, дедилар. (Яъни, сен рози бўлмагунча, мен хотиржам ухлолмайман дейдиган аёллар жаннатийдирлар.)

Демак, шу юқоридаги ҳадисда айтилган мусулмон эркаклар ва муслима аёллар, жаннатда бўладилар. Сиз шулардан бири бўлсангиз, демак, сиз ҳам жаннатда бўласиз иншааллоҳ!

Бу каби жаннат аҳлининг сифати айтилган ҳадислар кўп. Шу жумладан оятлар ҳам бор. Жаннатга киришлик мақсади, мўмин кишининг бу дунёдаги асосий мақсади бўлади. Бўлиши керак! Бунинг учун, тавҳид асосида имон келтириши, намоз ўқиши ва рамазонда рўза тутиши ва пули нисобга етса, закот бериши ва Ҳажга бориши керак. Булар бари, ислом асосларидандир.

Бундан ташқари Одамлар билан бўладиган муомилаларида, ҳалол бўлиши ва адолатлик бўлиши ва ҳаказолар талаб қилинади. Шуларни барини қилиб юрган одамлар, ўлса, жаннатга боришлигини умид қиламиз. Айни шуларга жаннат башорати берилган. Бунинг акси Имон келтирмаган, ширкка аралашган, намоз ўқимаган, Рўза тутмаган ва одамларга адолат қилмаган ва тўғри ҳалол муносабатда бўлмаганларга жаҳаннам ваъда қилинган. Булардан сақланишлик керак. Тавҳид йўли, жаннат йўлидир. Шуни унутманг!

Саҳвий

13.12. 2021

36. Савол

Мен 2005 йилда туғилганман. Отам ва онам 1981 йилда туғилганлар. Синглим 2006 йилда ва кичик укам 2008 йилда туғилган. Ҳаммамиз мучалимизга мос эканмиз. Мени ва ота онамни характерим бир хил. Синглим ва укам бошқача. Мучаллар тўғри келиши рост экан. Мен бунга аниқ ишондим.



A hand with a blue sleeve points to a table of birth years. The table lists names and their birth years in a grid format. The background is dark blue with a subtle pattern.

Товук	1957	1969	1981	1993	2005	2017	2029	2041
Ит	1958	1970	1982	1994	2006	2018	2030	2042
Тўнгиз	1959	1971	1983	1995	2007	2019	2031	2043
Сичкон	1960	1972	1984	1996	2008	2020	2032	2044
Сигир	1961	1973	1985	1997	2009	2021	2033	2045
Йўлбарс	1962	1974	1986	1998	2010	2022	2034	2046
Куён	1963	1975	1987	1999	2011	2023	2035	2047
Балик	1964	1976	1988	2000	2012	2024	2036	2048
Илон	1965	1977	1989	2001	2013	2025	2037	2049
От	1966	1978	1990	2002	2014	2026	2038	2050
Кўй	1967	1979	1991	2003	2015	2027	2039	2051
Маймун	1968	1980	1992	2004	2016	2028	2040	2052

Исломдан олдинги халқларда турли туман хурофий урф одатлар бўлган ва Ислом келиб, буларга чек қўйган. Лекин, бу урф одатлар барибир ўша мусулмон бўлмаган халқларда сақланиб қолди. Ва аста секин, булар мусулмонлар диёрига криб келиб, уларнинг урфига ҳам айланди. Наврўзни ва Янги йилни байрам қилиш каби одатлар бугунги мусулмон халқларда мавжуд.

Лекин, Исломда йўқ амаллардандир. мучал ҳам шулардан бири десак бўлади. Мучал динда йўқ нарса. Ким қачон туғилганлигидан қатъий назар Аллоҳ хоҳлагандек, хулқ атвор эгаси бўлади. Қолаверса, муҳит ҳам тарбияга таъсир кўрсатади. Лекин, баъзи халқларда мучалга каттиқ ишонишади. Мучаллардаги ҳайвонлар ҳам, турли халқларда турличадир.

Аксар халқларда ким қайси ҳайвон йилида туғилса, шу ҳайвонга ўхшайди деган тушунча бор. Шунингдек, шу мучалдаги ҳайвонлар дунёда бир бирига қандай муомила қилса, шу йилдаги туғилган одамлар муомиласи ҳам шунга ўхшайди деган тасаввурлар бор. Мусулмонларга бу нарсаларга ишониши тўғри эмас.

Бу мучал ва у боғлиқ афсоналар Исломдан олдинги мушрик бўлган оташпараст, бутпараст халқларда пайдо бўлган афсоналарга асосланади. Хитой ва Эрон ва Марказий ва жанубий Осиё халқларида мучал қадимги оташпарастлар давридан қолган йил ҳисоби календар бўлган.

Буни оддий халқ ичида кенг тарқалгани одамлар ёшини аниқлашда енгилроқ бўлгани учун бўлса керак? Яқинларгача аксар қариялар ўз ёшларини ҳисоблаганда, балиқ йилида туғилдим, деб, ўзини туғилган йилини ҳисоблашда, балиқдан, балиққача 12 йил, демак, 24, 36, 48, 60, 72 каби рақамлар билан ёшини аниқлаб гапиришарди. Бундан ташқари, мучал билан боғлиқ кўп афсоналар ҳам бор.

Шу йиллардаги ҳайвонларга, шу йиллардаги туғилган одамлар қайсидир маънода ўхшашлиги айтилади. Булар бари сафсата. Қадимги мушриклар бунга ишонишган. Шунга қараб, фол очишган. Келажакни башорат қилишган.

Булар бари Ислом динида ширк ҳисобланадиган ҳаром амаллардир. Мусулмон кишиларга, мучал ишониш мумкинмас. Унга ишониш мўмин кишини ақидасига путур етказади. Баъзи ҳолларда диндан чиқиб қолишига ҳам сабаб бўлиши мумкин?! Валлоҳу аълам!

Саҳвий

03. 11. 2022

37 Савол

Бизга бир яхшилик қилган кишига, Аллоҳ рози бўлсин деб, айтсак бўладими? Лекин, намозхон одам эмас. Яхши инсон. Маҳалламиз имоми доим ким масжидга ёрдам берса, Аллоҳ рози бўлсин, дейди.

Аллоҳ кимдан рози бўлади?

Аслида Аллоҳнинг розилиги Аллоҳга имон келтирган кишилар учун, ҳаётда яшашликдан асосий мақсад ҳисобланади. Мўмин кишилар умри давомида шунга интилади ва шунинг учун молу жонини қурбон қилади. Яъни, бу жуда улуғ неъмат ҳисобланади. Сулаймон алайҳиссалом қилган дуолари қуръонда келади. У киши қатор нарсаларни Аллоҳдан сўраб, дуо қилиб, шулар орасида,

وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ
Аҳқой сураси 15 оят

Сен рози бўладиган амаллар қилишни насиб қилгин деб, дуо қиладилар. Яъни, пайғамбарлар Аллоҳ розилигига интилиб яшаган инсонлардир. Ва халқларни ҳам, шунга ўргатган кишилардир. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шу дуолари мазмуни, барча яхшиликларни ўзида жамлаган дуодир.

اللهم إني أسألك رضاك والجنة وأعوذ بك من سخطك والنار.

Эй Аллоҳим, Сендан жаннатингни ва розилигингни сўрайман. Ва Сенинг ғазабингдан ва дўзахдан паноҳ сўрайман.

Аллоҳнинг розилиги, бу мўмин одамгагина насиб бўладиган неъматдир. Бу ҳам, осонгина бўлмайди. Бунга бир умр интилиб, ҳаракат қилиб яшашлик натижасида, ҳосил бўладиган неъматдир. Уламолар бу неъматни, Аллоҳнинг бошқа барча неъматидан устун дейишган. Жаннатдан ҳам устун дейишган.

Бу учун одамлар молу жонини фидо қилиб, эришадиган неъматдир.

وقال الله سبحانه: وَمَنْ النَّاسُ مَنْ يَشْتَرِي نَفْسَهُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِ اللَّهِ
Бақара сураси 207 оят

Одамлар орасида, Аллоҳ ризоси учун, ўз жонини сотадиганлари ҳам бор, дейди, Аллоҳу таоло.

عن أبي هريرة رضي الله عنه قال: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم: إن الله يرضى لكم ثلاثاً: فيرضى لكم أن تعبدوه ولا تشركوا به شيئاً، وأن تعصموا بحبل الله جميعاً ولا تفرقوا؛ أخرجه مسلم

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар. Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло сизларнинг учта амалингизга рози бўлади.

1. Аллоҳга ибодат қиласиз.
2. Унга ҳеч нарсани шарик қилмайсиз.
3. Аллоҳнинг арқонига боғланиб, ўзаро фирқаларга ажралиб кетмайсиз.

Сиз бировга Аллоҳ рози бўлсин дейишдан аввал, унда шу сифатлар боми йўқми, шунга назар солинг! Ибодатда бўлиши шарт. Ва ширк амалларини қилмаслиги шарт. Турли туман фирқаларга кириб. Умматни парчаламаган бўлиши шарт. Бу сифатлар бўлмаса, унга индамаган маъқул. Аллоҳнинг розили буюк неъмат, уни ахлатга раво кўриш керакмас.

Пайғамбарлар халқларни ҳаққа даъват қилишган. Улар тавҳидга чақирганлари учун, калтакланиб, ҳақоратланиб, баъзида қатл қилинганлар. Ҳақ йўлдаги одамларга залолат аҳлидан шунақа синовлар келиши муқаррар. Бунинг натижасида, агар собит туриб берсалар, Аллоҳ улардан рози бўлади. Бу осон нарса эмас. Ҳақ йўлда юриш ва ҳаққа чақириш, бу Аллоҳ ризолигига олиб борадиган, Пайғамбарлар йўлидир.

إن عِظَمَ الجزاء مع عِظَمَ البلاء، وإنَّ الله إذا أحبَّ قومًا ابتلاهم، فمن رضي فله الرضا، ومن سخط فله السخط؛ أخرجه الترمذي

Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам мукофотнинг каттаси, балонинг каттаси билан бирга бўлади, деганлар. Аллоҳ бир қавмни яхши кўрса, уларни имтихон қилади. Улар рози бўлсалар, (бу имтихонларга шукр қилиб, сабр қилиб, норозилик қилмасалар) Аллоҳ ҳам рози бўлади. Агар улар норози бўлсалар, Аллоҳ ҳам норози бўлади. Термизий ривояти.

Бугун оғзини тўлдириб, гапираётганлар на ҳақорат эшитади ва на калтак ейишади? Ошни еб, тугунни учига пулни тугиб, қоринни қаппайтириб, даъват қилишади бугун. Гаплари ҳам шунга яраша бўлади. Эшагига ярага тушови шумасми?!

Булар яна, уларни ҳаққа чақирганларни, узоқ йиллар қамоқларга ташланади. На зулмга дучор бўлишади? Ўзлари, золимларга ёрдам бериб, уларнинг ёрдамида, динни монополия қилиб, ҳақ йўлдаги мусулмонларга жабр етишига сабаб бўладилар. Аллоҳнинг розилигини, дуч келган одамга тилаш жоизмас. Бўлиб ҳам, ҳақ йўлни устида эмаслиги аниқ кўриниб турганларга, мутлақо мумкинмас.

Шунақа имомларга, Аллоҳ рози бўлсин дейишлик мумкин бўлмаса, бенамозларга мумкин бўладими? Ҳалол ҳаром пулни топиб, масжидларга садақа қилиб, у ердаги жоҳил имомлардан дуо олишни хуш кўрадиганлар, дунёга алданган одамлардир. Аммо, уларни алдаётган имомлар, уларданда баттар, разил одамлар ҳисобланади.

Аллоҳнинг раҳмати, тақводорларга, муҳожирларга ва мужоҳидларга ва Аллоҳ буюрган амалларни холис қилиб, қайтарганидан қайтганларга ваъда қилинган. Шу сифатларга эга деб, гумон қилган кишига, сизга яхшилик қилса ҳам, қилмаса ҳам, Аллоҳ рози бўлсин, деб дуо қилинг.

Динга амал қилмайдиган ва намоз ўқимайдиганларга Аллоҳ ҳидоят қилсин сени, дейишдан бошқа нарса, айтиш мумкинмас. Чунки, унинг залолатда эканлиги аниқдир. Динсизликда ўлганларга ҳам, Аллоҳнинг мағфиратини жаннатини сўраш мумкин эмас. Валлоҳу аълам!

Саҳвий

08.10. 2021

38. Савол

Assalomu alekum

Domla tuzumisiz ishlaringiz yaxshimi.

Men juda qiyalayamanda hanma harhil gapirayapti kimdr unday kimdr bunday deydi

Ahli suna valjamo kimlar ozi

Валекум ассалом. Бу мавзуда жавоб берса, жуда кўп нарса ёзиш мумкин? Мен имкон қадар қисқароқ қилиб жавоб бераман.

أهل السنة والجماعة هم أكبر مجموعة دينية إسلامية من المسلمين في معظم الفترات من تاريخ الإسلام، وينتسب إليهم غالبية المسلمين، ويُعرف بهم علماءهم أنهم هم المجتمعون على اتباع منهج السنة النبوية وسنة الخلفاء الراشدين وأئمة الدين من الصحابة والتابعين وأصحاب المذاهب الفقهية المعتمدة من فقهاء أهل الرأي وأهل الحديث، ومن سار على نهجهم واقتفى أثرهم وأخذ عنهم طريقتهم بالنقل والإسناد المتصل.

Аҳли сунна вал жамоа, Ислом тарихи давомида, ислом динидаги мусулмонлардан ташкил топган катта жамоатдир. Мусулмонларнинг катта қисми шунга киради. Буларнинг уламолари Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннати ва Хулафои рошидинлар суннати ва саҳобаларга ва тобеъинлар имомларига ва мазҳаб имомларига ва ҳадис аҳлига эргашишга, ижмо қилишган. Шуларнинг манҳажиди ярадиган ва асарларидан фойдаланадиган ва улардан ўзларига йўл, нақл, иснод оладиган тоифадир.

ولم تكن هذه التسمية مصطلحا متعارفا عليه في بداية التاريخ الإسلامي حيث لم يكن هناك انقسام ولا تفرق، وإنما ظهرت هذه التسمية تدريجياً بسبب ظهور الفرق المنشقة عن جماعة المسلمين تحت مسميات مختلفة،

Лекин, ислом тарихи аввалида, булар Аҳли сунна вал жамоа, деб, танилмаганлар. Чунки, у пайтда турли тафриқа ва бўлинишлар бўлмаганди. Бу номни пайдо бўлиши аста секин вужудга келди. Бошқа тоифалар пайдо бўлиши ва улар бу мусулмонлар жамоасидан ажралиб турганлиги ва турли номлар пайдо бўлганлиги сабаблик, буларнинг Аҳли сунна вал жамоа, деган номлари ҳам пайдо бўлди.

وكان لقب أهل السنة يطلق على أهل العلم من أئمة الصحابة ومن تبع طريقتهم المسلوكة في الدين، حيث ورد في مقدمة صحيح مسلم عن ابن سيرين أنه لما وقعت أحداث مقتل الخليفة عثمان بن عفان، والتي يشير إليها باسم "الفتنة" أنه قال: «لم يكونوا يسألون عن الإسناد فلما وقعت «الفتنة» قالوا سموا لنا رجالكم فينظر إلى أهل السنة فيؤخذ حديثهم وينظر إلى أهل البدع فلا يؤخذ حديثهم»،

Аҳли сунна деган лақабни саҳобаларнинг имомлари ва уларга иттибоъ қилган тобеъинлар имомлари тарафидан истеъмол қилина бошланди. Саҳиҳи муслимнинг муқаддимасида айтилишича, Усмон ибн Аффон разияллоҳу анҳу қатл қилинган вақтида, Бу фитна деган, ном билан тарихда қолган воқеъадир. Ибн Сирин айтади, Фитна содир бўлгач, (ҳадис тўпловчилар) иснодни сўрашганда, бизга рижолларни айтишлар дейишарди. Агар улар бидъат аҳлидан бўлса, (Фитначилардан) ҳадисни олмасдилар ва агар суннат аҳлидан бўлса, ҳадисини олардилар. Дейди.

فالأئمة في الدين من الصحابة ومن تبعهم بإحسان هم أهل السنة أي: أصحاب الطريقة المتبعة في الدين باعتبار أن طريقتهم التي كانوا عليها قائمة على اتباع منهج الهدي النبوي حيث نقلوا علم الدين بعمومه، واستند عليه علمهم فيما بينوه وفيما استنبطوه وفق أصول الشريعة.

Саҳобаларнинг имомлари ва уларга яхшилик билан эргашган тобеъинлар улар аҳли суннадир. Булар динда эргашишни ушлаган тариқат соҳиблари эдилар. Улар Набавий манҳажига, ҳидоятига ва уларга нақл орқалик етиб келган дин илмига, эргашишда қойим эдилар. Шу асосда уларга аён бўлган илмга суянишди ва улардан истинбот қилинган шариат асосларида қойим туришди.

Демак, мана шулар Аҳли сунна вал жамоа деб, эътироф қилинган жамоадир. Бу жамоанинг сифатлари ҳақида, Аллома Абдували қори ҳам, Душанба дарсларида кўп нарсаларни айтиб ўтганлар. Қуйида, шу кишининг дарсларидан иқтибосларни илова қиламан.

Абдували қори Мирзаевнинг 18 дарсидан иқтибос:

Биз нажот топувчи жамоа ҳақида, баъзи бир аломатларни билмоқлигимиз керак. Мен шу ўринда бир нарсани айтиб ўтмоқчиман. Бир кишини одамлар ёмонлаб, бадном қилсалар, у кишига турли хил тухматлар қилсалар, у киши тавҳидга чақирган бўлсалар, у кишига тухматлар қилиб, сиғиниб юришган бир кишининг сўзини келтираман. У киши Абдулқодир Жилонийдир. Абдулқодир Жилоний ҳаётида, якка Аллоҳга ибодат қилган ва тавҳидга чақирган зотдир. Бу кишининг машҳур «Фуния» деган китоблари бор.

Абдулқодир Жилонийни бизнинг диёримизда, "ғавсул аъзам" деб, номи чиққан. У киши одамларни ширкдан маън қилган. Ягона Аллоҳга ибодат қилишга чақирган. Мана шу зот, "фирқатун ножиya" ҳақида, нима деганлар? «Ғуния» деган, китобларида, *فاما فرقة ناجي هو اهلي سنة*, *و الجماعة* деганлар.

و اهلي سنة ليس لهم اسم الا اسمن واحد هو اصحاب الحديث

Деганлар.

Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтган етмиш уч тоифанинг ичида, битта нажот топувчи тоифа, аҳли суннат вал жамоатдир. Биродарлар, ҳамма одам, аҳли суннат вал жамоатман деяпди. Дарахтга сиғинаётганлар ҳам, аҳли суннат вал жамоатман, деяпди. Дунёда аҳли суннат вал жамоатдан бошқа одам қолмайди, агар ўзини даъвосига қарасангиз. Аллоҳ рози бўлсин, бу Абдулқодир Жилонийдан. Ҳамма одам ўзини аҳли суннат вал жамоатман деб қолишини, Аллоҳ билдирган эканми, мана бу сўзни айтганлар. Аҳли сунна вал жамоат ким? Уларнинг битта номидан бошқа номи йўқ, Улар ҳадис аҳлидир, деганлар.

Мана бу, Аҳли сунна вал жамоат, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ ҳадис ривоят қилинганда, шу ҳадисни олиб, ҳамма одамни раъйдан, фикридан воз кечиб, мана шу ҳадисга амал қилувчи кишилар, нажот топувчи кишилар экан деб, Абдулқодир Жилоний айтганлар.

Абдулқодир Жилонийга, ширк калималарини нисбатлаган, тухмат қилган кишилар, қиёматда жавоб берадилар. Одамлар Исо алайҳиссаломга ибодат қилишиб, у кишининг оналарига ибодат қилиб кетишган. Мана насоролар ҳаммалари, ўз динидан воз кечишиб, у кишига ва оналарига сиғиниб кетишган. Исо алайҳиссаломни Аллоҳ дейишгани йўқ. Баъзилари Аллоҳнинг ўғли дейишди. Баъзи насоролар, Аллоҳ билан бизни ўртамызда, бизни ҳимоя қилиб, шафоат қилиб олади дейишди.

Тўғри, пайғамбарлар қиёмат куни шафоат қилишади. Хусусан, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам шафоат қиладилар, Аллоҳнинг изни билан. У пайғамбарлар ва Аллоҳ мартаба берган зотлар, фақат аҳли тавҳидларни шафоат қиладилар. Ширк аҳлини ҳеч ким шафоат қила олмайди, биродарлар.

Аллоҳ ширкни ҳеч қачон кечирмайди. Нажот топувчи жамоат, тавҳидни энг биринчи эътиборга олади. Ибодатда, Аллоҳдан ёрдам сўрашликда, дуо қилишликда, хоҳ қаттиқлик ва хоҳ юмшоқлик вақтларида, қурбонлик қилишликда, назр, қилишликда, таваккул қилишликда, Аллоҳу Субҳонаҳу ва таолонинг якка Ўзига ибодат қилади. Аллоҳгагина ибодат қилади. Аллоҳдангина ёрдам сўрайди. Аллоҳгагина дуо қилади. Аллоҳгагина қурбонлик қилади. Аллоҳгагина назр қилади.

Аллоҳгагина таваккул қилади. Ва Аллоҳ туширган ҳукм билан ҳукм қилади. Хуллас, ибодат маъноларини ҳаммасини, якка Аллоҳнинг Ўзига қилади. Мана бу нажот топувчи жамоанинг белгиларини баъзисидир. Нажот топувчи жамоа биродарлар, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ихё қилишади. (тирилтиришади) Ўзларининг ибодатларида, ҳаётларида, йўналишларида, ва суннатларини ихё қилишлик билан, одамлар ўртасида ғариб бўлиб қолишади. Ҳақиқий суннатни ихё қилаётган вақтларида, улар масхараларга дучор бўлишади. Имоми Муслим ривоят қилган ҳадисда, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам айтдилар.

رواه مسلم في صحيحه، جاء عن أبي هريرة عن النبي ﷺ أنه قال: بدأ الإسلام غريباً وسيعود غريباً كما بدأ فطوبى للغرباء فهو حديث صحيح ثابت عن رسول الله عليه
زاد جماعة من أئمة الحديث في رواية أخرى: قيل: يا رسول الله! من الغرباء؟ قال: الذين يصلحون إذا فسد الناس

Ислом ғариб бўлиб бошланган. Ислом келганида ҳамма кулди. Наҳотки, биз якка Аллоҳга ибодат қилсак?! дейишди. Улар ҳар нарсага, алоҳида Худо қилиб олишган эди. Дарахтларга худо. Ёмғирга худо. Ерга худо. Осмонга худо. Хоҳлаган нарсага биттадан худо қилиб олишган эди. Шамол бўлиб қолса, шамол худосига сиғинишарди. Ёмғир қаттиқ ёғса, ёмғир худосидан паноҳ сўрашарди. Ҳар бир нарсани, ўз манзиллари ва ўзига хос жоҳилий амаллари бор эди. Ислом тавҳидни олиб келганда, ғариб бўлди.

Ва ғарибликка қайтади, дедилар, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам. Ҳозир ҳам, ягона Аллоҳга ибодат қилишга даъват қилинадиган бўлса, инсон ғариб бўлиб қолади. Наҳотки, шу сен билиб, шунча халқлар билмаса? дейди. Наҳотки, ҳукми бошқараётганлар билмаса, сен ёш бўла туриб, билсанг, дейди. Ғариб бўлади. Ғариб ким? Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини ихё қилишлик билан, киши бидъат аҳли ичида, ғариб бўлиб ўтиради.

Нажот топувчи жамоа, Аллоҳнинг каломини, маъсум бўлган зот, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзларини маҳкам ушлашади.

كل بني آدم خطاء وخير الخطائين التوابون

Улар Одам болаларини барчаси хато қилувчи, хато қилувчиларни энг яхшиси, тавба қилувчилар деб, эътиқод қиладилар.

ليس أحد بعد النبي صلى الله عليه وسلم إلا ويؤخذ من قوله ويترك إلا النبي صلى الله عليه وسلم، جامع بيان العلم، الإمام مالك بن أنس رحمه الله

Ҳамма одамни сўзи олинадиям, ташланадиям. Магар, Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг сўзлари, албатта олинади. Бу киши маъсумдир. Баъзи ривоятларда, қабрларини олдида турган эканлар, бу қабр эгасини сўзи, албатта олинади, деган эканлар. Нажот топувчи жамоанинг сифатларидан яна биттаси, мужтаҳидларни, имомларни ҳаммасини эҳтиром қилади.

Мужтаҳид уламоларга ҳурмат билан қарашади. Биттасига ҳурмат билан қараб, бошқасига ҳурматсизлик қилмайди, биродарлар! Бизнинг диёрларимизда, битта имомга, ҳурмат билан қараб, бошқасига ҳурматсизлик қилишади. У ҳурмат ҳам, жоҳилона ҳурматдир. У кишидан ривоят қилинган сўзни, ҳеч текширмайди.

Нажот топувчи жамоа, маъруф ишларга буюради ва мункардан қайтаради. Бидъат йўлларини инкор қилади. Миллатни бўлиб ташлайдиган турли жамоаларни инкор қилади. Ҳамма жамоалар китобу суннатга қақирамиз деб, ташкил топади, биродарлар! Агар китобу суннатга қақирсалар, ўрталарида бир бири билан, қарама қаршилик бўлмаслиги керак эди. Шунинг учун, Нажот топувчи жамоа, буларни барчасини тан олмайди.

Чунки, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам, Нажот топувчи жамоани, ма ана алайҳ ва асҳоби деганлар. Менинг йўлимни ва асҳобларимни йўлини тутувчи кишилар, Нажот топувчи жамоа, деганлар. Нажот топувчи жамоанинг яна бир сифати, Аллоҳнинг ҳукмини, ҳақиқий ҳукм деб билади. Одамлар тарафидан ўйлаб чиқилган ҳукмларни, тан олмайди. Булар билан бўлган ҳукми, ширк деб, билади. Аллоҳнинг ҳукми билан, ҳукм қилишлик, бу Ҳақиқий Ислом дейди. Аллоҳнинг ҳукми билан ҳукм қилмаганларни,

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ
Моида сураси 44 оят

فَأُولَٰئِكَ هُمُ الظَّالِمُونَ
Моида сураси 45 оят

وَمَنْ لَّمْ يَحْكَمْ بِمَا أَنزَلَ اللَّهُ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ
Моида сураси 47 оят

Деб, эътиқод қилади.

Одамлар тарафидан ўйлаб чиқилган ҳукмлар, ботил деб билади. Аллоҳнинг ҳукмини, Ҳақиқий Ислом деб, билади.

Нажот топувчи жамоанинг белгилари, тили билан, қалами билан, ва ҳаракати билан, ҳаммани шу Тавҳидга чақиради.

Уламоларнинг баъзиларидан, Нажот топувчи жамоа ким? деб сўралганда, (қуйида, шу саволга, Ибн Бозни жавоби келтирилди)

لجواب: الفرقة الناجية، هي: المتمسكة بما جاء به النبي ﷺ، هم أهل السنة والجماعة، الفرقة الناجية: هم الناجية. فالأمة افترقت على ثلاث وسبعين فرقة، كلها في النار إلا واحدة، وهذه الواحدة هي الفرقة الناجية، هي التي، الناجية، وهم الطائفة المنصورة، إلى قيام الساعة، وإن قلوا، وإن قلوا في أي مكان..، عن طريقة السلف، لكن تارة يكون الذي حاد عنها كافرًا، وتارة يكون دون ذلك، اثنتان وسبعون فرقة كلها متوعدة

Салафи солиҳларнинг йўлида юрган ҳар бир киши, Нажот топувчи жамоадир, деган эканлар. Салафи солиҳлар кимлар? Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам ва асҳоблар ва у кишининг йўлларида юрган кишилар, деган эканлар. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадислари мана айтиб ўтдик.

لا تزال طائفة من أمتي ظاهرين على الحق لا يضرهم من خذلهم حتى يأتي أمر الله وهم كذلك

Умматимнинг бир тоифаси доим ҳақда кўриниб бораверади. Уларни ташлаб кетганлар, уларга зарар етказолмайди. Ҳатто, Аллоҳнинг амри, ўлим келгунча шундай бўлади.

Нажот топувчи жамоа ҳақида, Абдуллоҳ ибн Муборак, Ҳум инди, асҳобул ҳадис, деганлар. Яъни, Нажот топувчи жамоа менинг фикримда, ҳадис аҳллари, деган эканлар. Али ибн Мадиний ҳам, шундай деган эканлар. Имоми Бухорий ривоят қилган.

سئل الإمام أحمد بن حنبل عن معنى قول النبي: (لا تزال طائفة من أمتي ظاهرين على الحق لا يضرهم من خذلهم حتى يأتي أمر الله وهم كذلك) فقال: إن لم يكونوا أهل الحديث فلا أدري من هم؟

Аҳмад ибн Ҳанбал, "агар Нажот топувчи жамоа, асҳобул ҳадис бўлмаса, уларнинг кимлигини, мен билмийман," деган_ эканлар. Мана бу Нажот топувчи жамоанинг сифатларидандир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло ҳаммамизни ҳам, Нажот топувчи жамоадан қилсин!

Нажот топувчи жамоанинг биринчи сифати, айтиб ўтдикки, улар якка Аллоҳга ибодат қилишади, ва Унга ҳеч бир нарсани шарик қилишмайди. Ҳеч бир нарсани, на жин, на инсон, на офтоб, на ой, на дарахт ва на тош ва ҳоказо, нарсаларни шарик қилишмайди. Бу ширкни, имону исломни синдирувчи нарса деб, билишади.

Иқтибос тугади.

Абдували қори Мирзаевнинг 48 дарсидан иқтибос:

Суфёни Саврий айтган эканларки,

قال الإمام سفيان الثوري: اسْتَوْصُوا بِأَهْلِ السَّنَةِ خَيْرًا، فَإِنَّهُمْ غُرَبَاءُ

حكم الأثر: صحيح

Аҳли суннага, яъни, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилган кишиларга яхшилик қилинглар. Чунки, улар ғариблардир, деган эканлар.

قال سفيان الثوري: (إذا بلغك عن رجل بالمشرق صاحب سنة وآخر بالمغرب فابعث إليهما بالسلام وادع لهما ما أقل أهل السنة والجماعة

Машриқда турган бир киши ҳақида у соҳиби сунна, суннат эгаси, деган хабар етиб келган бўлса, Бошқаси Мағрибда бўлса, у ҳақида у соҳиби сунна, суннат эгаси, деган хабар етиб келган бўлса, сен уларга салом йўлла ва дуо қилгинки, аҳли сунна қандаям кам? Деган эканлар. Жамоалар бор, биродарлар. Мана, масжидларда жамоалар бор.

Лекин, аввал суннат аҳли бўлиши керак. Кейин, шулардан жамоа ташкил бўлиши керак. Ана шу жамоа, ғариблар жамоасидир. Аллоҳу Субҳонаҳу ва таоло нусратини берадиган жамоа шудир. Ҳозирги вақтда, масжидларда жамоалар бор. Лекин, улар аҳли жамоа фақат. Аҳли сунна эмас. Аввал аҳли сунна бўлиб, кейин, шу аҳли суннадан, жамоа ташкил топиши керак.

Иқтибос тугади.

Демак, шулар Аҳли сунна вал жамоа ким? Деган саволга, етарлик жавоблардир. Аллоҳу таоло, бизларни шу жамоадан қилсин! Уларга хилоф қилувчи, фирқалардан асрасин!

Саҳвий

09 12. 2021

39. Савол

Abduvali qoraka togrisda nega bazilar natogri talqin qlishadi sabani nimada?

Ozbekdagi domlalar nima keragi bor haq bolsa uni yashirganidan kimga kerak Ahli ilim odamlarni vahobi uyo buyo deb tashlashayaptkuu

Menga bir dalda yetmayaptida faqat kim haq ajratib olishlikka hanma ozicha haq deydkuu

Абдували қори Мирзаевни сиз каби, ёшлар бугун танимайдилар. У кишини йўқ қилишганига шу йил 2022 йилда, 29 август келса, 27 йил бўлади. Бу дегани у киши ўғирлаб йўқ қилинган кунда туғилган бола, 27 ёшга кирди, деганидир. У кишини интернетда таркалган аудио файллари борки, бугун кўплар шулар орқалик уни танишади. У киши тавҳид олими эди.

У кишини қоралаш эса, Диний Бошқармадаги сарой мулаларининг доимий иши бўлиб келган. У кишига қарши сўфилик бидъат йўналиши намоёндаси МСМЮ қарши турган. У кишига Давлат имомлари ва тариқатчи сўфилар ва Ҳизбут Таҳрирчилар ва қуръонийлар гуруҳлари қарши бўлишган. Шулар билан орасида келишмовчилик ва тортишувлар бўлган.

Яна ИАК бошлиқ МХХ ҳам, у кишига қарши бўлган. Уни ваҳҳобийлар раҳнамоси дейишган. У кишини қандай йўқ илингани ҳалигача номаълумлигича қолмоқда. Ҳукумат ҳалигача, буни тан олмади. Мирзиёев даврида ҳам, бу жиноят очилмасдан қолмоқда. Булар бари, Мирзиёевнинг динга ҳолисона қилинмаган сиёсатининг натижасидир. Бугун ҳам, динга қарши кураш ИАК давридагидек давом этмоқда.

Муаллимус соний ўқитгани учун бир кишини қамашлик қайси қонунга тўғри келади?! Бу китоб таъқиқланган адабиёт бўлса, нега у сотувда турибди?! Сотиб олган одам ўқиёлмаса, бирор ўқишни биладигандан сўраб ўрганса, ушлаб қамашади. Қуръонни ўқитиш ҳам, жиноятми?! Шунақа аҳмоқона қонунлар Ўзбекистонда бор!

Ислом душманлари сафида Мирзиёев ҳам бўлиши аниқ бўлди. Шу йўлда кетса, ИАК каби тарихда малъун бўлиб қолажак!

Абдували қори 1950 йилда туғилганди. У қирқ ёшлигида Андижон Жомеъси очилиб, имомликка ўта бошлаган. Унгача Жомеъ масжиди омборхона бўлиб турган. Жомеъда беш йил имомлик қилди. 45 ёшида эса, ўғирлаб йўқ қилишган. Қирқ ёшигача, у расмий имом сифатида, халқ орасида танилмаган. Қишлоқда деҳқончилик қилиб, қўй боқиб, тирикчилик қилиб юрган. Имомлик даврида ҳам тирикчилигини, шу тарзда давом эттирган. У расман ҳеч қаерда ўқимаган. Бирорта расмий дипломи йўқ.

Унинг имомлик пайтидаги маърузаларини тинглаган одам, бу баловат ва фасоҳат ва бу шиддат ва чуқур мушоҳадани бошқа дипломлиларда топа олмайди. У ҳозир бўлганида 70 ёшда бўларди. У беш йиллик хизмати билан юз йилга етадиган катта дарс қолдирди. Унинг даражасидаги нотик у пайтда ҳам йўқ эди. Ҳозир ҳам мавжуд эмас. У миллат ва дин фахри шарафи бўлган киши эди.

Бугунги сарой муллаларини у билан солиштирганда, сариқ чақага арзимаслигини кўрамиз. Шайхлик иддаосини қилган мутассиб МСМЮни Абдували қори билан солиштиришади. Ваҳолонки, булар орасида осмон билан ерча фарқ бордир. Абдували қори Мирзаев Албонийга эргашган имомлардан бири эди. МСМЮ Албонийга қарши то ўлгунга қадар, тош отди. МСМЮ Абдували қорига ва унинг ботил йўлига юрмаган ҳақ йўлдаги имомларга ҳам қарши эди. Бу қаршилигини у омма олдида гапирмасада, бу нарса, очиқ ойдин эди.

Албонийнинг битта айби, МСМЮ каби мазҳабпараст эмасди. Абдували қорини ҳам аслида, шундан бошқа айби йўқ эди. МСМЮ учун мазҳабсизлик, динсизлик каби эди. У буни ҳеч қабул қилолмасди. Умри давомида мазҳабсизларга қарши курашиб ўлди. Унинг таёёрлаган шогирдлари ҳам шу йўлда бардаом кетмоқдалар. Хазалаҳумуллоҳум фиддорайн.

29 август куни Андижон Жомеъ масжиди имоми Абдували қори Мирзаев ва унинг шериги Рамазон Маткаримовлар Тошкент Аэропортидан Москвага учаётганларида ўғирлаб йўқ қилинганига 27 йил тўлади. Улар 1995 йил 29 август куни ўғирланганди. Бу каби машҳур имомлардан ташқари яна бошқа ўнлаб фуқаролар ўғирланиб йўқ қилинган. 2015 йилдаги бу борадаги ўтказган суриштирувда бизга аниқ бўлгани 27 кишидан иборат рўйхат жамоатчиликка эълон қилинганди.

Абдували қори Мирзаев ўғирланганидан орадан 21 йил ўтгач ўтган йили 29 августда мустабид ИАК ҳам ароқни ичиб маишат қилаётганида миясига қон қуйилиб ўлди. Аммо, унинг қолдирган қаттол режими ҳали ишлаб турибди. Ш. Мирзиёев шунча нарса гапириб турсада, катта ўзгаришлар кўринмаяпти. Турмада ётганлар озод қилинмади. Муддатлари тугаганларга яна муддат кўшиб берилаяпти. Ўғирлаб йўқотилганлар масаласида эса, ҳалигача лом мим дейилмади. Булар тақдири нима бўлгани элга ошкора қилинмади. Ўлик тириги айтилмади.

Шунча йиллар давомида турли хил миш мишлар урчиди. Кимдир ўлдирилган деса, кимдир тирик деди. Менинг шахсий фикримча бу одамлар ИАК режимининг жиноятларига гувоҳ сифатида шу вақтгача сақлаб қўйишмаган бўлса керак валлоҳу аълам. Менинг аниқ билганим шуки, кимки Аллоҳ йўлида ҳақда собит туриб золимлар қўлида қатл қилинса, бу УЛКАН ЮТУҚДИР!

Бу ўғирлаб йўқотилганлар ноҳақ қатл қилингани учун албатта ажр эгалари бўлажаклар иншааллоҳ! Абдували қори Мирзаев каби тавҳид олимлари эса, ҳақ йўлида иншааллоҳ шаҳид бўлган уламолар жумласидан деб тушунаман. У кишини дарсларини эшитиб динни тушунганман. У кишига нисбатан кўнглимда беқиёс эҳтиром мужассамдир. У киши на дунёга ва на мансабга алданди? На молу жонига келадиган балодан қўрқди?

Ботилга мутлақо ён босмасдан ўлимга тик боқиб ўтди. Баъзи кимсаларга ўхшаб динфурушлик қилмади. Унинг фидокорлиги мени ҳайратда қолдиради. Бу киши ибрат олишга ва фахрланишга лойиқ инсондир. Қўйидаги шеърларим ҳам шу кишига, тавҳид илмидаги устозимга бағишлангандир.

Бир фидоий инсон, ҳофизул қуръон,
Дунёда ёруғ кун кўрмай кетдилар.
Ҳақда собит туриб, чиққунича жон,
Ботилнинг измида юрмай кетдилар.

Чек қўйиб қанчалар ширку, бидъатга,
Хурофот дейилган асрий иллатга,
Ибратлар қолдириб мазлум миллатга,
Тутган ҳақ йўлидан қайтмай кетдилар.

Бошдан оёқ олам кураш беомон,
Кимда йўқ, кимдадир саломат имон,
Кимлар ҳақиқатни, билсада чандон,
Одамларга ҳақни айтмай кетдилар.

Кўпларни синдирди, мансаб ила мол,
Кўпларни алдади фарзанду аёл,
Кимлар ҳақда собит, турдилар ал ҳол,
Кимлар ўз аҳдида, турмай кетдилар.

Синовли дунёдир, синовли дунё,
Кимлар учун чиндир, кимгадир рўё,
Ғойиб бўлсалар ҳам, тирикдек гўё,
Бу дунёдан кўнгли тўлмай кетдилар.

Ҳақни танитай деб, элга авомга,
Дучор бўлди турли лақаб бадномга,
Лойиқ бўлсалар ҳам иззат икромга,
Дунёдан иззатни топмай кетдилар.

Ҳар хил бўлар экан, банда имони,
Собитлик бўлмаса, бу энг ёмони,
Ҳақ йўлида қурбон бўлсада жони,
Динини дунёга сотмай кетдилар.

Тавҳид дарсин бериб Ўзбекистонга,
Тўлдириб эл қалбин, дину имонга,
Аҳли тавҳид бўлган ҳар мусулмонга,
Устозлик қилганин кўрмай кетдилар.

Дин учун офатдир, фисқ ила фасод,
Кўпларнинг бозори бўлдику касод,
Кимлар йиғлаганда, кимлар бўлди шод,
Кимларнинг омади чопмай кетдилар.

Кимлар ўтди суриб даври давронин,
Ким кетди бағишлаб ҳақ учун жонин,
Афзал деб охират шараф ва шонин,
Дунёдан давронин сурмай кетдилар.

.....

Бири жон фидо қилди, ибрат қолдириб кетди,
Бири фитнаю фасод, бидъат қолдириб кетди.

Буларни тенг деманглар, фарқи, ер бирла осмон,
Бири қўрқоқлик бири, журъат қолдириб кетди.

Бири рад қилди, ботил, тоғутларни доимо,
Бири уларга катта, хизмат қолдириб кетди.

Бири тасаввуф каби, бидъатни тирилтирди,
Бири бу элга тоза, суннат қолдириб кетди.

Бири қайтарди элга, унутилган тавҳидни,
Бири хурофотларга ҳурмат қолдириб кетди.

Бири Ҳақ учун, бири Тоғутга хизмат қилиб,
Қиёмат кунга катта ҳужжат қолдириб кетди.

Бири уйғотди, ғофил, ухлаётган миллатни,
Бири ортидан манқурт, миллат қолдириб кетди.

Бири золимни мақтаб, «муҳтарам зот» деб, юрди,
Бири қуръон ҳадисдан даъват қолдириб кетди.

Булар бир хил яхши деб, алжирайди одамлар,
Бири ҳидоят, бири, ғафлат қолдириб кетди.

Бири иззат кўрмади, бадном бўлди ҳаётда,
Бири иззатда яшаб, шуҳрат қолдириб кетди.

Одамлар билмас булар, ҳаргиз баробар бўлмас,
Чунки, бири нур, бири, зулмат қолдириб кетди.

Фаросат аҳли бўлсанг, ким кимлигин таниб ол,
Бири офату бири, неъмат қолдириб кетди.

Булар ўтди дунёдан, лекин Саҳвий қалбида,
Бири муҳаббат, бири, нафрат қолдириб кетди.

Саҳвий

15.06.2020

40 савол

Уйда беш вақт намозни, ёки, тарових намозида, Аёлим қизларимга имом бўлиб, намоз ўқиса бўладими?

إنه يجوز للمرأة أن تؤم النساء وتصلي بهن الفريضة والتراويح، ولا تتقدم على الصفوف كالرجال بل تتوسط الصف الأول، وإذا كانت المأمومة واحدة وقفت عن يمين من تؤمها، لما روي أن عائشة وأم سلمة رضي الله عنهما، أمتا نساء فقامتا وسطهن قال الإمام النووي حديثاً إمامة عائشة وأم سلمة رواهما الشافعي في مسنده، والبيهقي في سننه بإسناد حسن، المجموع للنووي (4/187)، هذا هو القول الراجح من أقوال أهل العلم في إمامة المرأة للنساء.

Аёлларнинг аёлларга имом бўлиб, фарз ва нафл намозлар ўқишлари жоиздир. Лекин, имом аёл, эркаклар имоми каби, сафни олдида бир ўзи турмайди. У аввалги сафда бошқа аёллар билан бирга туради. Агар у бир аёлга имомлик қилса, иқтидо қилувчи аёл, уни ўнг томонида туради. Оиша ва Умма Салама онамизлар ривоят қилганлар. Улар аёлларга имомлик қилишганда ўртасида турганлар. Бу ҳадисни Имоми Нававий ва Шофий ўз муснадларида келтирганлар. Байҳақий ҳам ривоят қилган. Аёлнинг аёлларга имомлик қилиш жоиздир. Бу сўз аҳли илм орасидаги рожиҳ сўздир.

على أن هذه المسألة اختلف فيها العلماء، فمنهم من منع ذلك، ومنهم من أجازه، قال الإمام ابن قدامة: اختلفت الرواية هل يستحب أن تصلّي المرأة بالنساء جماعة، فروي أن ذلك مستحب، ومن روي عنه أن المرأة تؤم النساء: عائشة، وأم سلمة، وعطاء، والثوري، والأوزاعي، والشافعي، وإسحاق، وأبو ثور. وروي عن أحمد رحمه الله - أن ذلك غير مستحب

Бу масала устида уламолар орасида ихтилоф бор. Баъзилари буни маън қилганлар. Баъзилари ижозат берганлар. Ибн Қуддома айтади: Уламолар Аёлнинг аёлларга имомлик қилиши мустаҳаблигига ихтилоф қилишган. Баъзилари бу мустаҳаб деганлар. Оиша онамизни ва Умма Салама онамизлар имомлик қилганини Ато, Саврий, авзойи, Шофий, Исҳоқ, Абу Савр лар ривоят қилишган. Имоми Аҳмад буни мустаҳаб деб, санамаган.

وكرهه أصحاب الرأي وإن فعلت أجزاءهن. قال الشعبي، والنخعي، وقتادة لهن ذلك في التطوع دون المكتوبة. وقال الحسن وسليمان بن يسار: لا تؤم في فريضة ولا نافلة، وقال مالك: لا ينبغي للمرأة أن تؤم أحداً. المغني لابن قدامة (2/35)، وقال الإمام ابن رشد: (واختلفوا في إمامتها النساء، فأجاز ذلك الشافعي، ومنع ذلك مالك). بداية المجتهد (1/280). وبناء على ما تقدم نقول للسائلة الكريمة: إن بإمكان المرأة أن تؤم النساء في الصلاة لثبوت ذلك عن عائشة وأم سلمة رضي الله عنهما.

Райъ соҳиблари, буни макруҳ кўришган. Шаъбий, Нахаъий, ва Қатодалар нафл намозда бўлса, мумкин. Фарз намозида эмас дейишган. Ҳасан ва Сулаймон ибн Ясор фарзда ҳам, нафлда ҳам, мумкин эмас дейишган. Имоми Молик, аёл кишини, бирортага имомлик қилиши жоиз эмас, деган. Ибн Рушд айтади: Аёлларнинг аёлларга имом бўлишини Шофийлар жоиз деганлар.

Моликийлар маън қилганлар. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу масалада турли фикрлар бор. Аёл кишига бошқа аёлларга имомлик қилишига имкон бор. Чунки, Оиша ва Умма Салама разияллоҳу анҳумодан собит бўлганини ривоят қиладилар.

Хулоса: Демак, юқоридагилар ҳаммаси, сўзи динда далил ҳисобланган кишилардир. Оиша ва Умма Салама разияллоҳу анҳумодан собит бўлганини ривоят қилинган. Улар қилган иш, бошқаларга ҳам мумкиндир. Валлоҳу аълам. Баъзи имомларнинг, маън қилишларига, қатор сабаблар таъсир қилган бўлиши мумкин. Замон ва маконга ва вазиятга қараб, бу амал жоиз бўлиши ва ёки, маън қилингани афзал бўлиши мумкин. Бунга турли хил воқеъликлар сабаб бўлади. Бизнинг давримизда, аёллар масжидга бориб намоз ўқишмайди.

Уйларида ҳам аксар аёллар ўқимаслиги аниқ. Баъзи намозхонлари, у бу аёлнинг уйига тўпланиб қолишса, шундай пайтда биттаси имомлик қилиб, бошқалари иқтидо қилиб ўқишлари мумкин. Валлоҳу аълам. Аёлларнинг овозини эркаклар эшитмаслиги лозим. Яна, ҳадисларда, аёллар намозни жамоат бўлиб ўқишларидан кўра, уйда ёлғиз ўқишлари, савоби кўпроқ экани айтилган. Эркаклага аксинча, уйда ўқиганидан кўра, масжидда жамоат билан ўқигани афзаллиги айтилган.

Шунинг учун, аёлларни тўплаб, доимий суратда қилиш дурустмас валлоҳу аълам. Лекин, сизни саволга келсак, онаси уйда қизларига имом бўлиши, ёки, қизлари онасига имом бўлиши, бу жоиз ва давомли бўлсада дурустдир. Уларнинг овозини, уйдаги маҳрам эркаклар эшитсада, зарари йўқ. Бегона эркаклар эшитмаса бўлди. Бунда, уларга манфаатлар бор. Таълим бўлади. Намозга шошилиб туришади. Оилавий аёллар жамоаси ташкил бўлиши, афзал иншааллоҳ! Валлоҳу аълам!

Саҳвий

05. 02. 2022

Хотима:

Бу иккинчи китобда ҳам, менга берилган, 40 саволга, менинг берган жавобларим жамланди. Менда эскидан сақланиб қолган ва янгидан берилган, баъзи савол жавобларни жамлаб, яна бир кичик рисола қилдим. Аллоҳнинг мадади ила, шу бугун тугади. Бу рисола кичик, атиги 40 бетдан иборат бўлди. Биринчи рисола анча каттароқ бўлганди. Бу китобни, муаллифига ва ўқувчиларга, икки дунёда манфаатлик қилишини, Аллоҳдан сўраб қоламан. Нуқсон хатолари учун, истиғфор айтаман. Аллоҳ ҳаммамизни тўғри йўлидан адаштирмасин! Адашган бўлсак, ҳидоятласин! Омин!

Саҳвий

10 феврал 2022 йил

